

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:

НИЁЗОВА ДИЛНОЗА РАСУЛОВНА

**ИҚТИСОДИЙ СУБЪЕКТЛАР МОЛИЯВИЙ
БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР
ТАҲЛИЛИ ВА УНИ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ АСОСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мутахассислик: 5А340903 – “Иқтисодий таҳлил”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: _____ проф. Э.А.Ақромов
(имзо)

Магистратура директори: _____ доц. Ҳ.Аҳмедов
(имзо)

ТОШКЕНТ -2014

**Диссертация Тошкент Молия институти “Молиявий таҳлил”
кафедрасида бажарилган**

Илмий раҳбар:

_____ проф. Э.А.Ақромов
(имзо)

Расмий оппонент:

_____ доц. Н.Ф.Ишонқулов
(имзо)

Кафедра мудири:

_____ доц. Б.Ж.Ҳақимов
(имзо)

Магистратура бўлими бошлиғи:

_____ доц. Ҳ.Аҳмедов
(имзо)

МУНДАРИЖА

КИРИШ

1-БОБ. ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИҚТИСОДИЁТ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

- 1.1. Молиявий натижалар ва уларнинг иқтисодиёт субъектлари молиявий барқарорлигини баҳолашдаги аҳамияти
- 1.2. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижалари таҳлилининг назарий асослари
- 1.3. Инқирозга қарши чоралар дастурини хўжалик субъектларининг молиявий натижаларига таъсирини таҳлили

2-БОБ. ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

- 2.1. Иқтисодиёт субъектларининг молиявий натижаларини таркибий тузилиши ва динамикасининг таҳлили
- 2.2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили
- 2.3. Соф фойда ва унинг ўзгаришини омилли таҳлили

3-БОБ. ИҚТИСОДИЁТ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ

- 3.1. Молиявий натижалар ҳисобини халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ташкил қилиш
- 3.2. Иқтисодиёт субъектларининг молиявий натижаларини молиявий барқарорлигига таъсирини баҳолашнинг комплекс иқтисодий таҳлили

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг Президентимиз бошчилигида республиканинг ўзига хос бўлган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш модели ишлаб чиқилди. Ушбу ривожланиш модели асосида Ўзбекистонда янги иқтисодий тизим - бозор иқтисодиётига ўтилмоқда. Турли-туман мулк шакллариининг пайдо бўлиши, давлат мулкининг хусусийлаштирилиши, акционерлик жамиятлари, ҳамкорликдаги қўшма корхоналар, кичик корхоналарнинг вужудга келиши ўтиш жараёнига хос хусусиятлардандир. Маълумки, республикада ҳар томонлама ўзига тўқ, бақувват мулкдорлар қатлами шаклланишидагина, корхоналарнинг фаолияти жадаллашиши таъминланади.

Давлат мулкани давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ва хўжалик юритишнинг янги шаклларига ўтишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Хусусийлаштириш иқтисодиётни барқарорлаштириш ва эркинлаштириш билан бир қаторда хўжаликни самарали юритиш учун амалий шарт-шароитлар яратиш ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлаш имконини беради. Республикада хусусийлаштириш йилларида маҳаллий саноат, савдо, транспорт, маиший хизмат, умумий овқатланиш, деҳқончилик саноати мажмуининг қайта ишловчи тармоғи корхоналари мулкчиликнинг турли шаклларига айлантирилди, йирик корхоналар асосан ҳар турдаги акционерлик жамиятлари тарзида хусусийлаштирилди.

Ҳозирги кунда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини шаклланиши, улар ҳисобини юритишни такомиллаштириш ҳамда бирмунча янгиликлар киритиш ва шу билан биргаликда ҳисоб-китоб ишларини ихчамлаштириш мумкин.

Қайд қилиб ўтиш жоизки, молиявий натижаларнинг шаклланиши ва уларни ҳисобга олиш тартиби бозор муносабатлари ривожланиши билан вужудга келган таркибий ўзгаришлар натижасида такомиллаштиришга муҳтождир.

Бу борада мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов шз маърузасида уйидагиларни таъкидлаб штганлар: «2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси – бу ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизатсия қилиш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макroiқтисодий мувозанатни таъминлашдан иборатдир»¹.

Рақобатбардошликни таъминлаш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан бир қаторда акционерлик жамиятлари фаолиятининг молиявий натижаларини тўғри шакллантириш, жамиятда антикризис сиёсатини қарор топтириш ва барқарор ривожланиш стратегиясини белгилашга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, иқтисодиётни

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: «Ўзбекистон», 2010 й, 55-бет.

эркинлаштириш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар молиявий натижаларини шакллантириш, уларни аудиторлик текширувларидан ўтказиш ва таҳлил услубларини такомиллаштириш масалалари, шубҳасиз, долзарб ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Акционерлик жамиятларида молиявий натижалар ҳисоби, таҳлили ва аудитини ташкил қилиш ҳамда такомиллаштириш масалалари республикамиз иқтисодчи олимлари И.Абдукаримов, А.Сотиволдиев, Р.Ражабов, Э.Акрамов, А.Ризоқулов, Н.Жўраев, Т.Жўраев, А.Пардаев, Ш.Ҳайдаров, А.Каримов, А.Ибрагимов, Д.Норбеков, З.Маматов, Р.Дўсмуратов, М.Тўлаходжаева ва бошқаларнинг ишларида кенг ўрин олган.

Битирув малакавий иши мавзусининг асосий мақсади. Битирув малакавий ишининг асосий мақсади акционерлик жамиятларида молиявий натижаларни шакллантиришнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва бухгалтерия ҳисоби миллий андозаларини амалиётга татбиқ қилиш йўналишларини белгилаш, халқаро андозалар ҳамда ривожланган давлатлар тажрибаси асосида ҳисобнинг янги усулларини ўзлаштириш орқали молиявий натижаларни шакллантиришнинг имкониятларини кенгайтириш ҳамда акционерлик жамиятларида молиявий натижаларни таҳлил этишнинг назарий, услубий ва амалий жиҳатларини ўрганишдан иборатдир.

Битирув малакавий ишининг мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги вазифаларни ҳал этиш белгиланган:

- Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молиявий натижалар ҳисобининг меъёрий ва ташкилий – услубий масалаларини комплекс тадқиқ қилиш;
- Молиявий натижаларнинг шаклланишини ва таркибий тузилишини ўрганиш ва баҳолаш;
- Акционерлик жамиятларида молиявий натижалар ҳисобининг назарий ва услубий жиҳатларини ўрганиш;
- Акционерлик жамиятларида молиявий натижалар аудитини ташкил этиш ва ўтказиш услубларини такомиллаштириш;
- Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойдани ҳисобга олишни такомиллаштириш;
- давр харажатлари ва асосий фаолиятнинг бошқа турлари ҳисобини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- молиявий фаолият даромадлари ва харажатларини аудиторлик текширувидан ўтказиш услубларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- фойда (даромад)ни солиққа тортиш аудитининг ташкилий – услубий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш;
- молиявий натижалар аудитида молиявий таҳлилнинг ўрни ва ролини асослаш;
- фойда ва рентабелликка таъсир кўрсатувчи омиллар тизимини ривожлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда унинг иқтисодий таҳлилини ривожлантириш;
- акционерлик жамиятларида молиявий натижалар ҳисобини ташкил

- қилиш, ҳисоб маълумотларини таҳлил қилишни ўрганиш;
- молиявий натижаларни аниқлашда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш;
 - молиявий натижаларнинг ишлатилиши ҳисоби, таҳлилини ташкил қилиш ва такомиллаштириш;
 - асосий фаолият молиявий натижалари аудитини ташкил этиш ва ўтказиш услубларини такомиллаштириш;
 - давр харажатлари ва асосий фаолиятнинг бошқа турлари аудитини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
 - молиявий фаолият даромадлари ва харажатларини аудиторлик текширувидан ўтказиш услубларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
 - фойда (даромад)ни солиққа тортиш аудитининг ташкилий – услубий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш;
 - молиявий натижалар аудитида молиявий таҳлилнинг ўрни ва ролини асослаш;
 - юқорида келтирилган масалалардан келиб чиққан ҳолда республикамиз бухгалтерия ҳисоби тизимида янги ҳисоб усулларини аниқлаш ва уларни амалиётга татбиқ қилиш имкониятларини ўрганиб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг предмети. Мазкур битирув малакавий ишининг предмети республикамиз акционерлик жамиятларида бухгалтерия ҳисоби, таҳлили ва аудитини ташкил қилишнинг услубий асослари, молиявий натижаларнинг шаклланиши ҳисобини аниқлаш ва уларни миллий ҳамда халқаро андозаларга мослаштириш ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг объекти Мазкур Битирув малакавий ишини ёзишда Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги “Сайхунобод пахта тозалаш” акционерлик жамияти маълумотларидан кенг фойдаланилди ва объект сифатида тасниф этилди.

Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши. Ишнинг ҳажми бетдан иборат бўлиб, кириш, ... параграфни ўз ичига олувчи учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, .. та илова, та жадвал, та расмдан иборатдир. Битирув малакавий ишининг тузилиши унинг мақсади, вазифалари ва йўналишларини ифодалайди.

1-БОБ. ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИҚТИСОДИЁТ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Молиявий натижалар ва уларнинг иқтисодиёт субъектлари молиявий барқарорлигини баҳолашдаги аҳамияти

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа фаолиятларнинг натижаси сифатида фойда олиш асосий мақсад ҳисобланади. Фойда олишни кўпайтириш жамият манфатиغا ҳам мос келади. Чунки иқтисодий фаолиятнинг юқори фойдалилиги индивидуал фойданинг кўпайиши билан мамлакат миллий даромадининг ортишига олиб келади. Айтиш мумкинки, фойда миқдори ва унинг даражаси бозор иштирокчиларининг, айниқса инвесторларни ҳаракатга келтирувчи кучдир. Бозор иштирокчисининг манфаатдорлиги фойда миқдори билан белгиланади. Корхоналар, ташкилотлар ҳамда тадбиркорлар қайси тармоқ ва фаолият фойдани кўпроқ келтирадиган бўлса, сармояни шу ерга жойлаштириб, барча имкониятларини ишга солиб шу фаолиятни ривожлантириш, рентабеллик даражасини ошириб, кўпроқ фойда олишга интиладилар. Агар мазкур соҳада капитал ўзини оқламаса, фойда келтирмаса ва бозорда ўз ўрнини топа олмаса инвесторлар капитални бу тармоқ ёки фаолият туридан олиб, бошқа янада даромадлироқ бўлган тармоққа йўналтирадилар.

Бозор иштирокчилари, шу жумладан тадбиркорларнинг манфаати халқ истеъмоли туфайлигина рўёбга чиқади. Ишлаб чиқарилаётган товарлар, маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматлар ва бажарилаётган ишларга талаб бўлсагина улар истеъмомга йўл олади, бошқача қилиб айтганда сотилади. Демак, талабсиз фойда юзага келмайди. Бозор қонуниятининг мазмуни ҳам шундан иборат ва бозор шароитида даромад олиш, фойда қилишнинг бошқача усули бўлиши мумкин эмас. Фойда механизмининг таъсири ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар фаолиятини истеъмомчи манфаатига қаратади, чунки шу йўл орқалигина фойда олишни билади.

Фойдани юқори даражага кўтариш бозор иқтисодиётидаги энг муҳим кучдир. Фойданинг камайишига жуда кўп омиллар таъсир қилади. Бу омилларни аниқлаш, салбий оқибатларни олдини олиш мақсадида учрайдиган тўсиқларни бартараф қилиш усуллари ишлаб чиқишда бизга таҳлил ёрдамга келади. Масалан, фойданинг кўпайишига ишлаб-чиқариш самарадорлигини ошишига боғлиқ. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун ишлаб чиқаришга янги технологияларнинг жалб қилиниши, ходимларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, иш сифатини яхшилаш ва бошқалар ижобий таъсир кўрсатади. Демак, бунинг натижасида ижобий молиявий натижага эришиш мумкин.

Турли мулкчилик шаклларида фаолият юритаётган корхоналарда хўжалик муомалаларини ҳисоби, назорати ва таҳлилини ташкил этишда Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни, “Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари” ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар муҳим рол ўйнайди.

Корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишда энг муҳим масалалардан бири бу ҳисоб хизмати, жумладан молиявий натижалар ҳисобини тўғри йўлга қўйишдан иборатдир. Шунингдек, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республика Қонунининг 7-моддасида ҳам қуйидаги жиҳатлар характерланади. Яъни ушбу қонун белгилари бўйича корхонада ҳисоб-китоб ҳужжатларининг сақланишини, ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисобот тайёрланишини, ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини ташкил этиш ва юритиш масъулияти бевосита корхона раҳбарига ва бош бухгалтерига юклатилади.²

Молиявий натижалар - бу хўжалик юритувчи субъектнинг маълум ҳисобот даврида тадбиркорлик фаолияти жараёнида ўзига қарашли маблағнинг ошиши ёки камайишидир. Бухгалтерия ҳисобида бундай

² "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 30 август 1996 йил. Халқ сўзи, 1996 йил 12 сентябр. 7-модда.

фаолият натижаси ҳисобот давридаги барча фойдалар ва зарарларни ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Корхоналарнинг молиявий жиҳатдан барқарор бўлиши уларнинг фаолияти давомида олган фойдасининг тўғри шакллантирилиши билан боғлиқ. Чунки корхоналар фойдаси шу ерда ишловчиларнинг моддий таъминланиши, дивидендлар тўланиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришнинг, ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларини ва янги технологияларни жорий қилиш кабиларнинг асосий моддий манбаси ҳисобланади.

Фойда моддий ишлаб чиқариш соҳасида тадбиркорлик фаолияти жараёнида яратилади. Ишлаб чиқариш омиллари (меҳнат, капитал, табиий ресурслар) ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш фаолияти бирикиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқарилади, у истеъмолга сотилганда, товар бўлиб ҳисобланади.

Товарлар бозорида корхоналар нисбатан алоҳида товар ишлаб чиқарувчи бўлиб майдонга чиқадилар. Сотиш натижасида улар пул тушумини оладилар, бу эса даромад олинганлигини англатади. Молиявий натижани аниқлаш учун тушумни маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажат билан таққослаш керак.

Агар тушум харажатлардан юқори бўлса, молиявий натижа фойда олинганлигидан далолат беради. Хўжалик юритувчи субъектлар доимо фойда олишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди, лекин бунга доим ҳам эриша олмайди. Тушум харажатларга тенг бўлса, унда фақат маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари қопланган бўлади, холос бу ҳолат маҳсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажми дейилади. Бунда зарар кўрилмайди, лекин ишлаб чиқариш, илмий-техник ва ижтимоий ривожланишнинг манбаи сифатидаги фойда ҳам олинмайди, фақат харажатлар қопланади. Корхона харажатлари тушумидан кўп бўлса, у зарар кўради, яъни салбий молиявий натижага эришади. Бу ҳолат уни анча мураккаб молиявий аҳволга солиб қўяди.

Фойдани бозор муносабатларининг ўта муҳим категорияси сифатида талқин этиш мумкин. Биринчидан, фойда корхона фаолияти

натижасида олинган иқтисодий самарани характерлайди. Лекин ягона фойда кўрсаткичи ёрдамида корхона фаолиятининг барча томонларини баҳолаб бўлмайди. Бундай универсал кўрсаткичнинг бўлиши ҳам мумкин эмас. Айнан шунинг учун корхонанинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий фаолиятини ташкил қилишда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Фойданинг аҳамияти шундан иборатки, у якуний молиявий натижани акс эттиради, шу билан бирга унинг миқдори ва ўзгаришга корхонанинг харажатларига боғлиқ бўлган ҳамда боғлиқ бўлмаган омиллар таъсир қилади. Фойда рағбатлантирувчи функциясини бажаради. Бунинг мазмуни шундан иборатки, фойда бир вақтнинг ўзида молиявий натижа ва корхона молиявий ресурсларининг асосий элементи ҳисобланади. Ўз-ўзини молиялаштириш таъминлигининг реал таъминланиши олинган фойда билан белгиланади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришни, корхонанинг илмий-техник ва ижтимоий ривожланишини, ходимларни моддий рағбатлантиришни молиялаштириш учун етарли бўлиши керак.

Иккинчидан, фойда турли даражадаги бюджетларни рағбатлантириш манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади. У солиқлар кўринишида бюджетларга келиб тушади ва бошқа даромад тушумлари билан бир қаторда ижтимоий эҳтиёжларни қондиришни молиялаштириш, давлат томонидан ўз фаолиятини бажаришни таъминлаш, давлатнинг инвестиция, ишлаб чиқариш, илмий-техник ва ижтимоий дастурларини амалга ошириш учун ишлатилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг қуйидаги кўрсаткичлари билан таснифланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида фойданинг аҳамияти жуда катта. Фойда олишга интилиш товар ишлаб чиқарувчиларни истеъмолига керак булган

маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишга, ишлаб чиқаришга кетадиган харажатларни камайтиришга ундайди. Эркин рақобат шароитида бу орқали нафақат тадбиркорларнинг мақсадига, балки ижтимоий эҳтиёжлар қондирилишига ҳам эришилади. Зарарларнинг ҳам ўз ўрни бор. Улар маблағларни йўналтиришда, ишлаб чиқаришни ташкил қилишда ва маҳсулотни сотишдаги хатоларни ёритиб беради.

Лекин акционерлик жамиятининг молиявий фаолиятини режалаштиришда ва аниқлашда, корхона ихтиёрида қолган фойдани тақсимлашда фойданинг аниқ кўрсаткичлари ишлатилади. Фойда бу корхонанинг маҳсулот сотишдан олинган фойдаси (зарари) билан маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлмаган фойдалари (зарарлари) йиғиндисидир.

Корхона томонидан олинадиган фойданинг таркибини аниқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки қайси фаолият туридан корхона фойда олаётганлиги ва қайси фаолият туридан зарар кўраётганлигини билиш корхонанинг молиявий-иқтисодий барқарорлигига ҳам ўзининг таъсирини ўтказди.

Хўжалик юритувчи субъектларда фойданинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда;
2. Асосий фаолиятдан олинган бошқа фойда (операцион фойда);
3. Молиявий фаолиятдан олинган фойда;
4. Фавқулодда олинган фойда;

Корхона ўзининг ҳисоб фойдасидан, аввало, давлат олдида ҳисоб беради ва ўзининг ихтиёрида ҳамда тасарруфида бўлган фойда суммасини аниқлайди. Соф фойдадан ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга оид сарфлар акционерларнинг умумий йиғилишида ҳисоб бериш ҳамда уларнинг розилигини олиш асосида белгиланади.

Соф фойданинг қолган қисми чиқарилган акцияларнинг турига қараб ва уларнинг имтиёзли шартлари асосида тақсимланади. Дастлаб имтиёзли

акция эгаларига олдиндан кафолатланган фоизларда тўловлар ҳисобга олинади, сўнгра оддий акция эгаларига дивиденд фоизлари ва суммалари эълон қилинади. Фойданинг тақсимланмаган қисми корхона учун тақсимланмаган фойда сифатида, агар корхона ночор аҳволда бўлса, қопланмаган зарар сифатида кейинги ҳисобот йилига ўтказилади³.

Юқорида келтирилган молиявий фаолиятдан олинган молиявий натижаси асосий кўрсаткич ҳисобланади. Молиявий фаолиятдан олинadиган даромадлар таркибига “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”га Низомга мувофиқ қуйидагилар киради:

- Олинган роялтилар ва сармоя трансферти;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улуш қўшган ҳолда қатнашишдан олинган даромад, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар ҳамда хўжалик юритувчи субъектга тегишли қимматли қоғозлар бўйича даромадлар;
- Мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар (лизинг тўловини олиш);
- Валюта счёtlари, шунингдек чет эл валюталаридаги муомалалари бўйича ижобий курс тафовутлари;
- Сарфланган (қимматли қоғозларга, шўъба корхоналарга ва ҳоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар.

Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар солиққа тортишда ялпи даромадга киритилмайди.

Молиявий фаолият бўйича даромадлар ҳисоби «Асосий хўжалик фаолиятидан олинadиган даромадлар» номли 2-сон БҲМС, «Ижара

³ "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралда 54-сонли қарори билан тасдиқданган.

ҳисоби» номли 6-сон БҲМС, «Молиявий инвестициялар ҳисоби» номли 12-сон БҲМСлар билан тартибга солинади⁴.

Акционерлик жамиятларида молиявий фаолият бўйича харажатлар харажатларга қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган ҳисоб ставкалари даражасида ва улардан ортиқча олинган қисқа муддатли ҳамда узоқ муддатли кредитлар бўйича, шу жумладан тўлов муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар бўйича тўловлар;

- Мулкни узоқ муддатли ижарага олиш (лизинг) бўйича фоизларни тўлаш харажатлари;

- Чет эл валютаси билан муомалалар бўйича салбий курс тафовутларидан зарарлар;

- Сарфланган (қимматли қоғозларга, шўъба корхоналарга ва ҳоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар;

- Ўз қимматли қоғозларини чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар;

- Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар, шу жумладан салбий дисконт⁵.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисоби «Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар» номли 2-сон БҲМС, «Лизинг ҳисоби» номли 6-сон БҲМС, «Молиявий инвестициялар ҳисоби» номли 12-сон БҲМСлар билан тартибга солинади⁶.

Демак, ҳозирги шароитда акционерлик жамиятиларида молиявий натижа кўрсаткичлар ҳисобланган молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва харажатлар миқдорини аниқлаш ҳамда бу бўйича тўғри қарорлар қабул қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари

⁵ "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралда 54-сонли қарори билан тасдиқланган (18.12.2006 й. ПҚ- 532-сон Қарори билан ўзгартириш киритилган).

⁶ Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг олдига қўйган асосий мақсади бу фойда олишдир. Фойда ижтимоий ишлаб чиқаришни ҳамма босқичларининг иқтисодий категориясидир. Фойда иқтисодий категория ва молиявий якун сифатида ўзининг энг юқори аҳамиятига бозор муносабатлари, бозор иқтисодиёти даврида кўтарилади. Фойдани барпо этиш, уни реализация қилиш бу кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришни, қиймат қонунини ва хўжалик юритиш усули сифатида фойдаланадиган хўжалик ҳисобининг объектив талабидир.

Кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш ишлаб чиқаришнинг доимо кенгайишинини, унинг техникавий даражасини мунтазам кўтариб туришни талаб этади. Бунинг учун ишлаб чиқаришда ҳамма вақт фойдага эришилиши, реализация қилиниши ва ундан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиш лозим.

Фойда (даромад) иқтисодий ҳаракатнинг зарурий шарти мақсади сифатида қаралади. Жаҳон амалиётида фойда дейилганда кўпинча бизнес самарадорлигининг тадбир воситаси сифатида қаралади. Фойда бу даромадлар ва харажатлар фарқланишидаги юқори ўзгарувчанликдир. Улар орасидаги қуйи ўзгарувчанлик эса зарарни ифодалайди.

Даромадлар ва харажатлар молиявий натижаларни характерловчи фойдани ўлчашга дахлдор бўлган элементлар ҳисобланади. Даромадлар ва харажатларни, яни фойдани аниқлаш ва ўлчаш - корхона ўз молиявий ҳисоботини тайёрлашда фойдаланиладиган капитал концепцияси ҳамда капиталнинг сақланишига боғлиқ бўлади.

Даромадлар ва харажаталар элементлари қуйидагича аниқланади.

Даромадлар - бу ҳисобот даврида иқтисодий фойданинг активларнинг оқими ёки кўпайиши шаклида ўсиши ёки

пассивларнинг қатнашчиларнинг капиталдаги омонатларидан фарқ этувчи ўсишига олиб келувчи камайишидир.

Харажатлар – ҳисобот даврида иқтисодий фойданинг активларнинг чиқиб кетиши ёки улардан фойдаланиш шаклида камайиши, шунингдек , қатнашчилар ўртасида капиталнинг камайишига олиб келувчи мажбуриятларнинг юзага келишидир.

Даромад ва харажатларни аниқлаш уларнинг асосий хусусиятларини белгимлайди, аммо уларни молиявий натижалар ҳисоботида акс эттиришда талаб қилинадиган мезонларни аниқлашни мақсад қилиб қўймайди.

Молиявий натижалар таҳлилида даромад ва харажатларнинг ўзаро фарқланишидаги ҳолатга баҳо берилади. Молиявий натижалар фойда ва зарарларнинг шаклланиш қаторлари бўйича ўзгаришлари ўрганилади. Фойда ва зарарларнинг омилли таҳлили олиб борилади. Корхонада молиявий натижавийликни яхшилаш юзасидан ички имкониятларнинг мавжудлиги ва уларни йўлга қўйишнинг чора ва тадбирлари белгиланади. Корхонанинг фойдалилик даражаасини характерловчи рентабеллик кўрсаткичи ва унинг омилли таҳлили ўтказилади.

Таҳлил молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ўқиш, вертикал таҳлил, горизонтал таҳлил, трендли таҳлил ва кўрсаткичларни аниқлаш усулларида олиб борилади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ўқишда унинг сатрлар бўйича кўрсаткичлар тартибланишига, молиявий натижавийликни характерловчи умумий қаторларнинг қиймат ифодаси, ҳисобот даври ва ўтган йилнинг шу даври бўйича маълумотларга умумий изох берилади.

Вертикал таҳлилда молиявий натижаларнинг шаклланишини бир қаторли ва кўп қаторли усулларида ўзаро фарқланишларга ва нисбий ўзгаришлар баҳо берилади.

Горизонтал таҳлилида эса молиявий натижаларнинг бўйламасига таркибланиши ва уларнинг ўзгаришлари ўрганилади.

Асосли ёки тренд таҳлилида молиявий натижалар ва уларнинг йиллир бўйича ўзгариши, динамикаси ёки асос йилига нисбатан ўзгаришдларига баҳо берилади.

Молиявий натижалар таҳлилида қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар қаторига эса корхона фойдалилиги ёки натижавийлиги кўрсаткичлари, бозор активлиги кўрсаткичлари киритилади. Корхона фойдалигини характерловчи асосий кўрсаткичлар сифатида рентабеллик кўрсаткичлари олинади. Бозор активлиги кўрсаткичларига акциялар, қимматли қағозларнинг фойдалилик даражасини характерловчи кўрсаткичлар киритилади. Улар қаторига битта акцияга тўғри келадиган ҳисоб фойдаси (солиқ тўловига қадар бўлган фойда), битта акция тўғри келадиган соф фойда, битта акцияга тўғри келадиган дивиденд суммаси, акциянинг баҳоси ва фойдаси орасидаги нисбат коэффициентлари киради.

Молиявий натижалар таҳлили ташқи ва ички субъектлар тамонидан олиб борилади. Ички субъектлар тамонидан олиб бориладиган таҳлил ички молиявий таҳлил қаторига киритилиб фақат шу корхонанинг ходимлари томонидан олиб борилади.

1.2. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижалари таҳлилининг назарий асослари

Бухгалтерия ҳисобида молиявий натижаларни ҳисобга олиш борасида республикамизда бир қанча меъёрий ҳужжатлар амал қилмоқда. Авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 30 августда қабул қилинган “Бухгалтерия

ҳисоби тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинишини эслаб ўтиш лозим.

“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун бухгалтерия ҳисобини юритиш андозаларига нисбатан янги, бозор муносабатларига тўғри келадиган талабларни қарор топтиришни таъминлайди ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги бухгалтерия ҳисоби тизимини ташкил этишда замин бўладиган асосий тамойилларни кўзда тутди.

Ҳозирги кунда дунёдаги 100 дан ортиқ мамлакатда бухгалтерия ҳисоби ягона ёндошув асосида юритилмоқда, лекин ҳар бир мамлакат ўзининг иқтисодиёти, мулкчилик ва хўжалик юритиш тизимининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бухгалтерия ҳисоби миллий андозаларини қабул қилиш орқали ҳисоб ишларини юритади.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро талабларга мувофиқ ўзгартириш кейинги вақтларда Ўзбекистон учун тобора долзарб ишга айланмоқда. Бунга, биринчидан, халқаро бозорларда иш олиб борадиган компаниялар ўртасида муносиб муомала тили бўлишини талаб қилувчи жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши, иккинчидан, халқаро андозаларни чуқур ўрганиш ва уларни мамлакатимиз амалиётида кенг қўлланиш зарурлиги сабаб бўлмоқда. Шу боисдан ҳам бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаларини ишлаб чиқишда бевосита халқаро андозаларга таянилмоқда.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаларини амалга киритиш зарурати асосан бухгалтерия ҳисобининг базавий коидалари ва тамойилларини тушунтириш ва умумлаштириш, асосий тушунчаларни баён қилиш, у ёки бу бухгалтерия усулларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида ҳисобнинг ўзига хос хусусиятларини қўллашдан иборатдир. Молиявий натижалар ҳисобини юритишда “Ҳисоб сиёсати ва

молиявий ҳисобот” номли 1-сон БҲМС, “Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар” номли 2-сон БҲМС, “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” номли 3-сон БҲМС, “Товар-моддий захиралар” номли 4-сон БҲМС, “Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш” номли 19-сон БҲМС, “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” номли 21-сон БҲМСлар услубий асос сифатида қўлланилиши мумкин.

Молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги шундаки, ундан ҳам ички ҳам ташқи ахборот фойдаланувчиларнинг манфаатлари мужассамлашган. Ички молиявий таҳлилда корхонада кўпроқ молиявий натижаларни юзага чиқиш ўрни, шакли бўйича ўзгаришларига аҳамият берилади. Яъни, уларнинг аналитик қаторига кўпроқ аҳамият берилади.

Ташқи таҳлил субъектларига эса солиқ органлари, банк ташкилотлари, акционерлар, мулк эгалари, инвесторлар, шунингдек, корхона фаолияти билан билвосита қизиқувчи учинчи шахслар, эркин соҳибкорлар кириши мумкин.

Уларни кўпроқ корхонанинг фойдалилик даражаси ва унинг йиллар бўйича ўзгаришлари қизиқтиради. Агар акция эгаси бўладиган бўлса, соф фойда ва дивиденд тўловига тортиладиган фойда суммаси, солиқ идорасини солиқ тўловига қадар бўлган фойда ва унга қайта қўшиладиган харажат моддалари, қарши томон, харидор ва буюртмачилар ёки шерикларни корхонанинг йил якуни бўйича иқтисодий фойдаси ва ҳ.к.

Бугунги бозор муносабатлари шароитида иқтисодиёт субъектларининг молиявий натижаларини таҳлил этишда молиявий таҳлилнинг энг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- корхонанинг фойдалилик даражасига баҳо бериш;
- корхонанинг молиявий натижаларини таркиби, тузилиши ва динамик ўзгаришларига баҳо бериш;

- бизнес режада белгиланган фойдалилик даражасига эришилганлиги ва унга таъсир этган омилларни ўрганиш ҳамда баҳо бериш;

- фойданинг шаклланиши ва ишлатилишининг асосланганлигини текшириш;

- фойданинг кўпайган ёки камайганлигига маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан ва бошқа фаолиятлардан эришилган натижанинг таъсир этишини аниқлаш;

- корхонанинг ялпи фойдаси ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;

- солиққа тортилгунга қадар бўлган фойданинг шаклланишига ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;

- корхонанинг соф фойдаси ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш ҳамда баҳо бериш;

- соф фойдани кўпайтириш йўналишларини белгилаб бериш;

- корхонанинг рентабеллик кўрсаткичларини ўрганиш ва уларга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;

- корхонанинг умумий рентабеллик даражасини ошириш чоратadbирларини ишлаб чиқиш ва ҳақозолар.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг молиявий натижаларини таҳлил этишда асосий ахборот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- корхонанинг бизнес режа маълумотлари;

- корхонанинг “Молиявий натижалар тўғрисида”ги ҳисобот (2-шакл) маълумотлари;

- бухгалтерия ҳисобининг молиявий натижаларни акс эттирувчи тегишли счёт маълумотлари.

Молиявий натижалар тўғрисидаги умумлашган маълумотлар молиявий ҳисоботнинг муҳим шакли 2-шаклда «Молиявий натижалар тўғрисидаги» ҳисобот шаклида ифодаланади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот чораклик ҳисобот шаклига кириб барча хўжалик юритувчи субъектлар тамонидан тузилади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ва уни тўлдириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27-декабрдаги 140- сонли Йўриқномаси асосида белгиланади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклининг асосий кўрсаткичларига қуйидагилар киритилади:

1. Маҳсулот сотишдан олинган ялпи (соф) тушум.
2. Маҳсулот сотишдан ялпи фойда
3. Асосий фаолиятдан фойда (зарар)
4. Молиявий фаолиятдан фойда (зарар)
5. Умумхўжалик фаолиятидан фойда (зарар)
6. Фавқулодда фойда (зарар)
7. Солиқ тўловига қадар фойда (зарар)
8. Соф фойда (зарар)

Даромад ва харajatларни бу таркиб туркумланиши қуйидагиларга имкон беради;

❖ Ишлаб чиқариш харажатларини бошқа харажатлардан фарқлаш ва корхона ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигига баҳо бериш,

❖ Молиявий бошқарув юзасидан операцион харажатларни бошқа харажатлардан фарқлаш

❖ Корхона томонидан олинadиган даромадларни уларнинг юзага келиши ёки шаклланиши бўйича алоҳида таркиблаш (асосий фаолиятдан, молиявий фаолиятдан ҳамда кутилмаган ҳолатлардан).

Молиявий натижалар тўғрисидаги янги ҳисобот шакли уларнинг ҳар бир шаклланиш қатори бўйича тўлиқ ахборотларни олиш имконини беради. Бу ахборотлар ички ва ташқи ахборот фойдаланувчиларининг манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармайди. Агар шундай бўлганда эди, молиявий ҳисоботни тузиш қoидаси бузилган бўлар эди. Негаки, молиявий ҳисоботдаги маълумотларда ҳеч қачон бир туркум ахборот фойдаланувчилар фойдасига

бошқа туркум зарари ҳисобига акс эттиришлар бўлмаслиги талаб этилади. Ушбу қоида Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» Қонунининг 6-моддасида ҳам бериб ўтилади. Яъни молиявий ҳисоботларни тузишдаги бетарафлик қоидаси.

1. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум қатори. Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум суммаси маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишдан олинган жами тушум суммасидан сотишга солиқлар тўловлар ва ажратмалар суммасини чегириш асосида аниқланади.

Сотишга солиқлар, тўловлар, ажратмаларга қуйидагилар киритилади:

- Қўшилган қиймат солиғи;
- Акциз солиғи;
- Реклама солиғи;
- Маҳсулот ҳажмидан ижтимоий суғурта бўлимига ажратма ва ҳ.к.

Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотилган қаторга киритишнинг одатда иккита шарти характерланади. Булар кассали ва ҳисобга олиш усуллариidir. Кассали усулнинг моҳияти шундаки, бунда маҳсулотлар ортиб жўнатилиб ҳисоб ҳужжатлари тақдим этилган ва уларнинг ҳисоб счётларига пули келиб тушгандан кейингина сотилган ҳисоблаш ва тушум қаторига қўшиш, сотишга солиқлар суммасини ҳам уларнинг амалга ошиш даврига мувофиқ ҳисоблашни характерлайди. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» қонуннинг қабул қилинишига қадар республикамизда ушбу усул қўлланиб келинди.

Маҳсулот (иш ва хизмат) ларни сотилган қаторга киритишнинг ёки даромадларни тан олишнинг ҳисобга олиш усули эса уларнинг ортиб жўнатилиб ҳисоб ҳужжатлари тақдим этилган вақти бўйича ҳисобга олишни характерлайди. Бунда пул тушумлари ёки тўловларнинг амалга ошиш вақтига аҳамият берилмайди. Сотишга солиқларнинг ҳисоб китоби ҳам бевосита уларнинг тушум сифатида тан олиш вақти бўйича ҳисобга олинади.

2. Маҳсулот сотишдан ялпи фойда. Маҳсулот сотишдан олинган ялпи молиявий натижа фойда ёки зарар қуйидаги боғланишлар асосида

аниқланади. Яъни, маҳсулот (иш ва хизмат) ларни сотишдан олинган соф тушумдан шу маҳсулот (иш ва хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннаرخини чегириш асосида аниқланади.

Корхона фойдасининг асосий қисмини бевосита маҳсулот (иш ва хизмат) лардан олинган фойда ташкил этади.

3. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятнинг молиявий натижаси (Фойда ёки зарар). Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси қуйидаги боғланишларда аниқланади. Яъни, маҳсулот (иш ва хизмат) ларни сотишдан олинган фойда суммасидан давр харажатлари таркибига кирувчи сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар, ва бошқа умумхўжалик харажатларини чегириш ҳамда асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан олинган даромад ва харажатларни тартибли фарқлаш асосида аниқланади.

4. Молиявий фаолиятдан олинган фойда (зарар). Молиявий фаолиятдан олинган фойда ва зарарлар қаторига молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда қуйидаги умумлашган кўрсаткичлар киритилган.

-Шўъба ва уюшма корхоналардан олинган дивидендлар;

-Бошқа олинган дивидендлар;

-Шўъба ва уюшма корхоналарга берилган ва олинган қарзлар бўйича фоизлар;

-Бошқа тўланган ва олинган фоизлар;

-Валюта курсининг ўзгаришидан фарқлар;

-Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар ва харажатлар.

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижасига молиявий фаолиятдан олинган натижани қўшиш асосида умумхўжалик фаолиятидан молиявий натижа (фойда, зарар) аниқланади.

5. Умумхўжалик фаолиятидан молиявий натижа. Умумхўжалик фаолиятидан олинган молиявий натижа солиқ тўловига қадар фойда суммасидан ёки ҳисоб фойдаси суммасидан фавқулодда фойда ва зарарлар суммасига фарқ қилади.

Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда суммаси молиявий натижанинг шаклланиш қатори эмас, балки уни жамловчи қатор сифатида таркибланади.

6. Фавқулодда фойда (зарар). Фавқулодда фойда (зарар) – корхона тамонидан одатий ҳол ҳисобланмаган ва уч йиллик оралиқда бундай фаолият билан шуғулланмаган ҳолатлардан оладиган даромад ва йўқотишлар фавқулодда фойда ва зарарлар қаторига киритилади.

Фавқулодда фойда ва зарарлар молиявий натижалар шаклланишининг учинчи таркиби сифатида қаралади.

Кутилмаган сув тошқини, ёнғинлар, табиий офатлар таъсиридаги йўқотишлар ҳам ушбу қаторга киритилади. Улар бўйича фойда ва зарарларнинг бошқа шаклланиш қаторларида солиқланиш бўйича ҳеч қандай фарқланиш йўқ. Агар фойда олинадиган бўлса, у бўйича ҳам тегишли тартибда солиқ тўланади, зарар олинадиган бўлса умумхўжалик фаолиятидан олинадиган фойда суммаси зарар суммасига камайтирилади.

Лекин амалий кузатишлар натижаси шуни кўрсатадики уларнинг шаклланиш эҳтимоли ниҳоятда қисқа ёки кам. Бўлган тақдирда ҳам фақат зарар шаклида бўлмоқда.

7. Солиқ тўловига қадар фойда (зарар). Солиқ тўловига қадар фойда (зарар) суммаси умумхўжалик фаолиятидан фойда (зарар) суммасига фавқулодда фойда (зарар) суммасини қўшиш асосида аниқланади. Солиқ тўловига қадар фойда суммаси ахборот истеъмолчилари эътиборидаги ва кузатувидаги қатор ҳисобланади.

У бевосита асосий фаолиятнинг молиявий натижасидан, молиявий фаолиятнинг молиявий натижасидан ҳамда фавқулодда фойда ва зарарлар жамланган суммасидан иборот бўлади.

8. Соф фойда (зарар). Соф фойда корхона ихтиёрида қоладиган фойда суммасини ифодалайди. Ушбу қатор солиқ тўловига қадар бўлган фойда суммасидан фойда (даромад)дан тўланган солиқлар ва бошқа солиқли тўловларни чегириш асосида аниқланади.

Соф фойда корхонанинг эркин тасарруф шартидаги ва фойдаланишидаги фойда суммасидир. Лекин, соф фойда суммаси ҳам турли тўловлар ва ажратмалар базаси сифатида олинishi мумкин экан. Масалан, корхона соф фойдасидан олинадиган ижтимоий инфраструктурани ривожлантиришга ажратмалар, футбол федерациясига ажратмалар ва бошқа тўловлар ва ажратмаларни шулар қаторига киритиш мумкин.

Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи кўрсаткичида фақат сотилган маҳсулотнигина ишлаб чиқариш таннархи акс этади. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи эса унинг учун кетган барча харажатларнинг қийматини ўзида ифодалайди. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ҳам ҳисобга олиш усулида ушбу қаторга ўринланади.

Давр харажатлари қаторига сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар ва операцион харажатлар киради.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар қаторига фоизлар бўйича харажатлар, банк хизмат ҳақи харажатлари, валюта курсининг тушиб кетишидан йўқотишлар ва бошқа сарфлар киради.

Фавқулодда харажатлар қаторига кутилмаган ҳолатлар таъсирида юзага келадиган харажатлар киритилади.

Солиққа тортиладиган фойдани аниқлаш учун солиққа тортилгунгача бўлган фойдага:

- Низомда келтирилган биринчи иловага асосан чегирилмайдиган харажатлар ёки доимий тафовутлар қўшилади;
- Низомда келтирилган иккинчи иловага биноан вақтлар бўйича тафовутлар қўшилади ёки айириб ташланади;
- қабул қилнган солиқлар бўйича қонунларга биноан корхоналарда солиқлар бўйича тасдиқланган имтиёзлар айириб ташланади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот йил бўйича ҳар бир чоракка жамланган ҳисобда тузилади. Уни топшириш органларига солиқ идоралари, банк ташкилотлари, юқори ташкилотлар киритилади. Ўлчов қиймати *минг сўм* ҳисобида ҳисобга олинади. Шунингдек, ушбу ҳисобот шаклига справка,

маълумотнома шаклида бюджетга тўловлари ҳисоби ҳам киритилган. Унда корхона томонидан республика ва маҳаллий бюджетга тўлайдиган солиқлар тўлови бўйича ҳисобга олинган ва тўлангани тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Акциядорлик жамиятларининг молиявий натижаларини ўрганишда энг аввало уларнинг шаклланишини тўғри ҳисобда акс эттирилишига эътибор қаратилади. Акциядорлик жамиятлари томонидан олинадиган фойданинг таркибини аниқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки қайси фаолият туридан корхона фойда олаётганлиги ва қайси фаолият туридан зарар кўраётганлигини билиш корхонанинг молиявий-иқтисодий барқарорлигига ҳам ўзининг таъсирини ўтказади.

Фойданинг қуйидаги турлари бор:

1. *Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда;*
2. *Асосий фаолиятдан олинган бошқа фойда (операцион фойда);*
3. *Молиявий фаолиятдан олинган фойда;*
4. *Фавқулодда олинган фойда;*

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг қуйидаги кўрсаткичлари билан таснифланади:

Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда, бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади:

ЯФ= ССТ-ИТ

бунда,

ЯФ – ялпи фойда;

ССТ – сотишдан олинган соф тушум;

ИТ – сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи;

Асосий фаолиятдан кўрилган фойда, бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки бошқа зарарлар сифатида аниқланади:

$$\mathbf{АФФ = ЯФ-ДХ+БД-БЗ},$$

бунда,

АФФ – асосий фаолиятдан олинган фойда;

ДХ – давр харажатлари;

БД – асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ – асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар;

Хўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарарлар), бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плус молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус зарарлар сифатида ҳисоблаб чиқилади:

$$\mathbf{УФ = АФФ+МД-МХ},$$

бунда,

УФ – умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда;

МД – молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МХ – молиявий фаолият харажатлари;

Солиқ тўлагунгача олинган фойда, у умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда плус фавкулодда (кўзда тутилмаган) вазиятларда кўрилган фойда ва минус фавкулодда зарар сифатида аниқланади:

$$\mathbf{СТФ = УФ+ФП-ФЗ},$$

бунда,

СТФ – солиқ тўлагунгача олинган фойда;

ФП – фавкулодда вазиятлардан олинган фойда;

ФЗ – фавкулодда вазиятлардан кўрилган зарар;

Йилнинг сой фойдаси, у солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, ўзида даромад (фойда)дан тўланадиган солиқни ва минус қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда солиқлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

$$\mathbf{СФ = СТФ-ДС-БС},$$

бунда,

СФ – соф фойда;

ДС – даромад (фойда)дан тўланадиган солиқ;

БС – бошқа солиқлар ва тўловлар.

Фойданинг тақсимланиши деганда унинг истеъмол ва жамғаришга йўналтирилиши, жорий давр фойдасининг солиқлар тўлови, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва захиралашга ҳамда капитал эгалари ўртасидаги шартлар, келишувларга биноан тақсимланиши тушунилади.

Фойда қуйидагича тақсимланади:

- солиқ қонунчилигига мувофиқ давлат бюджетига солиқлар, йиғимлар ва тўловларга;
- ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва захиралашга;
- акция ва капитал эгаларига дивидендлар тўлашга.

Корхона ўзининг ҳисоб фойдасидан, аввало, давлат олдида ҳисоб беради ва ўзининг ихтиёрида ҳамда тасарруфида бўлган фойда суммасини аниқлайди. Фойдадан олинган солиқлар қатъий ставкаларда ва фоизларда ундирилади. Ҳисоб фойдасининг қолган қисми корхона соф фойдаси сифатида унинг эркин белгилловига (акционерлар умумий йиғилишининг қарори ва ички низомига) мувофиқ тақсимланади.

Соф фойдадан ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга оид сарфлар акционерларнинг умумий йиғилишида ҳисоб бериш ҳамда уларнинг розилигини олиш асосида белгиланади.

Соф фойданинг қолган қисми чиқарилган акцияларнинг турига қараб ва уларнинг имтиёзли шартлари асосида тақсимланади. Дастлаб имтиёзли акция эгаларига олдиндан кафолатланган фоизларда тўловлар ҳисобга олинади, сўнгра оддий акция эгаларига дивиденд фоизлари ва суммалари эълон қилинади. Фойданинг тақсимланмаган қисми корхона учун тақсимланмаган фойда сифатида, агар корхона ночор аҳволда бўлса, қопланмаган зарар сифатида кейинги ҳисобот йилига ўтказилади.

1.3. Инқирозга қарши чоралар дастурини хўжалик субъектларининг молиявий натижаларига таъсирини таҳлили

Бугунги кунда глобал муаммога айланган жаҳон молиявий инқирози, барча мамлакатларда давлат ва хусусий сектор ихтиёридаги ликвид маблағларнинг етишмаслиги билан характерланмоқда. Бу, ўз навбатида, давлатнинг ижтимоий йўналишларда ва компанияларни инвестицион йирик лойиҳаларни амалга оширишига жиддий тўсқинлик қилмоқда. Жаҳон молиявий инқирози мамлакатларнинг солиқ сиёсатини ҳам ўзгаришига маълум даражада таъсир кўрсатмоқда.

Бу ҳақда Президентимиз ўзининг асарида дунёнинг ҳозирги вақтда бир қатор етакчи таҳлил ва экспертлик марказлари глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида қуйидаги хулосаларга келаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Яъни, «... молия-банк тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талофотлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдиғини топмоқда»⁷.

Инқироз ва унинг шакллари нималарда намоён бўлади, деган ҳақли савол туғилади. Инқироз-кутилмаган даражада жамиятнинг барча жабҳаларига зарар келтирадиган ва янгича фаолият юритишга ундайдиган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий воқеликлар мажмуасидир. Молиявий инқироз-молиявий инструментлар (акция, облигациялар нархи пасайиши, инфляция даражаси ошиши, давлат молиясида дефицит кўпайиши) нинг кутилмаганда зудлик билан пасайиши ва ресурсларнинг етишмаслигидир. Маълумки, молиявий инқироз иқтисодий инқирозни келтириб чиқарди. Шу сабабли, иқтисодий инқирознинг мазмун-моҳиятини билишимиз лозим. Иқтисодий

⁷ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 5-б.

инқироз-товар, хизмат ва ишларга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатнинг номуносиблиги, яъни таклифнинг кўплиги унга мос равишдаги талабнинг бўлмаслиги.

Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси-бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатларини бартараф этиш, юзага келган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборатдир.

Ривожланган мамлакатларда кузатилган қуйидаги ҳолатлар молиявий инқирознинг вужудга келишининг асосий сабабларидан ҳисобланади:

- нораціонал пул-кредит сиёсатини, ҳамда қайта молиялаш ставкасини сурункали равишда паст даражада ушлаб турилиши натижасида қарзга яшашнинг одатга ва кундалик ҳолатга айланиши;
- молиявий институтларнинг мажбуриятлари билан устав маблағлари ўртасидаги муносибликнинг кескин бузилиши;
- қимматли қоғозлар бўйича рейтинг ташкилотлари томонидан сохта хулосалар берилиши;
- молиявий аудит ва профессионал этика тамойилларини бузилиши, сохта аудит хулосалари тақдим этилиши;
- молиявий рағбатлантириш услуги сифат кўрсаткичларига эмас, балки миқдорий кўрсаткичларга асосланганлиги;
- юқори рискли ва мураккаб ҳосилавий қимматбаҳо қоғозларни вужудга келиши ва ҳоказо.

Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистонга салбий таъсири жиддий бўлмаганлигини қўйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

- маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танланганлиги;
- давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини аниқ белгилаб олинганлиги;
- Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада


мустаҳкам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги;

- оқилона ташқи қарз сиёсати олиб борилганлиги;

- аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини аста секинлик билан ошириб бориш, истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги;

- давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва ишончли экани, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучлилиги билан изоҳланади.

Мамлакатимиз Президенти томонидан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган комплекс чора-тадбирлардан бири – корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш бўлиб, бунда иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишли корхоналарни бир қатор асосий йўналишлар бўйича қўллаб-қувватлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган (-рasm).



-рasm. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари

Маҳаллийлаштириш дастури ўз мазмунига кўра республикаимиз корхоналарида замонавий талабларга жавоб берувчи, рақобатбардош ва

импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, асоссиз импорт ҳажмини қисқартириш, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш, янги иш жойларини яратиш каби мақсадларни намоён этади.

Озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича қабул қилинган дастурларда мамлакатимиз ишлаб чиқариш корхоналари учун кенг кўламли рағбатлантириш тизими назарда тутилган. Жумладан, улар учун 2012 йилнинг 1 январигача қуйидаги солиқ ва божхона имтиёзлари берилмоқда:

- гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар учун бўшаган маблағларни ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишга мақсадли равишда йўналтириш шарти билан ягона солиқ тўлови ставкасини 50 фоизга қисқартириш;

- тайёр ноозиқ-овқат товарларнинг муайян турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни фойда ва мулк солиқларидан, микрофирма ва кичик корхоналарни ягона солиқ тўловидан озод қилиш.

Президентимиз ўз асарларининг Инқирозга қарши чоралар дастурига бағишланган қисмини якунлар эканлар, «Ҳеч шубҳасиз, Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда иқтисодиётимиздаги ҳар қайси субъектнинг имкон қадар кўпроқ манфаатдор бўлишини, ушбу дастур ижроси уларнинг ҳар бири учун энг муҳим ишга айланишини таъминлаш мақсадида қўшимча рағбатлантириш чораларини излаб топиш катта аҳамият касб этади»⁸, деб таъкидладилар.

А.В. Вахабов., Н.Х. Жумаев., Э.А. Хошимовларнинг фикрича Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi оқибатларининг олдини олиш ва юмшатиш имконини берадиган омиллар сифатида қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

1. Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва етарлича халқаро валютавий тўловга қобилликнинг таъминланганлиги.

⁸Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 36-б.

2.Тижорат банкларининг ликвидлилиги ва капиталлашиш даражасини оширишга қаратилган сиёсатнинг 2005 йилдан бошлаб изчиллик билан амалга оширилганлиги.

3. Пухта ўйланган пул-кредит сиёсатининг амалга оширилиши натижасида инфляциянинг прогноз кўрсаткичлар чегарасида сақлаб қолинганлиги.

4. Оқилона бюджет-солиқ сиёсатининг олиб борилганлиги натижасида Давлат бюджети профицит билан бажарилмоқда, солиқ юкининг пасайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда.

5. Мамлакат иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялар миқдорининг барқарор ўсиш суръатига эга бўлаётганлиги.

6. Республикамизда ипотекали кредитлар бозорида барқарорлик сақланиб қолди⁹ деб таъкидлайдилар.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодий ўсишнинг макроиқтисодий мутаносиблиги ва барқарор суръатларини, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, аҳоли бандлигига қўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқ корхоналари ҳамда кичик бизнесни аниқ қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПФ-4058-сонли Фармони қабул қилинган.

Фармонда мамлакат иқтисодиёти реал секторида жаҳон молиявий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишдаги ҳал қилувчи омиллар аниқ белгилаб берилган, ишлаб чиқаришнинг кейинчалик барқарор ўстириш ва ҳажмларини кенгайтириш ҳамда маҳсулот сотишнинг янги бозорларини ўзлаштириш учун асос солинган.

⁹Вахабов А.В., Жумаев Н.Х., Хошимов Э.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: Сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. –Тошкент.: «Akademnashr», 2009. 111-118 б.

Қуйидагилар Республика иқтисодиёти реал сектори соҳасида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишнинг ҳал қилувчи омиллари бўлиб ҳисобланади:

- энг аввало, иқтисодиётнинг базавий тармоқларида модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларини фаоллаштириш, сифатли, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий мослашувчан минитехнологияларни тадбиқ этиш;

- ички ва ташқи бозорларда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, экспорт қилувчи корхоналар томонидан янги товарлар турларини сотиш ҳажмларини кенгайтириш ҳамда маҳсулот сотишнинг истикболли бозорларини ўзлаштириш;

- иқтисод қилишнинг қаттиқ тартибини жорий этиш, шу жумладан, технологик жараёнларни рационализациялаш, ишлаб чиқаришда материаллар, электр-энергия сарфини ҳамда бошқа сарф-харажатларни камайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини кескин пасайтириш;

- техник ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилиш, маҳсулот сифатини бошқаришнинг халқаро стандартларини тадбиқ этиш;

- мослашувчан нарх-наво сиёсатини амалга ошириш, жаҳон бозорида нарх-наво конъюктураси тез ўзгариб бораётган шароитда экспорт механизминини такомиллаштириш.

Инқирознинг салбий оқибатларини ҳал этиш мақсадида, «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармонида ҳукумат томонидан экспорт қилувчи корхоналарнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини таъминлаш ва экспорт учун қўшимча омилларни яратишда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чоралар ишлаб чиқариш назарда тутилган. Бунинг учун

экспортёр корхоналарга айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш, уларга вақтинчалик солиқ имтиёзлари, мавжуд кредиторлик қарзини реконструкция қилиш имкониятини бериш мўлжалланган. Хусусан:

- экспорт қилувчи корхоналарга қўшилган қиймат солиғи суммаларини қайтариш жараёнини соддалаштириш мақсадида, жумладан, уларнинг бюджет олдида ҳозирги ва келгуси мажбуриятлари ҳисобига ўзаро ҳисоб-китоб қилиш механизмини қўллаган ҳолда солиқ суммасини қайтариш муддатини 20 кунга қисқартириш;

- экспортга юклаб жўнатилган маҳсулотлар учун ўз вақтида валюта маблағлари келиб тушмагани учун давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисобланадиган жарима санкциялари муддатини келгусида тўлиқ валюта тушумининг таъминланиши шарти билан 2009 йил учун вақтинчалик тартибда 30 кундан 60 кунга узайтириш;

- экспортга сотилган пахта толаси учун қўшилган қиймат солиғининг нол даражали солиқ ставкасини ўрнатиш.

Ҳозирги кунга келиб мамлакатимиз бюджетининг асосий қисмини солиқлар ташкил этади. Шунинг учун йилдан йилга солиқ ҳисобини такомиллаштириш, солиқ қонунчилигини ва унинг ижросини таъминлашни янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларга катта эътибор берилиб келинмоқда. Бунинг яққол исботи тариқасида Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 23 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси»ни келтиришимиз мумкин. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1024-сонли Қарорини келтиришимиз мумкин. Бу қарорда мамлакатимиздаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ислоҳ этиш бўйича солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш, бошқа устувор йўналишларда ютуқларга эришиш учун солиққа тортиш тизимида қўшимча имтиёзлар бериш, қонунчиликнинг

барқорорлигини таъминлаш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг ошкора, соддалаштирилган усуллари ишлаб чиқиш орқали уларнинг ривожланиши учун қулай шароитлар яратиш тўғрисида фикр юритилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир давлат ўзининг марказлашган маблағига эга бўлиши зарур. Бу маблағлар давлат бюджетида йиғилади ва шу орқали ўз функцияларини амалга оширади. Давлат бюджетининг даромад қисмини корхоналар ва аҳолидан тушадиган солиқлар ташкил қилади.

Давлат бюджетининг даромадлари бўйича устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилаб олинган:

- солиқ юкини янада пасайтириш;
- юридик ва жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишни такомиллаштириш;
- бюджет тушумлари таркибий тузилмасида билвосита ва ресурс солиқлари улушини оқилона усулда ташкил этиш.

Мамлакатимизда ушбу устувор йўналишларга жуда катта аҳамият бериб келинмоқда. Шу билан бирга хўжалик субъектлари ўз хўжалик фаолиятини бошлаб олиши ва барқарорлаштириши учун катта имтиёз ва чегирмалар берилган. Ушбу имтиёз ва чегирмалардан ўз вақтида, оқилона фойдаланган корхона албатта ўзининг асосий мақсади бўлмиш фойда олишга эришади. Корхона фойда олиши учун даромад ва харажатларининг мутаносиблиги катта аҳамиятга эгадир. Бу харажатларнинг асосийларидан бири солиқ тўловларини тўлаш билан боғлиқ харажатлар ҳисобланади.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўринадики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини Ўзбекистон шароитида бартараф этишнинг йўллари ва чораларини солиқлар орқали ҳам амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларини олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастури тасдиқланиб, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича ижроси амалга оширилмоқда. Дастурда белгиланган комплекс чора-тадбирларнинг асосийларидан бири-корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни

янада жадаллаштиришдан иборат. Мазкур чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этувчи субъектларга солиқ имтиёзлари бериш назарда тутилган. Солиқ имтиёзлари ва уларнинг бозор муносабатларини эркинлаштириш шароитида тўлиқ амал қилиши учун бозор иқтисодиёти механизми асослари тўғри йўлга қўйилган бўлиши лозим. Биринчи навбатда корхоналарнинг фойда олиш имкониятларини кучайтириш зарур. Айнан мана шу мақсадда уларга имтиёзлар билан таъсир кўрсатибгина қолмай, балки солиқ юкини камайтириш, солиқ базасини тартибга солиш каби тадбирларни параллел йўналишда олиб бориш талаб этилади.

Молиявий-иқтисодий инқироз шароитида истеъмолчиларнинг харид қобилиятини пасайиб кетиши, шу жумладан, аҳолининг реал даромадларини пасайиши кузатиладиган бир ҳолатда, уларнинг харид ва тўлов қобилиятини сақлаб қолиш ва оширишнинг асосий йўлларида бири билвосита солиқларни диверсификациялаш ва улар бўйича имтиёзлар беришдан иборат. Бунда маълум истеъмол товарлари (ишлар, хизматлар) учун белгиланган билвосита солиқларнинг (хусусан, акциз ва қўшилган қиймат солиғи) ставкасини пасайтириш орқали товарлар (ишлар, хизматлар) баҳосини арзонлаштиришга эришилади ҳамда савдо ҳажмини сақлаб қолиниши орқали унинг ўсишига эришиш мумкин. Билвосита солиқларнинг ставкасини пасайтириш ҳисобига бюджетга тушадиган маблағларнинг камайган қисмини бошқа турдаги солиқлар орқали қоплаш имконияти туғилади. Яъни, билвосита солиқлар ставкасининг пасайтирилиши ҳисобига товарлар (ишлар, хизматлар) баҳосининг нисбатан арзонлашишига ва истеъмолчиларнинг харид қобилиятини оширишга олиб келади. Натижада ишлаб чиқарувчилар томонидан товар ва хизматлар сотиш ҳажми ортишига ҳамда улар оладиган фойданинг ўсишига олиб келади ва билвосита солиқлардан бой берилган солиқ суммалари фойда солиғи орқали бюджетга ундириш имконияти ҳосил бўлади. Бундан ташқари товарлар (ишлар, хизматлар)га бўлган истеъмолчиларнинг харид қобилиятини сақлаб қолиш, уни ошириш эвазига савдо ташкилотлари ва тижорат банкларининг даромади ва фойдасини

ўсишига эришилади ҳамда тўланадиган бевосита солиқлар орқали бюджетга тушадиган даромадларнинг пасайишини олди олинади ва бюджет дефицитига йўл қўйилмайди. Бу эса давлатнинг олдига қўйган устувор вазифаларини ҳал этиш ва уларни молиялаштириб боришга имконият яратиб беради.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига утиш муносабати билан иш сифатини яхшилаш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш, фан негизидан фойдаланиш даражасини мукаммаллаштириш, меҳнат унумдорлигини устириш, халқ фаровонлигини юксалтиришни мулжаллаб иқтисодий тежашни кучайтириш каби вазифаларни ҳал қилиш керак. Мақсадга эришиш учун ҳар бир корхона узининг табиий ва иқтисодий шароитларини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодий конунларнинг барча талаблари, бажарилишини ҳужаликни рентабелли қилиб олиб бориш йулларини аниқлаб беришини назорат қилиб туришлари зарур. Шу ишларни уйғунлаштиришда таҳлил муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз И. Каримов: «Олдимизда турган биринчи ва асосий вазифа - бу изчил иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни мукаммаллаштириш ва илғор технологиялар билан қайта қуроллантиришнинг бош шарти бўлган макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш муаммосидир» деб таъкидлаган. Бу, Республика иқтисодиётида фаолият юритаётган барча соҳа корхоналарининг фойда кўриш мақсадида, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариши ёки хизмат кўрсатишини талаб этади.

Бугунги кунда демократик ислохотлар ва жамиятни либераллаштиришни изчил ва босқичма – босқич давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш жараёни ўзининг аниқ ва равшан марраларига эга бўлиб, ҳаётимизда туб ўзгаришлар ўз мантиқий якунига етказилаётган бир пайтда жаҳон миқёсида молиявий инқироз рўй бермоқда. Молиявий инқирозларнинг салбий оқибатларини енгиллаштиришда Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек “Биз танлаган тараққиёт модели, мамлакатни ислоҳ этиш,

модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, иқтисодий диверсификация қилиш бўйича амалга оширилаётган пухта ўйланган сиёсат бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Ва бу сиёсат юртимизни турли салбий жараёнлар ва инқирозлар таъсиридан сақлайдиган мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилмоқда”.¹⁰

Молиявий натижаларни таҳлили этишнинг аҳамияти иқтисодий конунлардан фойдаланиб, корхона хужалик фаолиятида, унинг булимларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун фойдаланилмаётган имкониятларни аниклаш, улардан унумли фойдаланиш йулларини белгилашдир, яъни хужалик фаолиятида буладиган узгаришларнинг сабабларини билиб олишни, ишлаб чиқаришда орттирилган тажрибаларни урганишни ва назарий билимларни амалий иш билан солиштириб, фойдаланилмаётган ички имкониятларни кидириб топиш йулларини ургатади.

Молиявий натижаларни таҳлили этишнинг мазмуни фирма ва компанияларни молиявий ҳолатини чуқурроқ урганиш мақсадида мулк ва маблағларнинг ҳаракати, улардан оқилона фойдаланганлик, рентабеллилик каби муҳим иқтисодий курсаткичларни урганишга, акцияларнинг фойда келтириш, дивидентлар олиш имкониятларини аниклашга қаратилган.

Молиявий натижаларни таҳлили этишнинг мақсади корхона, фирма ва компанияларнинг иқтисодий мустақил ҳамда молиявий барқарор фаолият кўрсатишларида уларни оқилона бошқариш, ҳисоб-китоб юритилишини бозор иқтисодиёти талабларига мослаш, молиявий менежмент ишларини тўғри йўлга қўйиш, бор моддий, молиявий ва меҳнат бойликларидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш, натижада юқори фойда олиб, давлат бюджети олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажариш, резервлар ташкил этиш энг долзарб вазифалардан саналади.

¹⁰ Ватанимизнинг босқичма – босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси “Маърифат” 2008 йил 6 декабр.

Кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш ишлаб чиқаришнинг доимо кенгайишинини, унинг техникавий даражасини мунтазам кўтариб туришни талаб этади. Бунинг учун ишлаб чиқаришда ҳамма вақт фойдага эришилиши, реализация қилиниши ва ундан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиш лозим.

Фойда (даромад) иқтисодий ҳаракатнинг зарурий шарти мақсади сифатида қаралади. Жаҳон амалиётида фойда дейилганда кўпинча бизнес самарадорлигининг тадбир воситаси сифатида қаралади. Фойда бу даромадлар ва харажатлар фарқланишидаги юқори ўзгарувчанликдир. Улар орасидаги қуйи ўзгарувчанлик эса зарарни ифодалайди.

Даромадлар ва харажатлар молиявий натижаларни характерловчи фойдани ўлчашга дахлдор бўлган элементлар ҳисобланади. Даромадлар ва харажатларни, яни фойдани аниқлаш ва ўлчаш - корхона ўз молиявий ҳисоботини тайёрлашда фойдаланиладиган капитал концепцияси ҳамда капиталнинг сақланишига боғлиқ бўлади.

Даромадлар ва харажатлар элементлари қуйидагича аниқланади.

Даромадлар - бу ҳисобот даврида иқтисодий фойданинг активларнинг оқими ёки кўпайиши шаклида ўсиши ёки пасивларнинг қатнашчиларнинг капиталдаги омонатларидан фарқ этувчи ўсишига олиб келувчи камайишидир.


Харажатлар – ҳисобот даврида иқтисодий фойданинг активларнинг чиқиб кетиши ёки улардан фойдаланиш шаклида камайиши, шунингдек , қатнашчилар ўртасида капиталнинг камайишига олиб келувчи мажбуриятларнинг юзага келишидир.

Даромад ва харажатларни аниқлаш уларнинг асосий хусусиятларини белгимлайди, аммо уларни молиявий натижалар ҳисоботида акс эттиришда талаб қилинадиган мезонларни аниқлашни мақсад қилиб қўймайди.

Молиявий натижалар таҳлилида даромад ва харажатларнинг ўзаро фарқланишидаги ҳолатга баҳо берилади. Молиявий натижалар фойда ва зарарларнинг шаклланиш қаторлари бўйича ўзгаришлари ўрганилади. Фойда

ва зарарларнинг омилли таҳлили олиб борилади. Корхонада молиявий натижавийликни яхшилаш юзасидан ички имкониятларнинг мавжудлиги ва уларни йўлга қўйишнинг чора ва тадбирлари белгиланади. Корхонанинг фойдалилик даражаасини характерловчи рентабеллик кўрсаткичи ва унинг омилли таҳлили ўтказилади.

Таҳлил молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ўқиш ва кўрсаткичларни аниқлашда, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ўқишда унинг сатрлар бўйича кўрсаткичлар тартибланишига, молиявий натижавийликни характерловчи умумий каторларнинг қиймат ифодаси, ҳисобот даври ва ўтган йилнинг шу даври бўйича маълумотларга умумий изох берилади, аниқланади, яъни:



Манба: А.В.Вахобов, А.Т.Иброҳомов, Н.Ф.Ишонқулов “Молиявий ва бошқарув таҳлили”

Вертикал таҳлилда молиявий натижаларнинг шаклланишини бир қаторли ва кўп қаторли усулларида ўзаро фарқланишларга ва нисбий ўзгаришлар баҳо берилади, яъни товар айланиши ҳажмида айрим олинган товар гуруҳларининг салмоғи, жами асосий фондларда ишлаб чиқаришга тааллуқли асосий фондларнинг қиймати ва салмоғи аниқланади ва ўрганилади.


Горизонтал таҳлилда эса молиявий натижаларнинг бўйламасига таркибланиши ва уларнинг ўзгаришлари ўрганилади, яъни ҳисобот давридаги кўрсаткичлар ўтган даврдаги ҳамда режалаштирилган кўрсаткичлар ва турдош корхоналарнинг кўрсаткичлари билан солиштирилади.

Асосли ёки тренд таҳлилда молиявий натижалар ва уларнинг йиллиқ бўйича ўзгариши, динамикаси ёки асос йилига нисбатан ўзгаришларига баҳо берилади, яъни

Молиявий натижалар таҳлилда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар қаторига эса корхона фойдалилиги ёки натижавийлиги кўрсаткичлари, бозор активлиги кўрсаткичлари киритилади. Корхона фойдалигини характерловчи асосий кўрсаткичлар сифатида рентабеллик кўрсаткичлари олинади. Бозор активлиги кўрсаткичларига акциялар, қимматли қағозларнинг фойдалилик даражасини характерловчи кўрсаткичлар киритилади. Улар қаторига битта акцияга тўғри келадиган ҳисоб фойдаси (солиқ тўловига қадар бўлган фойда), битта акция тўғри келадиган соф фойда, битта акцияга тўғри

келадиган дивиденд суммаси, акциянинг баҳоси ва фойдаси орасидаги нисбат коэффицентлари киради.

Молиявий натижалар таҳлил икки субъектлар тамонидан олиб борилади, яъни:



Ички субъектлар тамонидан олиб бориладиган таҳлил ички молиявий таҳлил қаторига киритилиб фақат шу корхонанинг ходимлари томонидан олиб борилади.


Молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги шундаки, ундан ҳам ички ҳам ташқи ахборот фойдаланувчиларнинг манфаатлари мужассамлашган. Ички молиявий таҳлилда корхонада кўпроқ молиявий натижаларни юзага чиқиш ўрни, шакли бўйича ўзгаришларига аҳамият берилади. Яъни, уларнинг аналитик қаторига кўпроқ аҳамият берилади.

Ташқи таҳлил субъектларига эса солиқ органлари, банк ташкилотлари, акционерлар, мулк эгалари, инвесторлар, шунингдек, корхона фаолияти билан билвосита қизиқувчи учинчи шахслар, эркин соҳибкорлар кириши мумкин.

Уларни кўпроқ корхонанинг фойдалилик даражаси ва унинг йиллар бўйича ўзгаришлари қизиқтиради. Агар акция эгаси бўладиган бўлса, соф фойда ва дивиденд тўловига тортиладиган фойда суммаси, солиқ идорасини солиқ тўловига қадар бўлган фойда ва унга қайта қўшиладиган харажат моддалари, қарши томон, харидор ва буюртмачилар ёки шерикларни корхонанинг йил якуни бўйича иқтисодий фойдаси ва ҳ.к.

Мамлакатимизда иқтисодий туб ислохотлар даврига қадар корхоналар режали иқтисодиёт шароитида ўзларининг ишлаб чиқариш- молиявий фаолиятини маъмурий-буюрқбозлик тамойилларига таяниб юритиб келди.

Бугунги бозор муносабатлари шароитида корхоналарнинг молиявий натижаларини таҳлил этишда молиявий таҳлилнинг энг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:



Бу вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш ва мунтазам ўтказилиб турилиши лозим. Нохолис ва мавҳум таҳлил натижаларга нотўғри баҳо берилишига, корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан нотўғри таклифлар киритилишига олиб келади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолияти шундай воситадирки, унинг ёрдамида иқтисодий тежамкорликка, иш сифати ва суръатини, унумдорликни оширишга эришиш, бу жараёнлардаги фаолият устидан назорат юритиш мумкин бўлади.

Бу вазифаларни ҳал этишда фойдаланиладиган асосий манбалар бўлиб, фирма ва компанияларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг тасдиклаган 2-шакл “Молиявий натижалар тугрисидаги ҳисобот” маълумотлари ҳамда 15-“Журнал ордер”, “Фойда ва зарарлар”, “Фойданинг ишлатилиши”, “Таксимланмаган фойда”синтетик счётларидаги курсаткичлари, биржадаги кимматбаҳо коғозлар баҳосининг узгариши тугрисидаги ахборотлар ва шу каби бошқа маълумотлардан фойдаланилади.

Бозор муносабатларининг ривожлана бориши корхоналарнинг молиявий натижасининг белгиловчи муҳим омил сифатида фойданинг ролини оширади. Чунки фойда корхоналарнинг келгуси равнаки, ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоялашни таъминловчи асосий манбадир. Шунингдек давлат бюджети даромадининг аксарият қисми ҳам фойдадан туланадиган солиқ ҳисобидан тулдирилади. Шу туфайли аҳамияти муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда молия органлари, солиқ инспекцияси, аудитор ва ички хўжалик (ҳисобчи, иқтисодчи) мутахассисларидан фойданинг шаклланиши ва ишлатилишини мунтазам назорат қилиб туриш талаб этилади.

Мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши кўп омилли ва шу билан бирга зиддиятли жараён ҳисобланади. Иқтисодий ривожланиш ҳеч қачон бир текис, юқорилаб боровчи чизик бўйича бўлиб берадими.

Жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва барча бошқа муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўли - бу миллий иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий

ўсишига эришишдир. Аҳоли фаровонлигини ошириб бориш ҳам пировард натижада иқтисодий ўсиш даражаси ва суръатларига боғлиқ. Шу сабабли мазкур диссертация молиявий натижаларни таҳлили этишнинг аҳамияти, мақсад ва вазифалари таҳлили иқтисодий ўсишнинг мазмуни, турлари ва кўрсаткичларини баён қилади.

2-БОБ. ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

2.1. Иқтисодиёт субъектларининг молиявий натижаларини таркибий тузилиши ва динамикасининг таҳлили

Бугунги эркин иқтисодий муносабатлар шароитида республикаимиздаги амалдаги ҳуқуқий меъёрларга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини шаклланиши Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳамда 1999 йил 5-февралда тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан белгиланади. *Мазкур Низомга мувофиқ молиявий натижаларнинг шаклланиш қаторларига қуйидагилар киритилади:*

1. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи молиявий натижа;
2. Асосий фаолиятнинг ялпи молиявий натижаси;
3. Молиявий фаолиятдан кўрилган натижа;
4. Умумхўжалик фаолиятидан олинган ялпи молиявий натижа;
5. Фавқулодда кутилмаган ҳолатлардан натижа;
6. Солиқ тўлангунгача бўлган ялпи молиявий натижа;
7. Йилнинг соф фойдаси (зарари).

Молиявий натижаларнинг бу таркиб туркумланишини халқаро ҳисоб андозаларига нисбатан берилган дейиш мумкин. Бунда асосий фаолият молиявий натижалар қаторига корхонанинг маҳсулот сотишдан оладиган натижаси, асосий воситаларни сотишдан оладиган натижаси ва бошқа активларни сотишдан оладиган молиявий натижаси акс этади. Давр харжатлари улардан чегирилувчи қатор сифатида олинади.

Молиявий фаолиятдан олинган даромад ва харажатлар қаторига корхонанинг молия бозоридаги фаоллигидан оладиган даромадлари ва

мулкӣ муносаатлардаги иштирокидан олинадиган даромадлари, эркин алмаштириладиган валюта ресурсларини бошқаришдан оладиган даромадлари, корхонанинг молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган турли харажатлар киритилади. Уларнинг корхона ҳисоб фойдасидаги салмоғи сўнгги йилларда тобора ошиб бормоқда.

Фавқулодда кутилмаган ҳолатлардан даромадлар ва харажатлар каторига корхонининг асосий ва молиявий фаолиятдан ташқари, тасодифий ҳолатлар бўйича оладиган даромад ва харажатлари киритилади. Уларнинг таркибига киритиладиган аниқ кўрсаткичлар янги Низомда ифода этилмаган. Фақат уларнинг фарқланишига таъриф берилган ҳолос. Бу тариф эса юқорида баён этилган эди. Яъни, корхона учун яқин уч йиллик ораликда одатий ҳол ёки фаолият тури ҳисобланмаган ҳолатлардан оладиган даромадлари ёки йўқотишлар ушбу қаторга киритилади. Шунингдек, тасодифий ҳолатлар ҳам.

Молиявий натижаларнинг шаклланиш бўйича таҳлилни қуйидаги жадвал маълумотлари асосида бериш мумкин.

-жадвал

**“ФАРОВОН” акционерлик жамиятида молиявий натижаларнинг таркиби,
тузилиши ва динамик ўзгаришларининг таҳлили**

Кўрсаткичлар	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгариши (+,-)	
	Сумма, минг сўм	Солиқ тўлангун гача бўлган фойдага нисбатан салмоғи, %	Сумма, минг сўм	Солиқ тўлангунг ача бўлган фойдага нисбатан салмоғи, %	Сумма- даги	Салмо- ғидаги
1	2	3	4	5	6	7
1. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойда	522905	189,69	872059	192,45	+349154	+2,76
2. Давр харажатлари ва асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва харажатлар	-281602	102,16	-470990	103,96	+189388	+1,8

3. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг ялпи молиявий натижаси	241303	87,53	401069	88,53	+159766	+1,0
4. Умумхўжалик фаолиятининг ялпи молиявий натижаси	275657	100,0	453044	100,0	+177387	-
5. Фавқулоддаги фойда ва зарарлар	-	-	-	-	-	-
6. Даромад солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар)	275657	100,0	453044	100,0	+177387	-
7. Даромад (фойда)дан солиқ ва бошқа солиқлар	245414	89,03	427644	94,39	+182230	+5,36
8.. Ҳисобот давридаги соф фойда ёки зарар	30243	10,97	25400	5,61	-4843	-5,36

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадик, биз таҳлил қилаётган “Фаровон” акционерлик жамиятида жорий йилда ўтган йилга нисбатан 4843 минг сўмга соф фойдаси камайган. Соф фойданинг камайишига асосан, давр харажатларининг ўтган йилга нисбатан 189388 минг сўмга ортиши ҳамда тўланган солиқларнинг, яъни даромад солиғи ва бошқа солиқ ҳамда ажратмаларнинг ўтган йилга нисбатан 182230 минг сўмга кўп тўланганлиги таъсир этган. Ушбу омиллар корхонанинг маҳсулот сотишдан олган ялпи фойдасининг 349154 минг сўмга ортганини ҳам қоплаб юборди. Демак, корхона маъмурияти биринчи навбатда давр харажатларини қисқартириш чораларини кўриши лозим бўлади. Бундан ташқари тўланган солиқларнинг кескин ортишига қандай омиллар сабаб бўлганлигини ҳам ўрганиб чиқиш лозим бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижалари таркибида асосий ўринни маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи фойда ташкил этади. Молиявий натижаларнинг асосий қисми маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан шакллланганлиги

сабабли таҳлилда асосий эътибор ушбу қаторнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгариши ва омилли таъсирига қаратилади.

Маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан олинган молиявий натижа маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган соф тушумдан шу маҳсулот иш ва хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархини чегириш асосида аниқланади. Савдо ташкилотларида молиявий натижаларни аниқлашда товарларни сотишдан олинган соф тушумдан шу маҳсулотларни сотиб олиш қийматини чегириш асосида аниқланади.

Таҳлилда сотишнинг учта қатори характерланади.

1. Маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан молиявий натижа;
2. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва сотишдан натижа;
3. Бошқа активларни сотишдан олинган натижа.

Уларни бухгалтерия ҳисобида аълоҳида ҳисоб объекти ёки даромадларнинг юзага чиқиш шакли ёки ўрни сифатида таркибланиши белгиланган. Бунда асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши ва сотилиши, бошқа активларни сотишдан олинган натижалар асосий ишлаб чиқаришнинг бошқа жараёнлари сифатида қаралади. Уларни молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда операцион даромадлар ва харажатлар қатори кўрсатилиши тартибланган.

Маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан олинган фойда ёки зарар ўзгаришида омилли таҳлилга алоҳида аҳамият берилади.

Маҳсулот сотишдан олинган фойда ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир этиши мумкин:

- ❖ Корхонанинг ўзига боғлиқ омиллар ёки ички омиллар.
- ❖ Корхонанинг ўзига боғлиқ бўлмаган ёки ташқи омиллар.

Корхонанинг ўзига боғлиқ бўлган омилларга маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи, ҳажми, ассортимент ва структура омиллари киритилади. Унинг ўзига боғлиқ бўлмаган ёки ташқи омилларга давлатнинг солиқ сиёсатининг ўзгариши, баҳо омили ва бошқа омиллар киради.

Умумий жиҳатдан олганда фақат корхонанинг ўзига тегишли ва тегишли бўлмаган таъсир омилларини тартиблаш қийин. Уларни фақат нисбий жиҳатдан қараш мумкин.


Маҳсулот, иш ва хизматларни сотилган қаторга киритишда бевосита мулкӣ эгалик ва уларни тасарруф этиш шартидан келиб чиқилади. Маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган ялпи фойда тахлилида бевосита маҳсулот ишлаб чиқаришнинг маржиналлик шартига ҳам баҳо бериш мумкин. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг маржиналлик шarti маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган тушум суммасидан барча ўзгарувчан харажатларни чегиришни характерлайди. Бунда янгидан яратилган қиймат фақат ўзгарувчан қийматнинг ўзидан иборат бўлади. Яъни, корхона маржиналлик шartiда критик ҳажм даражасида фойда суммасига эга бўлмайди. У фақат ишлаб чиқариш харажатларини, ўзгарувчан ва ўзгармас харажатларни қоплаш даражасидаги маҳсулот ҳажмигагина эга бўлади. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг маржиналлик шarti корхона ишлаб чиқариш режаси ва фаолият натижавийлигини олдиндан белгилаш имконини беради.

Мамлакатимизда туб ислоҳотлар даврига қадар корхоналар режали иқтисодиёт шароитида ўзларининг ишлаб чиқариш молиявий фаолиятини маъмурий буйруқбозлик тамойилларига таяниб юритиб келди.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши корхоналарда ишлаб чиқариш муносабатларини иқтисодиётнинг объектив қонуниятларига бўйсунга ҳолда ташкил этишга мажбур этади. Катта салмоққа эга бўлган давлат корхоналарини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёни жадал бошланиб, корхоналар турли мулкчилик шакллари кўринишида барпо этилди, ўз навбатида бу давлатнинг мамлакат ишлаб чиқаришидаги ҳажми қисқаришига, унинг ўрнига нодавлат сектори ишлаб чиқариши улуши ортиб боришига олиб келди. Шундай қилиб, хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес ва фермер хўжаликлари ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш борасида туб қурилишга эришилди.


Кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш ишлаб чиқаришнинг доимо кенгайишини, унинг техникавий даражасини мунтазам кўтариб туришини талаб этади. Бунинг учун ишлаб чиқаришда ҳамма вақт фойдага эришилиши, реализация қилиниши ва ундан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиш лозим.

Республикамизда “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида” ги Низом қабул қилинмасдан олдин корхоналар фойдаси қуйидаги шаклларда ҳисобга олинар эди, яъни:



Манба: Э. А. Акрамов “Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили”, Тошкент-“Молия”-2004 йил, 153-бет.

Бугунги эркин иқтисодий муносабатлар шароитида республикамиздаги амалдаги ҳуқуқий меъёрларга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини шаклланиши Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳамда 1999 йил 5-февралда тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан белгиланади. Мазкур Низомга мувофиқ молиявий натижаларнинг шаклланиш қаторларига қуйидагилар киритилади:



Манба: А.В.Ваҳобов, А.Т.Иброҳимов, Н.Ф.Ишонқулов. “Молиявий ва бошқарув таҳлили”, Тошкент-“Шарқ”-2005 йил, 246-бет.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона, фирма ва жисмоний шахсларнинг иқтисодий ва молиявий фаолияти ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб борилиши, улар томонидан амалдаги тегишли қонунлар, қонун ости ҳужжатлари пухта ўрганилиши лозим. Бу хўжалик юритувчи субъектларнинг

ишбилармонлик фаолиятини мустаҳкамлаш, рақобатбардошлигини ошириш, истикболини ўрганиш имконини беради.

Низомда келтирилган харажатлар таснифи энг аввало бухгалтерия хисобида харажатларни тўғри ва тўлиқ акс эттиришга, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий хисоботини тузиш учун унинг фаолияти молиявий натижаларини (фойда ёки зарарни) аниқлашга йўналтирилгандир.

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг куйидаги кўрсаткичлари билан тавсифланади:

✚ махсулотни сотишдан олинган ялпи фойда, бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган махсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади:

$$\text{ЯФ} = \text{ССТ} - \text{ИТ}$$

бунда,

ЯФ - ялпи фойда;

ССТ- сотишдан олинган соф тушум;

ИТ - сотилган махсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи;

✚ асосий фаолиятдан кўрилган фойда, бу махсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут, ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа зарарлар сифатида аниқланади:

$$\text{АФФ} = \text{ЯФ} - \text{ДХ} + \text{БД} - \text{БЗ}$$

бунда,

АФФ-асосий фаолиятдан олинган фойда;

ДХ-давр харажатлари;

БД-асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ-асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар;

 хўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарар), бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус зарарлар сифатида ҳисоблаб чикилади:

$$УФ = АФФ + МД - МХ$$

бунда,

УФ - умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда;

МД - молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МХ - молиявий фаолият харажатлари;

 солик тўлангунгача олинган фойда, у умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда плюс фавкулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус зарар сифатида аникланади:

$$СТФ = УФ + ФП - ФЗ$$

бунда,

СТФ - солик тўлангунгача олинган фойда;

ФП - фавкулодда вазиятлардан олинган фойда;

ФЗ - фавкулодда вазиятлардан кўрилган зарар;

 йилнинг соф фойдаси, у солик тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, ўзида даромад (фойда)дан тўланадиган соликни ва минус конун ҳужжатларида назарда тутилган бошка соликлар ва тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда соликлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

$$СФ = СТФ - ДС - БС$$

бунда,

СФ - соф фойда;

ДС - даромад (фойда)дан тўланадиган солик;

БС - бошка соликлар ва тўловлар.

Молиявий натижаларнинг шаклланиш каторларига қуйидагилар киритилади, яъни:



Молиявий натижаларнинг бу таркиб туркумланишини халқаро ҳисоб андозаларига нисбатан берилган дейиш мумкин. Бунда асосий фаолият молиявий натижалар каторига корхонанинг маҳсулот сотишдан оладиган натижаси, асосий воситаларни сотишдан олдиган натижаси ва бошқа активларни сотишдан оладиган молиявий натижаси акс этади. Давр харжатлари улардан чегирилувчи катор сифатида олинади.

Молиявий фаолиятдан олинган даромад ва харжатлар каторига корхонанинг молия бозоридаги фаоллигидан оладиган даромадлари ва, мулкӣ муносабатлардаги иштирокидан олинадиган даромадлар, эркин алмаштириладиган валюта ресурсларини бошқаришдан оладиган даромадлари, корхонанинг молиявий фаолиятидан келиб чиқадиган турли харажатлар киритилади. Уларнинг корхона ҳисоб фойдасидаги салмоғи сунги йилларда табора ошиб бормокда.

Фавқулодда кутилмаган ҳолатлардан даромадлар ва харжатлар каторига корхонанинг асосий ва молиявий фаолиятидан ташқари, тасоддий ҳолатлар бўйича оладиган даромад ва харажатлари киритилади. Уларнинг таркибига киритиладиган аниқ кўрсаткичлар янги Низомда ифода этилмаган. Фақат уларнинг тарққанишига таъриф берилган ҳалос. Бу тариф эса юқорида баен этилган эди. Яъни корхона учун яқин уч йиллик ораликда одатий ҳол еки фаолият тури ҳисобланмаган ҳолатлар оладиган дармадлари

еки йукотишлар ушбу каторга киритилади. Шунингдек тасоддий ҳолатлар ҳам.



Манба: Коммунал хизматларга тарифларни шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ва рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича НИЗОМ (янги таърирда), ЎЗР АВ 03.11.2006 й. 1566-1-сон, V боб.

Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концепция асоси доирасида ҳисобот даврида сармоя эгалари томонидан сарфланган маблағ билан боғлиқ кўпайишдан ташқари активларнинг кўпайиши ёки мажбуриятларнинг камайиши кўринишида иқтисодий нафнинг ортиши сифатида даромадлар аниқланади. Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий хўжалик фаолиятидан оладиган даромадларини ва уларни ҳисобга олиш тартибини белгилаш учун 1998 йил 26 августда Ўзбекистон Республикасининг "Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар" номли 2-сон бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти қабул қилинди.

Фирма ва компанияларнинг ҳисобот давр соф фойдасини аксарият қисми маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат)лар сотишдан олинган ялпи молиявий натижа ташкил этади. Асосий хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадлар - хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти давомида вужудга келадиган давр ичида мулк эгаларининг ўз сармояларига бадали билан боғлиқ бўлган кўпайишларни истисно этганда, ўз сармояси кўпайишига олиб келадиган тушумлар (2-жадвал). Асосий хўжалик фаолиятидан олинадиган даромад хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобрақамига ялпи тушумлардан ёки олиними мумкин бўлган тушумлардан иборат.

Асосий фаолиятдан кўрилган фойда ёки зарар бу маҳсулотлар сотишдан олинган ялпи фойдадан давр ҳаражатларнинг айирмаси ва бошқа асосий фаолиятдан даромадлар ёки зарарлар ҳаражатларнинг алгебрик йиғиндисидир. Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромад операция билан боғлиқ бўлган иқтисодий наф хўжалик юритувчи субъект томонидан олинган тақдирдагина тан олинади.

2.2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили


Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришгач, иқтисодий маданиятни ривожлантиришнинг давлатнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгилаб олинди. Асосий Қонун, республикаимиз Конституциясининг 53-моддасида “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат, истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларида тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди”,¹¹ - дейилади.

Мамлакатимиз товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотларига ички талабни ноинфляциявий рағбатлантириш, корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтириш, ушбу жараёнга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жалб этиш масадида маҳаллийлаштириш дастурига лойиҳалар киритишнинг янги ёндашув ҳамда мезонлари ишлаб чиқилди. Шу асосда 2010 йилга мўлжалланган саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича янги дастур ишлаб чиқилди ҳамда тасдиланди.

Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва харажатлар таҳлилида асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан ташқари фаолиятлардан олинган даромад ва йўқотишлари таҳлил этилади. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнлардан олинган даромад ва харажатлар кўпинча *операцион даромадлар ва харажатлар* деб шхм айтилади. Операцион харажатлар ва даромадлар қаторига бошқа сотишлардан олинган даромадлар ёки улар бўйича йўқотишлар киради.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008, 11-бет.

Корхона, фирма ва компанияларнинг иктисодий мустакил хамда молиявий баркарор фаолият курсатишларида уларни окилона бошқариш, ҳисоб-китоб юритилишини бозор иктисодиёти талабларига мослаш, давлат бюджети олдидаги мажбуриятларини уз вақтида бажариш резервлар ташкил этиш энг долзарб вазифалардан саналади.



-чизма. Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари ва уларнинг туркумланиши

Операцион жараёнлардан олинган даромадлар қаторига корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдан ташқари фаолиятдан олинадиган даромадлар киритилади. Улар бўйича харажатлар ва даромадлар қатори алоҳида таркибланган ҳолда умумий суммада молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга туширилади. Операцион даромадлар ва харажатлар ўзининг соф қиймати бўйича ҳам молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга туширилиши белгиланган. Бунда операцион жараёнлардан олинган даромадлар улар бўйича харажатлар қийматига фарқланган ҳолда ҳисоботга фойда ёки зарар қаторига туширилади.

Бошқа сотишлар бўйича Республика Солиқ кодексига мувофиқ алоҳида солиқлар тўлови қўлланилади. Шунингдек, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишга солиш, даромад ёки тушумларнинг бу қатори бўйича ҳам амал этади. Бошқа сотишлардан соф тушум суммаси ҳам маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушумни аниқлашдаги каби услубий боғланишга эга.

Операцион жараёнлардан даромадлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин. Корхонада ортиқча саналган ёки фойдаланишсиз турган асосий воситаларни сотишдан олинган натижа, уларни ҳисобдан чиқаришдан олинган натижа, номоддий активларни ҳисобдан чиқариш ва сотишдан олинган натижа, капитал қуйилмалар бўйича натижа, узоқ муддатли ишлатишга олинган, лизинг тўловидан даромадлар, қимматли қоғозларни сотишдан олинган даромадлар, материал ва хома-шёларни сотишдан олинган даромадлар, валюта маблағларини сотишдан олинган даромадлар, улар бўйича сарфлар ва йўқотишларни ўз ичига олади.

**“ФАРОВОН” акционерлик жамиятининг операцион
фаолиятидаги даромадлар ва харажатлар таҳлили (минг сўмда)**

Кўрсаткичлар	Ўтган йили		Ҳисобот йили		Фарқи (+,-)	
	foyda	zarar	foyda	zarar	foyda	zarar
1	2	3	4	5	6	7
1. Асосий воситаларни сотишдан олинган натижа	54793	96387	51389	89328	-3404	-7059
2. Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни сотишдан олинган натижа		35697		52131		+16434
3. Валюта маблағларини сотишдан олинган натижа	36982	—	50836		+13854	
4. Мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган натижа			3645		+3645	
5. Материалларни сотишдан олинган натижа	6862	42397	954	39821	+5908	-2576
6. Қимматли қўғозларни сотишдан олинган натижа		3773				-3773
7. Номоддий активларни сотишдан олинган натижа			—	8372	—	+8372
Жами	98637	178254	106824	189652	+8187	+11398

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, биз таҳлил қилаётган корхонада жорий йилда жами 106824 минг сўмлик операцион фаолиятдан фойда кўрилган бўлса, 189652 минг сўмлик зарар кўрилган. Ўтган йилга нисбатан корхонанинг операцион фаолиятидан курган фойдаси 8187 минг сўмга, зарари эса 11398 минг сўмга ўсган. Маълумотлардан кўринадикки, операцион фаолиятдан кўрилган фойданинг асосини асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва сотиш, хорижий валюталарни сотиш, материалларни

сотишдан бўлган фойда ташкил этган. Операцион фаолиятдан курилган зарарларнинг асосий қисмини эса асосий воситаларни ҳисобдан чиқриш ва сотиш ҳисобига, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни сотиш ҳисобига бўлган. Шунингдек, қимматли қоғозлар сотишдан олинган зарар суммаси эса ҳисобот йилида бир қадар камайишига эришилган.

Асосий фаолиятдан курилган фойда ёки зарар бу маҳсулотлар сотишдан олинган ялпи фойдадан давр харажатларнинг айирмаси ва бошқа асосий фаолиятдан даромадлар ёки зарарлар харажатларнинг алгебрик йигиндисидан иборатдир.

Бу куйидаги тартибда аникланиши мумкин.

$$АФФ = ЯФ - ДХ + БД - БЗ$$

бунда:

АФФ - асосий фаолиятдан олинган фойда

ЯФ - ялпи фойда

ДХ - давр харажатлари.

БХ - асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

БЗ - асосий фаолиятдан курилган бошқа зарарлар.

Давр харажатлар дейилганда бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва сарфлар тушунилади: сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар ва бошқа жараёнлар харажатлардан иборатдир.

Сотиш билан боғлиқ харажатларга: товарларни транспорт воситалари ёрдамида ташиш харажатлари, товарларни сотишда катнашувчи ходимларга меҳнат ҳақи тулаш ва ижтимоий сугуртага ажратмалар, савдо эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар ва курилмаларни асраш харажатлари, асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизацияси, газ, ёкили, электр энергияси харажатлари, арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларнинг скириши, товарларни саклаш уларга ишлов бериш, кадоклаш ва фортларга ажратиш харажатлари, савдо рекламаси харажатлари, касса аппарати ва тушум инкассацияси юритиш чикимлари, сотиш бозорини

урганиш буйича харажатлар ва бошка сотиш билан боглик сарфлар тушунилади.

Хар бир фирма ва компания махсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини қупайтириш имкониятига эгадир, лекин ҳажмнинг кескин ошиши тушумни (фойда) камайишига таъсир этади. Фойда олишнинг энг қуйи ва юкори чегара ҳамда имкониятларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Яъни, корхона ушбу чегаравийликдан қуйи ҳолатларда зарарга, юкори ҳолатларда фойда ишлашини характерлайди. Махсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажм даражасини белгилаш иқтисодий ҳаракатни бошқаришда ва бизнесни йулга қуйишда муҳим масала ҳисобланади.

Таҳлил этишда махсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажм даражасининг белгиланишига, унинг узғариш ораликларига ва сабабларига аҳамият берилади.

Критик ҳажм даражасининг узғаришига таъсир этувчи омилларга: махсулотлар бирлик баҳоларининг узғариши, бир бирликка узгарувчан харажатлар узғариши, доимий харажатларнинг узғариши киритилади. Бу омиллар бевосита ҳисоб-китоб қилинадиган омиллар ҳисобланади.


Критик ҳажм даражасини аниқлашнинг одатда бир неча усуллари мавжуд. Қуйида уларнинг аниқланиш услуби ва тартиби билан танишишимиз мумкин.

Критик ҳажм даражасини график шаклида ифодалаш унинг мазмунини тулик англашга имкон беради. Буни бевосита қуйидаги ифодадан ҳам қуриш мумкин. Критик ҳажм даражасида махсулот ишлаб чиқаришнинг физик ҳажми қатъий баҳоларда ва доимий харажатларда белгиланади. Унинг узғариши эса таъсир бирликлари фарқланишлари ва боғланишлари асосида аниқланади.

Критик хажм даражасини аниклашнинг формулалари

Аникланиш формуласи	Белгилар изохи
$V_k = U / 1 - (S/P)$	<i>U - жами узгармас харажатлар; S - маҳсулот бирлигига узгарувчан харажат; P - маҳсулот бирлигининг баҳоси</i>
$V_k = Q * S + U$	<i>Q - маҳсулотлар микдори</i>
$V_k = (S/P) * Y_k + U$	<i>Y_k - критик хажм даражасидаги маҳсулот хажми</i>
$V_k = C + S + B$	<i>C - узгарувчан капитал; U-узгармас капитал</i>
$Q_k = U / (P - S)$ $U_k = Q_k * P$	<i>Q_k - критик хажм даражасидаги маҳсулот микдори</i>
$U_k = U * P / P - S$	<i>U_k - Критик хажм даражасидаги маҳсулот хажми</i>

Манба: А.В.Ваҳобов, А.Иброҳимов “Молиявий таҳлил”, Т.:2002, 79-бет.



-чизма. Критик хажм даражасини график чизгиси¹².

¹² А.В.Ваҳобов, А.Иброҳимов “Молиявий таҳлил”, Т.:2002, 79-бет.

Маъмурий харажатларга эса, бошқарув ходимларини меҳнат ҳақи ва уларга тегишли ижтимоий сугурта ажратмалари, хизмат енгил автотранспорти ва микроавтобусларни саклаш, ишлатиш, ёллаш ва ижарага олиш харажатлари, хужалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ва уларни бошқариш харажатлари, бошқарувда хизмат килаётган техник воситалар, алоқа узеллари, хисоблаш марказлари, сигнализация воситалари ва бошқарувга оид техник воситаларни саклаш, фойдаланиш ва уларга хизмат курсатиш харажатлари, шаҳарлараро ва халқаро телефон сузлашувлари учун уланган сарфлар, маъмурий бошқарув эҳтиёжлари учун фойдаланилаётган биноларни амортизацияси ва саклаш харажатлари, вазирликлар, идоралар ва юқори ташкилотларга ажратмалар, бошқарув ходимларини хизмат сафарларига юбориш харажатлари, қорхонани вакиллик харажатлари ва бошқа харажатлар қиради.

Бошқа операцион харажатларига қуйидагилар қиради: кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари, лойиҳа ва қурилиш монтажишларида қалалиқни бартараф этиш харажатлари, маслахат ва ахборот хизматларига ҳақ тулаш, аудиторлик хизматлари уун туловлар, саломатлиқни муҳофаза қилиш ва ходимларни ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашуви билан боғлиқ бўлмаган дам олишларни ташкил этиш тадбирлар харажатлари, шаҳар ободончилик ишлари ва қишлоқ хужалиғига ёрдам бериш билан боғлиқ харажатлар, қомпенсация ва рағбатлантириш тусидаги туловлар, иш ҳақини хисоблашда эътиборга олинмайдиган туловлар ва харажатлар, яъни моддий ёрдам, қоғлиқни саклаш объектлари қариялар ва ногиронлар уйлари, болалар мактабгача тарбия муассасалари, қоғломлаштириш лагерлари, маданият ва спорт объектларини асраш харажатлари, вақтинча тухтатиб қуйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини саклаш харажатлари, банк хизмати учун туловлар, ҳар қил ҳайрия жамғармалари, экология, қоғломлантириш, маданият, ҳалқ таълими, ижтимоий таъминот жисмоний тарбия ва шу қабил ташкилотларга бадаллар, бюджетга мажбурий туловлар, қоғлиқлар ва йигмалар ва бюджетдан ташқари

жамгармаларга ажратмалар, зарарлар, жарималар ва пенялар ва бошқа харажатлардан иборатдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижалари таркибида асосий ўринни маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи фойда ташкил этади. Молиявий натижаларнинг асосий қисми маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан шакллланганлиги сабабли таҳлилда асосий эътибор ушбу қаторнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгариши ва омилли таъсирига қаратилади.

Маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан олинган молиявий натижа маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган соф тушумдан шу маҳсулот иш ва хизматларнинг ишлаб чиқариш таннаرخини чегириш асосида аниқланади. Савдо ташкилотларида молиявий натижаларни аниқлашда товарларни сотишдан олинган соф тушумдан шу маҳсулотларни сотиб олиш қийматини чегириш асосида аниқланади.

Таҳлилда сотишнинг учта қатори характерланади.

4. Маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан молиявий натижа;
5. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва сотишдан натижа;
6. Бошқа активларни сотишдан олинган натижа.

Уларни бухгалтерия ҳисобида аълоҳида ҳисоб объекти ёки даромадларнинг юзага чиқиш шакли ёки ўрни сифатида таркибланиши белгиланган. Бунда асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши ва сотилиши, бошқа активларни сотишдан олинган натижалар асосий ишлаб чиқаришнинг бошқа жараёнлари сифатида қаралади. Уларни молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда операцион даромадлар ва харажатлар қатори кўрсатилиши тартибланган.

Маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан олинган фойда ёки зарар ўзгаришида омилли таҳлилга алоҳида аҳамият берилади.

Маҳсулот сотишдан олинган фойда ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир этиши мумкин:

- ❖ Корхонанинг ўзига боғлиқ омиллар ёки ички омиллар.
- ❖ Корхонанинг ўзига боғлиқ бўлмаган ёки ташқи омиллар.

Корхонанинг ўзига боғлиқ бўлган омилларга маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннарни, ҳажми, ассортимент ва структура омиллари киритилади. Унинг ўзига боғлиқ бўлмаган ёки ташқи омилларга давлатнинг солиқ сиёсатининг ўзгариши, баҳо омили ва бошқа омиллар киради.

Умумий жиҳатдан олганда фақат корхонанинг ўзига тегишли ва тегишли бўлмаган таъсир омилларини тартиблаш қийин. Уларни фақат нисбий жиҳатдан қараш мумкин.

Маҳсулот, иш ва хизматларни сотилган қаторга киритишда бевосита мулкӣ эгалик ва уларни тасарруф этиш шартидан келиб чиқилади. Маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган ялпи фойда тахлилида бевосита маҳсулот ишлаб чиқаришнинг маржиналлик шартига ҳам баҳо бериш мумкин. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг маржиналлик шarti маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган тушум суммасидан барча ўзгарувчан харажатларни чегиришни характерлайди. Бунда янгида яратилган қиймат фақат ўзгарувчан қийматнинг ўзидан иборат бўлади. Яъни, корхона маржиналлик шartiда критик ҳажм даражасида фойда суммасига эга бўлмайди. У фақат ишлаб чиқариш харажатларини, ўзгарувчан ва ўзгармас харажатларни қоплаш даражасидаги маҳсулот ҳажмигагина эга бўлади. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг маржиналлик шarti корхона ишлаб чиқариш режаси ва фаолият натижавийлигини олдиндан белгилаш имконини беради.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг критик даражаси ҳам одатда ушбу қатор бўйича ўрганилади. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажм даражаси деганда корхонанинг фойда ёки зарар олмасдан маҳсулот иш ва хизматлар ҳажмини белгилаш даражаси олинади. Критик ҳажм даражасида

маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан олинган тушум фақат шу маҳсулот иш ва хизматларга кетган ўзгарувчан ва доимий ўзгармас харажатларни қоплашга етиши кузатилади.

Критик ҳажм даражаси амалий қўлловимизга эндигина кириб келаётган кўрсаткич ҳисобланади. Ушбу кўрсаткични аниқлаш асосида корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш режаси ёки фойда режасини олдиндан чамалаш, белгилашда асосий кўрсаткич сифатида фойдаланашимиз мумкин.

Таҳлилда критик ҳажм даражаси ва уни аниқлашнинг усулубий боғланишлари белгиланади. Шунингдек унинг ўзгаришини омилли таҳлил этиш орқали ечимлар берилади.

Критик ҳажм даражасини қуйидаги формула шаклида ифода этиш мумкин. Бунда бевосита маҳсулотнинг қиймат ифодасидан ёки сотиш баҳосидан келиб чиқилади. Маҳсулотнинг қиймат ифодасини эса қуйидагича белгилаш мумкин.

Маҳсулот қиймати = Ўзгарувчан харажат + Ўзгармас харажатлар + фойда.

Бундан критик ҳажм даражасига юқорида берилган таърифдан келиб чиққан ҳолда қуйидаги боғланишни бериш мумкин.

Критик ҳажм даражасида маҳсулот ҳажми = Ўзгарувчан харажатлар + ўзгармас харажатлар + 0

Бу бевосита қийматни иқтисодий категория сифатида белгилашдаги ифодалашнинг ўзидан иборатдир. Яъни

Маҳсулот ҳажми = Доимий капитал + Ўзгарувчи капитал + Фойда

Критик ҳажм даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин.

-Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатларнинг ўзгариши

-Маҳсулот бирлигининг баҳоси

-Маҳсулотлар миқдор ўзгаришлари

-Ўзгармас харажатлар ўзгариши ва ҳ.к.

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажм даражасини қуйидаги мисол асосида аниқлаш мумкин.

-жадвал

“ФАРОВОН” акционерлик жамиятида маҳсулот сотишдан олинган фойдаси ва унинг ўзгаришини омилли таҳлили

Кўрсаткичлар	Утган йили	Ҳисобот йили ўтган йил танннархида	Ҳисобот йили
1	2	3	4
1. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган соф тушум, минг сўм	2,140,110.0	3,182,165	4,224,219
2. Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннари, минг сўм	1,692,900	2,657,184	3,601,440
3. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойда, минг сўм	447,210	524,981	622,779

Таҳлил этувчининг тушуниши осонроқ бўлиши учун қуйидаги боғланишларни келтириш ўринлидир.

-жадвал

Маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган ялпи фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш

Кўрсаткичлар	Утган йили	Ҳисобот йилида сотиш ҳажми ўтган йил танннархида	Ҳисобот йили
1	2	3	4
1. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган соф тушум	$Q_0 P_0$	$Q_1 P_0$	$Q_1 P_1$

2. Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннари	Q_0S_0	Q_1S_0	Q_1S_1
3. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойда	$Q_0(P_0 - S_0)$	$Q_1(P_0 - S_0)$	$Q_1(P_1 - S_1)$

Бу ерда:

Q – маҳсулот ҳажми;

S – маҳсулот бирлигининг таннари;

P – маҳсулот бирлигининг баҳоси.

1. Маҳсулот ҳажмининг ўзгариши:

$$524981 - 447210 = + 77771$$

2. Баҳо ва ишлаб чиқариш таннари ўзгаришининг ялпи фойда ўзгаришига таъсири:

$$622779 - 524981 = +97799$$

Жадвал маълумотларидан кўринадик, таҳлил қилинаётган корхонада жорий йилда маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда миқдори ўтган йилга нисбатан 175,569 минг сўмга ўсган. Бу ўзгариш қуйидаги омиллар ҳисобига бўлган: яъни, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг миқдор жиҳатидан ўзгариши ҳисобига маҳсулот сотишдан олинган фойда суммаси 77771 минг сўмга ортган. Умуман олганда корхонанинг маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойдасини ортишига асосан маҳсулот ҳажмининг миқдорини ўсиши сабаб бўлган. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи фойданинг ўсганлиниги ижобий ҳолат сифатида баҳоламоқ лозим.

Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва харажатлар таҳлилида асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан ташқари фаолиятлардан олинган даромад ва йўқотишлари таҳлил этилади. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнлардан олинган даромад ва харажатлар кўпинча **операцион даромадлар ва харажатлар** деб ҳам айтилади. Операцион харажатлар ва даромадлар каторига бошқа сотишлардан олинган даромадлар ёки улар бўйича йўқотишлар киради.

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган бошқа даромадларга

қўйидагилар киради:

- ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф қилинган жарималар ва пенялар;
- ҳисобот йилида аниқланган ўтган йилга тегишли фойда;
- ёрдамчи хизмат кўрсатувчи тармоқлардан олинган тушумлар;
- асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа мол-мулкларни сотишдан олинган даромадлар;
- даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;
- товар-моддий бойликларни қайта баҳоланишдан кўрилган натижалар;
- давлат субсидияларидан даромадлар;
- холисона молиявий ёрдам;
- бошқа операцион даромадлар.

Операцион жараёнлардан олинган даромадлар қаторига корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдан ташқари фаолиятдан олинадиган даромадлар киритилади. Улар бўйича харажатлар ва даромадлар қатори алоҳида таркибланган ҳолда умумий суммада молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга туширилади. Операцион даромадлар ва харажатлар ўзининг соф қиймати бўйича ҳам молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга туширилиши белгиланган. Бунда операцион жараёнлардан олинган даромадлар улар бўйича харажатлар қийматига фарқланган ҳолда ҳисоботга фойда ёки зарар қаторига туширилади.

Бошқа сотишлар бўйича Республика Солиқ кодексига мувофиқ алоҳида солиқлар тўлови қўлланилади. Шунингдек, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишга солиқлар, даромад ёки тушумларнинг бу қатори бўйича ҳам амал этади. Бошқа сотишлардан соф тушум суммаси ҳам маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушумни аниқлашдаги каби услубий боғланишга эга.

2.3. Соф фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг ўзгаришини омилли таҳлили

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир хўжалик субъекти ўз фаолияти натижасида соф фойдага эришишни кўзлайди. Шу сабабли ҳам соф фойда миқдорини ўрганиш ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш корхона самарадорлигини оширишга олиб келади. Корхона ихтиёрида қоладиган ва унинг эркин тасарруфидаги фойда соф фойда дейилади. Ушбу кўрсаткич солиқ тўловига қадар бўлган фойда суммасидан фойда (даромад)дан солиқ ва бошқа солиқлар ва ажратмалар суммасини чегириш асосида аниқланади. Соф фойда таҳлилида унинг ўтган йилларга, шунингдек, корхона бизнес режаси кўрсаткичларига нисбатан ўзгаришлари ўрганилади. Молиявий натижавийликнинг ушбу якуний қатори барча ички ва ташқи ахборотдан фойдаланувчилар эътиборидаги масала ҳисобланади.

Ташқи ахборотдан фойдаланувчилар корхонанинг фойдалилик даражасига, ўз активларини мақсадли бошқаришнинг шартларини белгилашга ҳам жиддий аҳамият беришади. Масалан, корхона мулкида ҳиссали қатнашувчилар акция эгалари келишувига ёки хусусий капиталдаги улушига қараб тақсимланадиган ҳисоб фойдасининг ҳолатига корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда билан қизиқсалар, инвестиция ҳомийлари эса корхона фаолиятининг барқарорлиги ва ўсиш даражаларига кўпроқ қизиқади.

Бугунги кунда корхона соф фойдасининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- маҳсулот, иш ва хизматларни сотиш ҳажмининг ўзгариши;
- маҳсулот, иш ва хизматлар баҳосининг ўзгариши;
- маҳсулот, иш ва хизматлар ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгариши;
- давр харажатларининг ўзгариши;
- молиявий фаолиятдан олинадиган фойда ва зарарларнинг ўзгариши;

- фавкулудда фойда ва зарарлар ўзгариши;
- фойдадан олинадиган солиқлар ва солиқли тўловларнинг ўзгариши ва ҳақозолар.

Таҳлил этишда ҳар бир омилнинг соф фойда ўзгаришидаги мутлоқ қийматлари аниқланади. Уларнинг ўзгаришларига баҳо бериш орқали корхонада фойдани ўстириш юзасидан ички имкониятларнинг мавжудлиги ўрганилади.

-жадвал

**Соф фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили
(минг сўмда)**

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Фарқи (+,-)
1	2	3	4
1. Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда	447210	622779	175569
2. Давр харажатлари	360551	504917	144366
3. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва йўқотишлар	5298	3749	-1549
4. Молиявий фаолиятдан фойда ва зарарлар	-1489	-317	1172
5. Фавкулуддаги фойда ва зарарлар			0
6. Фойдадан солиқ ва бошқа солиқ ҳамда ажратмалар	47489	52548	5059
Жорий йилнинг соф фойдаси	42979	68746	25767

Жадвал маълумотларидан шуни хулоса килиш мумкинки, таҳлил қилинаётган корхона ҳисобот даврида соф фойда ҳажми ўтган йилга нисбатан 25767 минг сўмга кўпайган. Унинг ўзгаришига ҳар битта кўрсаткичнинг таъсирини фарқ қаторига қараб баҳолаш мумкин. Соф фойданинг кўпайишига асосан ялпи фойдани ошиб кетганлиги ҳамда молиявий фаолиятдан кўрилган молиявий натижани ижобий томонга ўзгариши сабаб бўлган. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан олинган даромадлар суммасининг, фойдадан солиқлар суммасининг ўтган йилларга нисбатан мос равишда ўсиши натижасида корхона соф фойдаси ўтган йилга нисбатан кўпайган.

Барча омиллар таъсирида соф фойда суммаси ўтган йилга нисбатан 25767 минг сўмга кўпайган. Демак, корхонада фойдани ўстириш юзасидан

имкониятлар мавжуд дейиш мумкин. Агар корхона асосий фаолиятдан бошқа даромадларни олдинги йил кўрсаткичларини сақлаганда эди яна қўшимча тарзда шунча фойда олиши мумкин эди.

Корхона фаолият натижавийлигига баҳо беришнинг асосий кўрсаткичларидан бири рентабеллик кўрсаткичи ҳисобланади.

Рентабеллик - корхона фойдалиқ даражасини характерлайди. Одатда унинг бир неча турлари ҳисоб китоб қилинади. Бу бевосита мулкнинг шакли бўйича даромадларнинг юзага чиқиш ўрни ёки базаси бўйича, фойданинг қланиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт тармоқларида рентабелликнинг куйидаги турлари аниқланади:

1. Ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан рентабеллик;

соф фойда

$$P = \frac{\text{соф фойда}}{\text{Ишлаб чиқариш харажатлари}} \times 100\%$$

Ишлаб чиқариш харажатлари

Ушбу кўрсаткич бир сўмлик ишлаб чиқариш харажати ҳисобига олинган фойда суммасини характерлайди.

2. Асосий воситалар рентабеллиги. Асосий воситалар рентабеллиги ҳар бир сўмлик ёки минг сўмлик асосий восита ҳисобига тўғри келадиган фойда суммасини характерлайди. Ушбу кўрсаткич соф фойда суммасини асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматига бўлиш асосида аниқланади.

Соф фойда

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати}} \times 100\%$$

Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати

3. **Сотиш бўйича рентабеллик.** Сотиш бўйича рентабеллик сотилган маҳсулотларнинг фойдалиқ даражасини характерлайди. Ушбу кўрсаткич сотишдан олинган ялпи фойда суммасини маҳсулотларни сотишдан олинган тушумга бўлиш асосида аниқланади. Яъни

Сотишдан олинган фойда

$$P = \frac{\text{Сотишдан олинган фойда}}{\text{Сотишдан олинган тушум суммаси}} \times 100\%$$

Сотишдан олинган тушум суммаси

4. **Оборот активлар рентабеллиги.** Ушбу кўрсаткич оборот активларнинг ҳар бир сумига тўғри келадиган соф фойда суммасини характерлайди. Оборот активлар рентабеллиги олинган соф фойда суммасини оборот активларнинг ўртача йиллик қийматига бўлиш асосида аниқланади.

Соф фойда

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Оборот активлар ўртача йиллик қиймати}} \times 100\%$$

Оборот активлар ўртача йиллик қиймати

5. **Жами мулк рентабеллиги.** Ушбу кўрсаткич корхона мулкининг фойдалилик даражасини характерловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик мулкка тўғри келадиган соф фойда суммасини ифодалайди.

Соф фойда

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Корхона мулки жами}} \times 100\%$$

Корхона мулки жами

6. **Ўз маблағлари рентабеллиги.** Ушбу кўрсаткич корхонанинг ўзига тегишли бўлган маблағларнинг фойдалилик даражасини характерлайди.

Корхона соф фойдасини унинг ўзлик маблағлари манбаига бўлиш асосида ўзлик капиталининг фойдалилик даражаси ўрганилади.

Соф фойда

$$P = \text{-----} \times 100 \%$$

Корхона ўзлик маблағлари

7. Қарз маблағлари рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич корхона соф фойдасини қарзга олинган маблағларига нисбати асосида аниқланади. Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик қарз маблағига тўғри келадиган фойда суммасини ифодалайди.

Соф фойда

$$P = \text{-----} \times 100\%$$

Қарз маблағлари жами

8. Асосий воситалар ва моддий оборот маблағлари рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич соф фойда суммасини корхона асосий воситалари ва моддий оборот маблағлари ўртача йиллик қийматига бўлиш асосида аниқланади. У ҳар бир сўмлик асосий ва оборот маблағига тўғри келадиган фойда суммасини характерлайди.

Соф фойда

$$P = \text{-----} \times 100\%$$

Асосий ва оборот маблағлари ўрт. йил. қийм.

Бугунги кунда амалиётда кенг тарқалган рентабеллик кўрсаткичларининг айримларини қуйидаги жадвал мисолида таҳлил қилиб чиқамиз.

-жадвал

**«ФАРОВОН» акционерлик жамиятининг рентабеллик
кўрсаткичлари, уларнинг турлари ва таъсир этувчи омиллар таҳлили**

	Кўрсаткичлар	Утган йили	Ҳисобот йили	Фарқи (+, -)
	2	3	4	5
	Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган соф тушум, минг сўм	1452513	3040381	+1587868
	Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннари, минг сўм	929608	2168322	+1238714
	Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойда, минг сўм	522905	872059	+349154
	Соф фойда, минг сўм	30243	25400	-4843
	Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати (қолдиқ қийматда), минг сўм	80892	91253	+10361
	Оборот маблағларининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	531756	689066	+157310
	Корхонанинг жами мулки, минг сўм	718546	892557	+174011
	Ўзлик маблағлари манбаи, минг сўм	460499	729410	+268911
	Қарз маблағлари, минг сўм	258047	163147	-94900
0	Маҳсулот сотиш рентабеллиги, %	36,0	28,68	-7,32
1	Асосий воситалар рентабеллиги, %	37,98	27,83	-9,55
2	Оборот маблағлари рентабеллиги, %	5,69	3,69	-2,0
3	Ишлаб чиқариш таннари рентабеллиги, %	56,25	40,22	-16,03
4	Ўз маблағлари рентабеллиги, %	6,57	3,48	-3,09
5	Мол-мулк рентабеллиги, %	4,21	2,85	-1,36
6	Умумий рентабеллик, % (4+5+6)*100	4,94	3,25	-1,69
7	Қарз маблағлари рентабеллиги, %	11,72	15,57	+3,85

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадик, биз таҳлил қиётган «Фаровон» акционерлик жамиятида ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан аксарият рентабеллик турлари бўйича пасайиш кузатилган. Бу шундан далолат бермоқдаки, корхонанинг самарадорлиги пасайиб бораётганлигидан ҳамда унинг молиявий ҳолати ёмонлашаётганлигидан далолатдир. Маълумотлардан кўринадик, жорий йилда маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум миқдори +1587868 минг сўмга ортган бўлсада, бунга мос равишда маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннари ҳам, бошқа турдаги активлар ҳам ўсган. Соф фойда миқдори эса ўтган йилга нисбатан

4843 минг сўмга камайган. Натижада аксарият рентабеллик кўрсаткичларида пасайиш тенденцияси ҳосил бўлган. Корхонада фақатгина қарз маблаълари рентабеллиги 3,85 фоизга ўсиши кузатилган ҳолос. Корхона маъмурияти рентабеллик кўрсаткичларини яхшилаш чораларини кўриши лозим бўлади. Акс ҳолда, корхонанинг молиявий ҳолати танг аҳволга тушиб қолиши мумкин.

Рентабеллик ўзгаришига таъсир этувчи омилларга таҳлилда алоҳида аҳамият берилади. Рентабеллик ўзгаришига таъсир этувчи омилларни уларда катнашувчи бирликларга нисбатан белгилаш мумкин. Масалан, маҳсулотни сотишга нисбатан рентабеллик ўзгаришига сотишдан олинган ялпи фойда суммасининг ўзгариши ва сотишдан олинган тушумлар суммасининг ўзгариши таъсир этса, асосий воситалар рентабеллигига корхона соф фойдасининг ўзгариши ва асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматининг ўзгариши, умумий рентабелликка бир сўмлик тушумга тўғри келадиган соф фойда суммасининг ўзгариши, асосий воситалар қайтимининг ўзгариши ва моддий оборот маблаълар қайтимининг ўзгаришлари таъсир қилади ва ҳ.к.

Рентабеллик ўзгаришига таъсир этувчи омилларни қуйидаги жадвал маълумотлари асосида ҳам аниқ кўриш мумкин.

-жадвал

Мол-мулк рентабеллиги ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Шартли кўрсаткич (рентабеллик)	Ҳисобот йили	Жами ўзгариш (+,-)	Шу жумладан	
					Фойдани ўзгариши ҳисобига	Мол-мулк қийматининг ўзгариши ҳисобига
1	2	3	4	5	6=4-3	7=3-2
Рентабеллик, %	4,21	3,53	2,85	-1,36	-0,68	-0,68

Биз таҳлил қилаётган корхонада ҳисобот йилида мол-мулк рентабеллиги ўтган йилга нисбатан 1,36 фоизга пасайган. Бунга асосан иккита омил, яъни, соф фойда миқдорининг ўзгариши ҳамда мол-мулк қийматининг ўзгариши таъсир этган. Маълумотлардан кўринадики, соф фойданинг ҳисобот даврида камайганлиги ҳисобига мол-мулк

рентабеллигини ўтган йилга нисбатан 0,68 фоизга пасайишига, мол-мулк кийматининг жорий даврда ўзгарганлиги эса 0,68 фоизга пасайишига олиб келган. Бундай натижалар одатда корхона учун салбий ҳолат сифатида баҳоланади. Шу сабабли корхона маъмурияти рентабелликни ошириш чораларини ва мавжуд имкониятларни излаб топиши лозим бўлади.

Ҳисоботларда одатдаги хўжалик фаолиятининг бориши чоғида юзага келувчи ҳаражатлардан ташқари, келгусида бирор бир иқтисодий манфаатларни ҳосил қилмайдиган ҳаражатлардан ташкил топган зарарлар ҳам бўлиши мумкин. Уларга қуйидаги уччала мезонлардан бирига жавоб берувчи ҳаражатлар киритилади:

- келгусида маълум бир даромадларни келтириб чиқармайдиган;
- активлар сифатида тан олиб бўлмайдиган (келгуси даврлар даромадлари ёки олдиндан тўланган бошқа ҳаражатларга ўхшаш);
- ташкилот балансида мол-мулкнинг ўсишига киритиш мумкин бўлмаган.

Даромадлик, фойдалилик бир хил маънога эга эмас. Айрим иқтисодга оид манбаларда даромадлик, фойдалилик мазмун жиҳатдан бир деб қаралади. Масалан, корхонанинг маълум даврдаги жами даромади, соф фойдасини баланс активига нисбати бир хилда номланмайди.

$$\text{Актив даромадлиги} = \frac{\sum \text{даромад}}{A}$$

$$\text{Баланс активи рентабеллиги} (P_A) = \frac{CF \cdot 100\%}{A}$$

-жадвал

Корхона активи, капитали, мажбуриятлари даромадлиги ва рентабеллик кўрсаткичларини ҳисоблаш усули

Т №	Кўрсаткич номи	Бухгалтерия ҳисоботи шакли маълумотлари асосида ҳисоблаш тартиби
1	Баланс активи даромадлик коэффициенти, (dak)	$d_{ak} = \frac{\sum \text{Даромад (шакл №2)}}{\text{Активнинг ўртача йиллик киймати}} = \frac{\sum \text{Дар}}{A}$

2	Хусусий капитал даромадлик коэффиценти, (dxk)	$d_{xk} = \frac{\sum \text{Даромад (шакли №2)}}{\text{Хусусий капиталнинг ўртача йиллик киймати}} = \frac{\sum \text{Дар}}{XK}$
3	Қарз капитали даромадлик коэффиценти, (dkk)	$d_{kk} = \frac{\sum \text{Даромад (шакл №2)}}{\text{Қарз капиталининг ўртача йиллик киймати}} = \frac{\sum \text{Дар}}{KK}$
4	Соф актив даромадлик коэффиценти, (dca)	$d_{ca} = \frac{\sum \text{Даромад (шакл №2)}}{\text{Соф активнинг ўртача йиллик колдиги}} = \frac{\sum \text{Дар}}{CA}$
5	Баланс активининг рентабеллик коэффиценти, (Pак)	$P_{ak} = \frac{\text{Солик тўлагунга кадар фойда}}{\text{Активнинг ўртача йиллик киймати}} = \frac{\Phi \text{ солик ТК}}{A}$
6	Хусусий капитал рентабеллик коэффиценти, (Рхк)	$P_{xk} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Хусусий капиталнинг ўртача йиллик киймати}} = \frac{CF}{XK}$
7	Қарз капиталининг рентабеллик коэффиценти, (Ркк)	$P_{kk} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Қарз капиталининг ўртача йиллик киймати}} = \frac{CF}{KK}$
8	Соф актив рентабеллик коэффиценти, (Рса)	$P_{ca} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Соф активнинг ўртача йиллик киймати}} = \frac{CF}{CA}$

Жадвал келтирилган рентабеллик турларидан ташқари қуйидаги рентабеллик кўрсаткичларини аниқлаш, уларни ўзгаришига таъсир этувчи омилларини ҳисоблаш комплекс иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Сотишдан кўрилган рентабеллик, % =

$$= \frac{\text{Сотишдан кўрилган ялпи фойда}}{\text{Махсулот сотишдан соф тушум}} \times 100\% = \frac{\Phi N}{N} \cdot 100\%$$

Қилинган ҳаражат қайтими, % =

$$= \frac{\text{Сотишдан кўрилган ялпи фойда}}{\text{Сотилган махсулот таннарихи}} \times 100\% = \frac{\Phi N}{CMT} \cdot 100\%$$

Жами даромадга нисбатан рентабеллик, % =

$$= \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Жами даромад}} \times 100\% = \frac{CF}{\sum \text{Даромад}} \cdot 100\%$$

Жами харажатга нисбатан рентабеллик, % =

$$= \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Жами харажат}} \times 100\% = \frac{CF}{\sum \text{Харажат}} \cdot 100\%$$

Маҳсулот бирлигини рентабеллиги, % =

$$= \frac{\left(\frac{\text{Маҳсулот} - \text{Маҳсулот}}{\text{баҳоси таннарихи}} \right)}{\text{Маҳсулот бирлигини баҳоси}} \times 100\% = \frac{\Phi}{B} 100\%$$

Жадвалда акс этган корхона баланси активи, капитали ва мажбуриятларини даромадлик, рентабеллик кўрсаткичларини комплекс баҳолаш тизимини динамик шаклда бир – бири билан таққослаш орқали натижавий кўрсаткичларни экстенсив ва интенсив омиллар эвазига ўзгариш натижаларини қуйидаги жадвалда акс эттирамиз.

Т №	Кўрсаткичлар	Коэффициентларни ўсиш (пасайиш) суръатлари, %
1	Баланс активи даромадлик динамикаси коэффициенти	1,031
2	Ўз капитали даромадлик динамикаси коэффициенти	1,026
3	Қарз капитали даромадлик динамикаси коэффициенти	1,022
4	Соф актив даромадлик коэффициенти	1,018
5	$K_{j \text{ даромад}} = \sqrt[4]{\Pi \omega} = \sqrt[4]{1,031 \cdot 1,026 \cdot 1,022 \cdot 1,018} =$ $= \sqrt[4]{1,101} = 1,024 \cdot 100 = 102,4\%$	102,4%
6	Баланс активи рентабеллик динамикаси коэффициенти	1,021
7	Ўз капитали рентабеллик динамикаси коэффициенти	1,018
8	Қарз капитали рентабеллик динамикаси коэффициенти	1,016
9	Соф актив рентабеллик коэффициенти	1,014
	$K_{j \text{ рент}} = \sqrt[4]{\Pi \omega} = \sqrt[4]{1,021 \cdot 1,018 \cdot 1,016 \cdot 1,014} =$ $= \sqrt[4]{1,107} = 1,026 \cdot 100 = 102,6\%$	102,6%
9.1	$K_{\text{экт}} = \frac{\Delta K_{j \text{ дар}} - \partial; \%}{\Delta K_{j \text{ рент}}, \%} = \frac{+ 2,4}{+ 2,6} = 0,92 \cdot 100 = 92\%$	+92%
9.2	$K_{\text{инт}} = 1 - 0,92 = 0,08 \cdot 100 = 8\%$	8%

Жадвал маълумотлари асосида баланс активи капитали ва мажбуриятларини даромадлиги ва рентабеллигини комплекс баҳолаш натижалари шуни кўрсатадики даромадлик динамикасини комплекс кўрсаткичи ($K_{j\text{даромад}}=102,4\%$), рентабеллик динамикасини комплекс кўрсаткичи ($K_{j\text{рент}}=102,6\%$) даражасидан биров пастроқ. Ресурслардан экстенсив фойдаланиш коэффициенти 92%, интенсив фойдаланиш (рентабеллик) коэффициенти 8% ни ташкил этган.

Демак, ресурслардан фойдаланиш рентабеллигини 92% га қадар кўтарилиши асосан корхона даромадини ортиши билан, фақат 8% эса соф фойдани ўсиши билан изоҳланади.

3-БОБ. ИҚТИСОДИЁТ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ

3.1. Молиявий натижалар ҳисобини халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ташкил қилиш

Бугунги кунда мамлакатимизда амал қилиб келинаётган ҳисоб тизимини халқаро андозаларга мувофиқлаштириш жараёни амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграцияланишига кўмаклашувчи биринчи навбатдаги шартлардан бири - халқаро ҳамжамиятга кириш ва унинг доирасида рақобат қилиш имконини берувчи бухгалтерия ҳисобини юритишнинг халқаро тамойилларига ўтишдир.

Шу муносабат билан айти пайтда мамлакатимиз иқтисодиётидаги муҳим вазифалардан бири – бу мавжуд бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини бозор муносабатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда халқаро ҳисоб андозаларига мос даражага келтиришдир. Бунда, ушбу соҳада тўпланган иқтисодий ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши ва иқтисодиётимизга хорижий сармояларни киритиш - салоҳияли ҳамкорларга ишончли қарорлар қабул қилиши учун тўлиқ маълумотлар етказиб бериш заруритяини туғдиради. Энг муҳими -мамлакатимиз корхоналари тўғрисидаги молиявий маълумотларни (реал ва истиқболли бизнес-режа) инвесторларга энг қулай усулларда ҳавола этишдир.

Қолаверса, халқаро ҳисоб тизимининг кўпгина тамойиллари ва концептуал асослари давлатимиз ҳисоб тизимини ривожлантиришда катта услубий аҳамиятга эгадир.

Молиявий ҳисоб маълумотлари корхона фаолияти натижалари билан бевосита боғлиқ ва улар асосан ташқи гуруҳ маълумот фойдаланувчилар эҳтиёжига мўлжалланган.

Молиявий ҳисоб – бу корхона хўжалик фаолиятини тўлиқ ифодаловчи ва ушбу маълумотлар асосида молиявий ҳисобот тайёрлаш билан шугулланувчи ҳисоб тизимидир. Ҳисобнинг ушбу шакли корхона ташқи гуруҳ маълумот фойдаланувчилари эҳтиёжини қондириш билан бирга ички гуруҳ вакиллари ҳам маълумот билан таъминлайди. Шу сабабли молиявий ҳисоб тизимини бухгалтерия ҳисобнинг умумқабул қилинган тамойиллари ва андозаларига таяниш лозимдир.

Қайд қилиш лозимки, молиявий ҳисобни бошқарув ҳисоб шаклидан аниқ бир чегаралар ёки тушунчалар орқали ажратиб бўлмайди, яъни ҳисобнинг бу шакли ҳар бир давлатда ўзига хос кўринишда амалга оширилади. Шу муносабат билан унинг таърифи ҳар бир мамлакатда бир-биридан фарқ қилади. Масалан, Америка молиявий ҳисоб андозалари Кенгаши уни қуйидагича таърифлайди: "... молиявий ҳисоб аниқ хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги молиявий ахборотларни ўлчаш, қайта ишлаш ва узатиш тизимларидир".

Иқтисодий ривожланган давлатлардан яна бири ҳисобланган Буюк Британияда молиявий ҳисобни қуйидагича таърифлашади: "... молиявий ҳисоб – бу компаниянинг хўжалик фаолияти натижалари ва молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотларни молиявий ҳисоботларда ифодалаш орқали маълумот фойдаланувчиларига етказиш воситасидир".

Молиявий ҳисоб шаклининг тўлароқ таърифини бухгалтерия ҳисобининг махсус луғатида учратиш мумкин: "... молиявий ҳисоб - бу бухгалтерия ҳисоби тамойиллари ва андозаларига мувофиқ хўжалик жараёнларининг моҳиятига кўра уларни қайд қилиш, туркумлаш ва ҳисобот даври маълумотларини шакллантириш воситасидир.

Молиявий ҳисоб корхона фаолияти тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлсада, корхона раҳбариятини кунлик ахборотга бўлган эҳтиёжини қондира олмайди ва шу сабабли у асосан молиявий ҳисоботлар тайёрлаш билан шугулланувчи ҳисоб тизими саналади.

Ривожланган давлатларда бу жараен ўзига хос усуллар ёрдамида амалга оширилади. Масалан, АҚШда молиявий ҳисоб маълумотларининг биршакллилик ва ишончлилиқ хусусиятлари амалда бухгалтерия ҳисоби андозалари вазифасини бажарувчи бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган тамойиллари орқали тартибга солинади. Ҳисоб тамойилларининг умумқабул қилинганлиги -уларнинг молиявий ҳисоб андозалари бўйича Кенгаш каби вакиллик жамоат органи томонидан қабул қилинганлиги ёки корхоналарнинг улардан амалиётда узоқ муддат фойдаланиши орқали таъминланади.

Бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган тамойиллари (БХУКТ) андозалари халқаро миқёсда тан олинган ва улар бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозаларига тўлиқ мос келади.

АҚШда бухгалтерия ҳисоби соҳасида тартибини аниқлаб берувчи асосий орган молиявий ҳисоб андозаларини ишлаб чиқувчи Кенгаш ҳисобланади. Айнан шу Кенгаш ҳисоб юритиш ва ҳисобот тайёрлашга асос бўлувчи андозалар ҳамда меъёрларнинг асосий қисмини ишлаб чиқиб, ҳаётга тадбиқ қилишни таъминлайди.

Бундан ташқари, дунё миқёсида ҳисоб тизимининг халқаро ҳисоб андозаларини ишлаб чиқувчи ягона ташкилот ҳисобланган Халқаро ҳисоб андозалари бўйича Қўмита ҳам мавжуд. Айни пайтда ривожланган давлатлар профессионал бухгалтерлари ушбу ташкилот-нинг халқаро ҳисоб андозалари ишлаб чиқиш фаолиятини қўллаб-қувватламоқдалар, чунки ушбу андозалар ҳисоб амалиётининг халқаро даражасига мос ягона ҳужжатлардир. Шунга қарамай, ушбу андозаларни қўллаш ҳар бир давлат учун ихтиёрийдир.

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларини

эркинлаштириш ўз навбатида бизнес фаолиятининг халқаро миқёсда ўзига хос "тили" ҳисобланган бухгалтерия ҳисоби тизимини ҳам унификациялаш заруриятини вужудга келтирди. Бунда асосий эътибор молиявий ҳисобот ахборотларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш услубиятини халқаро амалиёт ютуқларини ўрганиш эвазига

такомиллаштириш йўналишларига қаратилиши лозим. Эришилган натижа - иқтисодий ривожланган давлатлар билан ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва мавжуд муаммоларни ҳал этишда ўзаро манфаатли ҳамкорликка кенг йўл очиб беради.

Мамлакатимиздаги ҳисоб тизимини халқаро андозаларга мувофиқ такомиллаштириш учун, бизнинг фикримизча, қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим:

1. Миллий ҳисоб тизимини - халқаро андозаларга мувофиқлаштиришнинг энг биринчи шарти - халқаро миқёсда тан олинган ва умумқабул қилинган ҳисоб тамойилларини мамлакатимиз ҳисоб тизимида жорий этиш мувофаққиятларини таъминлаш;

2. Халқаро ҳисоб андозалари ютуқлари ва иқтисодий ривожланган мамлакатлар ҳисоб андозалари тажрибаларини ўрганиб, миллий урф-одатлар хусусиятларини эътиборга олган ҳолда халқаро андозалар талабларига мос миллий ҳисоб андозаларини ишлаб чиқиш;

3. Корхона бошқарув тизимида халқаро ҳисоб андозаларини таҳлил қилиш ва ҳўжалик фаолияти объектлари тўғрисидаги маълумотларни уларга мувофиқ шакллантирувчи бўлим жорий қилиш ва ҳ.к.

Қайд қилиш лозимки, кўпгина давлатларда ҳисоб андозалари уларга зарурият тугилганда ишлаб чиқилган. Лекин уларнинг замонавий кўринишда халқаро ҳисоб андозалар талабларига жавоб берувчи хорижий давлатлар миллий ҳисоб андозалари бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган концептуал асослари ва тамойиллари ёрдамида мавжуд кўринишга келтирилган. Баъзи давлатлар эса халқаро ҳисоб андозаларини ҳеч бир ўзгартиришсиз миллий андоза сифатида ҳам фойдаланмоқдалар. Буларга Кипр, Малайзия, Покистон Зимбабе, Ямайка, Кения, Қувайт, Сингапур ва Шри-Ланка давлатлари мисол бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, молиявий ҳисоб андозаларини ишлаб чиқиш учун улар тўғрисида умумий тушупча, кўзланаётган мақсад ва улар қамраб оладиган кўрсаткичлар мавжуд бўлиши зарур.

Бухгалтерия ҳисоби халқаро андозаларининг миллий ҳисоб тизимидан фарқловчи асосий тамойилларидан бири – даромад ва харажатларни акс эттиришдир.

Маълумки, корхона даромадининг асосий қисмини ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаси ташкил қилади. Бунда, ишлаб чиқарилган маҳсулотга сарфланган харажатлар, маҳсулот сотишдан олинган даромадни тан олиш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Мамлакатимизда қабул қилинган бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаларига мувофиқ асосий фаолиятдан олинган даромадни аниқлаш чоғида ҳисоблаб ёзиш, эҳтиёткорлик, даромад ва харажатларнинг ўзаро мувофиқлиги тамойилларини қўллаш таклиф қилинган. Бунда, маҳсулотни харидорларга юклаш чоғидаёқ даромадни ҳисоблаб чиқиш зарур. Бунинг учун даромадни тан олиш вақтини тўғри аниқлаш жуда муҳим.

Ушбу ҳолатда даромадни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг БХУКТда кўрсатиб ўтилган баъзи хусусиятлари диққатга сазовордир. Аниқроғи, бухгалтерия ҳисобида даромад тан олинганда ёки тан олиш имконияти яратилганда акс эттирилади.

Даромадни тан олиш - маҳсулотга бўлган эгалик ҳуқуқидан кўриладиган манфаат ва хавф (риск)нинг харидорга ўтиши натижасида сотувчида амалга ошириладиган жараён. Бу жараён маҳсулотнинг нақд пулга сотилганлиги ёки бошқа ресурс (актив)ларга алмашилганлигини англатади

Даромадни тан олиш имконияти сотилган маҳсулот учун ҳисобланган натура кўринишидаги ресурсларнинг пул маблағларига осон айланиш шароити мавжуд ҳолларда вужудга келади. Бунинг учун даромадни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда унинг ҳақиқатда ҳам ҳосил қилинганлиги, яъни корхонанинг шартнома шартларини бажариши унга даромад олиш ҳуқуқини бериши асосий мезон ҳисобланади. Агар ушбу мезонлардан бири бажарилмаса, даромадни тан олиш токи ушбу мезон

бажарилгунга қадар чўзилади. Шундан сўнг даромад харидорларга етказиб берилган маҳсулот эвазига келиб тушган пул маблағлари қийматида ўлчанади.

Амалиётда маҳсулот сотишдан кўрилган ва фаолиятнинг бошқа даромадларини тан олиш ҳолатларининг бир неча хил кўринишлари мавжуд.

Даромад ва харажатларни тан олиш кўринишлари:



-чизма. Даромад ва харажатларни тан олиш кўринишлари

Даромадни маҳсулот етказиб берилгандан сўнг тан олиш.

Корхоналар хўжалик фаолиятида шундай ҳодисалар ҳам учрайдики, улар даромадни тан олиш тамойилининг моҳиятини янада яққол кўрсатишга ёрдам беради.

Фараз қилайлик, корхона бошқа фирмага шартнома шартларига кўра маҳсулотни маълум вақтдан сўнг ўз ҳолида ёки қайта ишланган ҳолида қайта сотиб олиш мажбурияти билан сотади. Бундай шартномалар маҳсулотли молиялаштириш шартномалари деб аталади. Ушбу ҳолатда корхона ўзига тегишли бўлмаган товар моддий бойликларини саклаш бўйича харажатлар ва хавфни ўз зиммасига олади. Маҳсулотни ушбу хилда сотадиган корхоналар шартнома бўйича келиб тушган маблағни даромад сифатида акс эттириш ва

махсулотни ўз товар моддий бойликлари таркибидан чиқариши мумкин эмас. Даромадни акс эттириш жараёни қачонки ўша маҳсулот учинчи бир фирмага сотилганда амалга оширилади.

Амалиётда сотилган маҳсулот учун пул келиб тушишга ишонч (кафолат) етарли бўлмаса, даромадни тан олиш даромад келиб тушишига бирон-бир асос пайдо бўлгунга қадар кечиктирилади. Бунда асосан қуйдаги иккита усулдан фойдаланиш мумкин: 1) Сотилган маҳсулот учун маблағни маълум қисмларда йиғиш. Сотилган маҳсулот учун тушумнинг келиб тушишига ишонч бўлмаган ва даргумон қарзлар бўйича захира миқдорини баҳолаш имкони йўқ бўлган ҳолларда фойдаланилади. Бунда сотилган маҳсулот харажатлари ва уни сотиш ўша куни қайд қилинади, ялпи фойда эса маблағлар тўлиқ йиғилгунча кечиктирилади. Бу жараён қуйдагича амалга оширилади:

- маҳсулот таннарни ва уни сотиш маҳсулот сотилган ҳисоб даврида қайд қилинади. Сотилган маҳсулот учун тушум келиб тушиши ноаниқ бўлган кўрсаткичлар кейинчалик улар бўйича ялпи фойдани ҳисоблаш учун бошқалардан алоҳида юритилади;
- ялпи фойда меъёри сотилган маҳсулот таннарни ва уни сотишдан тушган тушум ўртасидаги фарқнинг сотишдан тушган тушумга нисбати кўринишида аниқланади;
- ҳисобот даври якунида сотилган маҳсулот учун йиғилган тўлов миқдори ялпи фойда меъёрига кўпайтириш орқали ушбу даврда олинган фойда миқдори аниқланади;
- фойданинг қолган қисми кейинги даврда келиб тушиши кутилаётган маблағлар ёрдамида ҳисобланади;
- ўтган давр ялпи фойда меъёри жорий даврларда келиб тушган маблағлар миқдорига кўпайтирилади.

Харажатларни қоплаш усули. Унинг моҳияти шундан иборатки, корхона фойдани қайд қилишдан аввал барча харажатларни қоплаши зарур.

Ушбу усул асосан юқори даражада тижорат хавфи билан боғлиқ операцияларни ҳисобга олишда ишлатилади.

Даромадни харидорга маҳсулот етказиб бергунга қадар тан олиш.

Бу усул маҳсулот сифатида қурилиш муддати бир неча ҳисобот даврига чўзиладиган бино, қурилма ёки техника воситаларини сотишда қўлланилади. Бундай маҳсулотлар учун тушум уларни яратиш бўйича буюртмачи ва пудратчи ўртасида келишилган маълум ҳажмдаги ишлар бажарилгандан сўнг амалга оширилади.

Фикримизча, молиявий ҳисоб нуқтаи назаридан ушбу ҳолатда барча ишлар тугагандан сўнг даромад қайд қилинса, бу маълумотлар бир жихатдан ишончли бўлсада, иккинчидан ўз вақтида эмасдир, аниқроғи, ташқи маълумот фойдаланувчиларининг узок муддатли лойиҳа бўйича иш бажараётган корхона фаолиятига оид қарорлар қабул қилишини кечиктиради.

Бундай лойиҳаларни қайд қилиш учун БХХСга кўра даромадни ҳисоблашнинг иккита усули таклиф қилинган.

1. Бажарилган шартнома усули. Бунда даромад, харажатлар ва ялпи фойда шартномада кўрсатилган иш ҳажми бажарилгандан сўнг акс эттирилади. Қурилиш ишлари бўйича сарфланган харажатлар тугалланмаган қурилиш счётида ҳисобга олинади.

Буюртмачилар томонидан бажарилган ишларга туланган тўловлар даромад деб эмас, балки товар моддий захиралар ҳисобварақларига контрсчет ҳисобланган тугалланмаган қурилиш учун тўловлар ҳисобварағида акс эттирилади. Шартномада кўрсатилган ишлар тўлиқ бажарилгандан сўнг барча ҳисобварақлардаги суммалар даромад ва харажатлар ҳисобварағига ўтказилади ва қурилиш лойиҳасини амалга оширишдан кўрилган ялпи фойда аниқланади.

Мамлакаимизда қўлланилаётган ҳисоб тизимида мувофиқ харидор ва буюртмачилардан олинган аванслар **пассив 6310-"Харидор ва буюртмачилардан олинган аванслар бўйича ҳисоб-китоблар"** ҳисобварағида

ҳисобга олинади. Ушбу аванслар ва оралик тўловлар даромад ҳисобланмайди. Лекин буюртма бўйича харидорга етказиб берилган маҳсулот учун тўлов аванс шаклида амалга оширилган бўлса, даромад харидорга маҳсулот етказиб берилганда тан олинади.

2. Бажарилган иш фоизи усули. Бунда даромад ва харажатлар ҳар бир жорий даврда умумий иш ҳажмига нисбатан бажарилган иш миқдорининг фоизлардаги ифодаси кўринишида аниқланади. Қурилиш ишлари бўйича харажат ва ялпи фойда тугаланмаган қурилиш счеҗида товар моддий захиралар сифатида йил бошидан ўсиб бориш тартибида йиғилиб боради. Унинг асосий мақсади молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланувчиларга қурилиш ишлари тугамасидан корхона даромади тўғрисида ахборот беришдир.

Бажарилган шартнома ва бажарилган иш фоизи усулларидаи бирини танлаш лойиха ишларига сарфланган харажатларнинг лойиханинг тайёргарлик даражасига боғлиқлиги асосида амалга оширилади. Агар узок муддатли шартнома харажатлари даражаси билан шартноманинг якунланганлик даражаси ўртасида сезиларли боғлиқлик бўлса, бажарилган иш фоиз усулидаи фойдаланиш кулайроқдир. Агар бундай прогнозлар ишончли баҳолаш йўқлиги ёки лойихага хос бўлган кутилмаган ҳолатлар туфайли шубҳали бўлса, у ҳолда бажарилган шартнома усулини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Хизмат кўрсатиш бўйича даромадни тан олиш БХХСга мувофиқ хизмат кўрсатиш бўйича даромадни ҳисобга олишда куйдаги усуллардан фойдаланилади:

Аниқ ишнинг бажарилганлигини ҳисоблаш усули - асосан алоҳида ёки ягона хизматлар кўрсатишдан олинган даромадни ҳисоблашда ишлатилади. Франчайз сотишдан кўрилган даромад шу усулда ҳисобга олинади.

Пропорционал ҳаракат усули - хизмат кўрсатиш муддати бир неча ҳисобот давригача чўзиладиган ҳолларда қўлланилади. Бунда,

хар бир ҳисобот даврида бажарилган ишлар фоизи бўйича даромад ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузиш ва музокаралар олиб бориш харажатлари кўрсатилган хизмат ҳажмига мувофиқ ҳисобланган, даромад олинган даврда акс эттирилади. Масалан, банкнинг хар ойдаги мижозлар счетлари бўйича хизмат кўрсатиши; пуллик маъруза циклларини ўтказиш, белгиланган тўлов асосида ускуналарга техник хизмат кўрсатиш ва х.к.

Тугалланган хизмат кўрсатиш усули – бир неча хизматлар босқичидан иборат бўлиб, энг охири босқичнинг бажарилмаганлиги барча хизмат босқичларининг бажарилмаганлигига сабаб бўлувчи хизматлар тизимидан олинган даромадни акс эттиришда фойдаланилади.

Маблағ йиғиш усули – хизмат кўрсатишдан кўрилган даромадни маблағ келиб тушгандан сўнг тан олиш. У харажатларни маҳсулот сотишдан сўнг қоплаш усулига мос келади ва даромаднинг келиб тушиши, унинг ҳажми ҳақида ҳеч бир маълумот мавжуд бўлмаган тижорат нуқтаи назаридан хавфли ҳолатларда қўлланилади.

Харажатларни тан олиш

Харажатлар - корхона активларининг бирон бир мақсад учун сарфланиши ёки асосий фаолият билан боғлиқ мажбуриятларни қабул қилишни ўзида мужассамлаштиради.

БХХСга кўра корхона молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ харажатларни қуйдаги тоифаларга ажратиш мумкин:

- тўғри харажатлар - сотилган маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланган ва қайд қилиниши бевосита даромадни тан олиш билан чамбарчас боғлиқ харажатлар.

- давр харажатлари - корхона фаолияти маълум даври мобайнида фойдаланадиган маҳсулот ва хизмаларга сарфланган ҳамда айнан ўша даврда акс эттириладиган харажатлардир.

- тақсимланган харажатлар - маълум вақтларда амалга ошириладиган ва даромад олиш учун хизмат қиладиган даврларга мунтазам тақсимланадиган харажатлардир.

Республикамиз ҳисоб тизимида харажатларни маълум хужжатлаштириш талаблари бажарилгандан сўнг қайд қилинади. Бу нарса корхоналарда маълум даврга таълуқли барча операцияларни ҳисобга олишга ёрдам беролмайди. Натижада вужудга келган фарқ бўйича харажатлар суммалари молиявий ҳисоб маълумотларининг бузулишига сабаб бўлмоқда. Масалан, молиявий ҳисоботларни аудиторлик текширувларидан ўтказиш харажатлари кейинги йилда амалга оширилади. Бу жараен халқаро ҳисоб андозаларининг мувофиқлик тамойилидан четга чиқишларга сабаб бўлмоқда.

Фойда ва зарарларни тан олиш

5-сонли молиявий ҳисоб концепциялари тўғрисидаги Низомга мувофиқ, "...ҳали тугалланмаган хўжалик операциясини муваффақиятли якунлашда истиқболни баҳолаш учун маълум усулда эҳтиёткорона ёндошиш талаб қилинади. Қолаверса, ноаниқлик омили таъсирида вақт ўтиши билан харажатлар ва зарарларга нисбатан даромадни акс эттириш учун қатъий талаблар вужудга келди. Бу эҳтиёткорлик даромад компонентларини тан олиш мезонларидан фойдаланиш йўналишларини аниқлаб беради".

18-сонли БХХСга мувофиқ, маҳсулот сотишдан тушган тушум қуйидаги мезонлар бўлиб бажарилганда тан олинishi кўрсатиб ўтилган:

- корхонанинг маҳсулотга эгалик қилиш билан боғлиқ манфаат ва хавфнинг асосий қисмини харидорга ўтказиб берганда;
- корхона ушбу маҳсулотни ўз мулки даражасида бошқариш ва назорат қилишда қатнашмаса;
- тушум миқдорини аниқ белгилаш мумкин бўлганда;
- ушбу операциялар билан боғлиқ иқтисодий манбанинг корхонага келиб тушиш имконияти мавжуд бўлса;

- сарфланган ва кутилаётган харажатлар миқдорини аниқ белгилаш мумкин бўлганда.

Ушбу мезонлар Ўзбекистон Республикасининг "Асосий хўжалик фаолияти даромадлари" номли 2-сонли БХМСда кўрсатилган мезонлар билан айнан бир хилдир. Бошқача айтганда, маҳсулотни сотишдан тушган даромадни тан олиш мезонлари айнан мана шу бешта гуруҳда мужассамлашган. Лекин ушбу жараёнларнинг бошланғич бўғини ҳисобланган сотувчи ва харидор ўртасида тузиладиган ҳуқуқий ҳужжат - шартноманинг мажудлиги назардан четда қолмоқда.

Фикримизча, биринчи мезоннинг мазмуни кўпроқ маҳсулотни консигнация шартлари асосида сотиш жараёнига кўпроқ яқиндир, чунки бу ҳолатда маҳсулотга эгалик қилиш ҳуқуқининг харидорга тўлиқ ўтмаганлиги, яъни сотувчининг ушбу маҳсулотни маълум даражада назорат қилиши мумкинлиги белгиланган.

Бундан ташқари, корхоналарнинг ўз маҳсулотларини фақат консигнация шартлари асосида сотмаслигини эътиборга олиб, юқорида кўрсатилган биринчи ва иккинчи мезонларни умумлаштириш уларнинг асл мазмунини ўзгартирмайди, деб ўйлаймиз.

Шундай қилиб, юқоридаги фикрларни умумлаштириб, алоҳида "корхонанинг аниқ битим ёки шартнома шартларига мувофиқ ушбу тушумни олишга ҳуқуқи мавжуд бўлса" мезонни қўшишни таклиф қиламиз.

Халқаро ҳисоб андозаларидаги яна бир муҳим ҳолат шундан иборатки, тушумни тан олиш фақатгина унинг келиб тушишига ишонч ҳосил қилинганда амалга оширилади. Бунга харидор томонидан тақдим этилган тўлов топшириқномалари, банкдаги ҳисоб-китоб счётидан кўчирмалар ёки бошқа ҳужжатлар мисол бўлади.

3.2. Иқтисодиёт субъектларининг молиявий натижаларини молиявий барқарорлигига таъсирини баҳолашнинг комплекс иқтисодий таҳлили

Молиявий ҳолат давлат, ташкилот ва шахслар ўртасида бўладиган ўзаро муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ пул ҳисоб – китобларини ифодалайди. Молиявий ҳолат корхонани маблағ билан таъминланганлиги, барча турдаги маблағларни мақсадга мувофиқ йўналиши ва улардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги, бюджет, банк, ҳомашё етказиб берувчилар, харидорлар ва бошқа ташкилотлар билан олиб бориладиган ҳисоб - китоб ҳолати билан характерланади. Корхонани молиявий ҳолати барқарор, нобарқарор ва кризис даражасида бўлиши мумкин. Молиявий барқарорликка эга бўлган корхоналарда ишчи ва хизматчилар билан иш хақи, бюджет, банк, мол етказиб берувчилар билан бўладиган ҳисоб – китоб ишлари ўз муддатида амалга оширилади. Молиявий интизомга риоя қилмаслик, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ортиб кетишига олиб келади ва муддати узайтирилган қарзларни сурункали давом этиши банкротлик аломатларини вужудга келтиради.

Молиявий ҳолат барқарорлигини таҳлили орқали маълум давр мобайнида молиявий ресурсларни корхона қандай бошқарганлигига баҳо берилади. Аввало, молиявий ресурслар ҳолати бозор ва корхона ривожланишининг талабларига мос келиши керак, чунки молиявий барқарорликни талаб даражасидан паст бўлиши корхонани тўловга қобиллигини заифлаштиради, ишлаб чиқаришни ривожланиши учун маблағлар етишмаслигига олиб келади. Бунинг акси бўлган ҳолатларда эса молиявий ресурсларни ортиқчалиги ишлаб чиқаришни ривожланишига тўсқинлик қилади, ишлаб чиқариш захиралари ва резервларини меъёрдан ортиб кетишига сабаб бўлади. Демак, молиявий ресурсларни самарали шаклланиши, тақсимланиши ва улардан фойдаланиши молиявий барқарорлик моҳиятини ифодалайди.

Давлатнинг иқтисодий салоҳияти, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини барқарорлиги ички ва ташқи омиллар, жумладан, бугунги кунда жаҳон миқёсидаги молиявий инқирозлар ва уларнинг салбий оқибатларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Молиявий – иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланганидек “Аввало, давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлиқ мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги, уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин – валюта захираларининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада – мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатта бардошлик даражасига боғлиқ”.

Жаҳон молиявий инқирозининг ҳар бир мамлакатга таъсири, ундан кўриладиган зарарнинг даражаси ва кўлами, биринчи навбатда, шу давлатнинг молиявий – иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва ишончли эканига, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучли эканига ҳам боғлиқ.

Мамлакатни ислоҳ қилиш, техник ва технологик янгилаш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, банкларни капиталлашув даражасини ошириш, тижорат банкларининг активлари миқдори “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш қафолатлари тўғрисида”ги ва бошқа олдиндан кўрилган ҳимоя механизмлари туфайли Ўзбекистоннинг умумий ташқи қарзи 2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 13,3% ни, экспорт ҳажмининг 31% ни ташкил этди. Бу халқаро мезонларга кўра, ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат деб баҳоланади.

Тўловга қодирлик корхонанинг молиявий ҳолатини ифодаловчи асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, нақд пул маблағлари орқали муддати келган тўлов мажбуриятларини бажара олишига айтилади.

Корхонанинг тўловга қодирлиги баланс активи кўрсаткичларини ликвидлиги ҳамда пул маблағлари ҳаракатини ўрганиш орқали аниқланади. Ликвидлик кўрсаткичлари орқали тўловга қодирликни аниқлаймиз. Бунинг учун оборот активлари ликвидлиги, баланс ликвидлиги, корхона ликвидлиги, тўловга қодирлик кўрсаткичларига қисқача изох берамиз. Оборот активларини ликвидлиги баланс ликвидлигидан фарқланади. Оборот активларини пулга айланиши учун кетадиган вақт қанча қисқа бўлса, унинг ликвидлиги шунча юқори бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг активдаги моддаларни пулга айланиши орқали тўлов мажбуриятларини қоплай олиши, аниқроғи – тўлов мажбуриятларининг муддати активдаги моддаларни пулга айланиш муддатиги мос келишига баланс ликвидлиги деб тушунилади. Баланс ликвидлигини таҳлил этиш учун профессор Э.Акрамов фикрига кўра, баланснинг актив томонидаги бир даврга бориб нақд пулга айланадиган маблағларни шу даврда қайтариладиган мажбуриятлар билан солиштириш керак.

Корхона ликвидлиги - баланс ликвидлигига нисбатан кенг маънони англатади.

Баланс ликвидлиги тўлов мажбуриятлари фақат корхонанинг ички имкониятлари (активларни реализацияси)дан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Аммо, корхона инвестиция фаолияти, ишбилармонлик фаоллигини ошириш учун ўз маблағларидан ташқари четдан қарз маблағларини ҳам жалб этиши мумкин. “Тўловга қодирлик” ва “ликвидлик” кўрсаткичлари бир-бирига яқин, аммо “ликвидлик” биров кенгроқ маънони англатади. Тўловга қодирлик, баланс ликвидлиги ва корхонанинг ликвидлик даражаларига боғлиқ.

Корхонанинг жорий ва истиқболдаги молиявий ҳолатини ликвидлик кўрсаткичлари ифодалайди. Таҳлил этилаётган корхона ҳисобот даврида тўловга қодир, аммо, келгуси йилларда ноқулай иқтисодий шароитга тушиб қолиши ва бунинг акси ҳам бўлиши мумкин.



-чизма. Ликвидлик ва корхонанинг тўловга қодирлик кўрсаткичларини бир – бирига узвий боғлиқлиги

Тўловга қодирлик, корхона ликвидлиги ва баланс ликвидлигини профессор Г.В.Савицкая кўп қаватли бинога ўхшатади. Бунда барча қаватлар бир – бирига тенг, аммо, иккинчи қаватни биринчисиз, учинчи қаватни биринчи ва иккинчи қаватларсиз бунёд этиб бўлмайди.¹³

Демак, баланс ликвидлиги тўловга қодирлик ва корхона ликвидлигининг асоси (фундаменти)ни ташкил этади. Бошқа сўз билан айтганда ликвидлик – бу тўловга қодирликни сақлаш усулидир.

Корхонани тўловга қодирлигининг динамикаси ва унинг даражаси тўғрисида аниқ хулоса қилиш учун қуйидаги омиллар таъсирини ҳам ҳисобга олмоқ зарур:

¹³ Г.В.Савицкая “Анализ хозяйственной деятельности” М.: Инфра-М., 2007, 256 стр.

- корхона фаолиятининг характери. Масалан, саноат, қурилиш характеридаги корхоналарда ишлаб чиқариш заҳираларини улуши юқори, пул маблағлариники эса паст;
- дебиторлар билан ҳисоблашиш усули;
- ишлаб чиқариш заҳираларини ҳолати;
- дебиторлик қарзлар ҳолати: унинг таркибидаги муддати ўтган, даргумон қарзларни мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги.

Корхонанинг умумий тўловга қодирлиги мавжуд жами активлар билан мажбурият (қисқа муддатли ва узоқ муддатли) – ларни қоплай олишини ифодалайди.

$$K_{\text{ум.коп}} = \frac{\text{Оборот активлари} - \text{Келгуси давр ҳаражатлари}}{\text{Қисқа муддатли мажбуриятлар} - \text{Келгуси давр даромадлари} - \text{Келгуси давр ҳаражатлари ва тўловлар учун заҳиралар}}$$

Умумий қоплаш коэффиценти 2 дан кичик бўлмаслиги ($K_{\text{ум.коп}} \geq 2$) керак.

Энди тўловга қодирликни пул маблағлари ҳаракатини кузатиш ва ўрганиш орқали аниқлаймиз. Жорий тўлов қобилиятини ички тезкор таҳлили орқали маҳсулот сотишдан, дебиторлик қарзларни ундириш ва бошқа пулли тушумларни назорат қилиш ҳамда корхонанинг мол етказиб берувчилар, банк ва бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажарилишини назорат қилиш учун тўлов календари тузилади.

Тезкор тўлов календари 1,5,10,15 кун, 1 ой муддатларга тузилиши мумкин. Корхонанинг тўловга қодирлигини бу усулда аниқлаш учун маълум даврдаги тўлов маблағларини, тўлов мажбуриятлари билан таққослаш лозим. Таққослаш натижасининг коэффиценти 1 ва ундан ($K \geq 1$) катта бўлиши тўловга қодирликни ифодалайди.

Тезкор тўлов календари (10.01. муддатига қадар)

Тўлов маблағлари	Сумма, минг.сўм.	Тўлов мажбуриятлари	Сумма, минг.сўм.
Пул маблағлари қолдиғи:		Меҳнатга ҳақ тўлаш	1050
- касса	-	Бюджетга тўловлар	320
- банкдаги ҳисоб счёти	2500	Мақсадли давлат жамғар-маларига тўловлар	1130
Қиммат баҳо қоғозлар Пул маблағларини келиб тушиши 10.01. гача:	50	Мол мол етказиб берувчилар ва пудратчилар	4100
- маҳсулот сотишдан	5080	Банк кредитининг фоиз тўловлари	180
- бошқа сотувлардан	185	Банк кредити	850
- молиявий фаолиятдан	170	Бошқа кредиторлик қарзлар	170
Олинган бўнақлар	500	Бошқа тўловлар	50
Кредит, қарзлар Муддати узайтирилган дебиторлик қарзларни ундирилиши	- 120	Жами	7850
Бошқа маблағлар	30	Тўлов маблағларини тўлов мажбуриятларидан ортиқчалиги	785
Баланс	8635	Баланс	8635

Тўловга қодирликнинг паст даражада бўлиши кўпинча пул маблағларини етишмаслиги ва муддати узайтирилган қарзларни мавжудлиги билан изоҳланади. Шу боис комплекс таҳлил давомида тўловга қодир эмаслик сабаблари атрофлича чуқур ўрганилади.

Тўловга қодир эмаслик сабаблари:

- маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини пасайиши, таннархини ортиши, фойдасини қисқариши натижасида ўз маблағларининг манбаини корхонани молиялаштириш учун етишмаслиги;
- оборот капиталидан мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик, яъни маблағларни дебиторлик қарзлар, меъёрдан юқори захираларни ташкил топишига сарфланиши;
- харидорларни тўлов қобилиятига эга эмаслиги;
- солиқ юки, солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ тўламаганлиги учун жарима санкцияларини юқорилиги.

Тўловга қодирлик кўрсаткичларини ўзгариш сабабларини аниқлаш учун пул маблағларини кирими ва чиқимлари режасининг бажарилишини

тахлил этиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай таҳлил учун пул маблағларини ҳаракати билан боғлиқ кўрсаткичлар бизнес режадагиси билан таққосланади. Биринчи галда операцион, инвестиция ва молиявий фаолиятларининг бюджетини даромад қисмини бажарилиши, белгиланган режадан фарқланиш сабаблари аниқланади.

Молиявий барқарорлик кенг камровли кўрсаткич бўлиб, корхона фаолиятининг барча томонлари натижаси унда акс этади. Молиявий барқарорликка эришган корхоналар қуйидаги хусусиятларга эга бўлади:

- бозор муносабатларини ҳар – хил шароитларида ҳам фаолият юрита олиши;
- корхона пул маблағларини эркин ҳаракат қилиши;
- молиявий ресурсларни бозор талабларига мос келиши;
- молиявий ресурслар ҳолати ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва тўлов қобилияти, кредитга лаёқатлигини таъминлай олиши;
- ишлаб чиқариш захиралари ва ҳаражатларини манбалар билан қопланиши.

Иқтисодиётга оид адабиётларда молиявий барқарорликка таъалуқли кўрсаткичлар, уларни ҳисоблаш йўллари ва таҳлили етарлича ёритилмаган.

Молиявий барқарорлик мазмун жиҳатидан турлича тарифланади. Тўлов қобилияти, баланс ликвидлиги, корхонани бозор фаоллиги кўрсаткичлари, молиявий барқарорлик кўрсаткичлари сифатида кўрилиши мутлақо нотўғри.

Профессор Э. Акрамов (“Корхонанинг молиявий ҳолати таҳлили”. Т., “Молия”, 2003) томонидан молиявий барқарорлик кўрсаткичлари хусусида билдирилган фикр ва мулоҳазалари диққатга сазовордир. Молиявий барқарорлик даражасини аниқлаш учун захира ва ҳаражатлар ёки моддий айланма маблағларни уларни ташкил топиш манбаларига нисбат кўринишида аниқлаш тавсия этилади. Молиявий коэффициентлар эса молиявий барқарорликни ифодаловчи молиявий ҳолатнинг қўшимча кўрсаткичларидир дейилади мазкур қўлланмада. Молиявий

коэффициентларни аниқлаш услуги ва уларнинг сони хусусида ҳам маълум бир ечимга келинмаган.

М.Қ. Пардаев, Б.И. Исроилов (“Иқтисодий таҳлил”. Ўқув қўлланма. Т., 2001., 137-бет) молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичларни иқтисодий моҳияти жиҳатидан бешта гуруҳга бўлиб ўрганиш тавсия этилади.

1. Ўз (хусусий) маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар.
2. Четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.
3. Ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.
4. Айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.
5. Асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлар.

А.В. Вахобов, А.Т. Иброҳимов, Н.Ф. Ишонқулов (“Молиявий ва бошқарув таҳлили”. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. Т. 2005, 219-220 бетлар) дарслигида молиявий барқарорликни ифодаловчи энг муҳим кўрсаткичлар деб етита коэффициент келтирилади. Профессор Н.М. Любишин таҳриридаги “Анализ финансово – экономической деятельности предприятия” (М. 2001., 111-113 бетлар) дарслигида олтита молиявий барқарорлик коэффициентларини аниқлаш услублари тавсия этилади.

Бизнинг фикримизча молиявий барқарорликни баҳолашда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун кўрсаткичлар уч гуруҳга бўлиниб ўрганилади.

I гуруҳ. Тўловга қодирлик

II гуруҳ. Капитал структураси

III гуруҳ. Асосий воситалар ва айланма маблағлар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар.


Таҳлил давомида молиявий барқарорликка таъсир этувчи ички ва ташқи омилларга эътиборни қаратмоқ лозим.

Ички омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

- корхона фаолиятини тармоқ хусусиятига мос келиши;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, кўрсатилаётган хизмат тузилиши (структураси);
- устав капиталига тўланган миқдор ҳажми;
- харажатлар миқдори, уларни даромадларга нисбати динамикаси;
- мол-мулк ва молиявий ресурслар ҳолати, шу жумладан, захира ва резервлар, улар таркиби ва тузилиши.

Ташқи омилларга хўжаликни юритишнинг иқтисодий шартлари, тўловга қодирлик, харидорларнинг даромадлиқ даражаси, давлатнинг солиқ ва кредит бўйича сиёсати, ташқи иқтисодий алоқалар ва бошқалар киради.



-чизма. Корхона барқарорлигининг турлари

Умумий барқарорлик чегарасини юқори ёки паст бўлиши турли хил сабабларга боғлиқ.

- “Барқарорлик захираси” - бир неча йиллар давомида шаклланган молиявий захиралар миқдори тасодифий ва кескин ташқи кутилмаган ўзгаришларни олдини олишга қаратилган.

- техник — иқтисодий барқарорлик — инвестиция лойиҳалари самарадорлиги, техника билан қуролланиш даражаси, ишлаб чиқариш, меҳнат, бошқарувни ташкиллаштириш; пул оқимларини ҳаракати туфайли фойдага эришишни ифодалайди.


- молиявий барқарорлик — даромадни харажатларга нисбатан ва ресурслар ҳолатини юқори бўлиши, пул маблағларининг эркин ҳаракатини

таъминлайди, маблағлардан самарали фойдаланиш ишлаб чиқариш узлуксизлиги, уни кенгайтириш ва янгиланиши учун замин яратади.

Молиявий барқарорлик ўз ва четдан жалб этилган капиталлар нисбати, жорий, инвестиция ва молиявий фаолият туфайли ўз капитали жамғармасини ўсиш даражаси, ҳаракатчан ва иммобилизация қилинган ресурслар нисбати, заҳираларни ўз маблағлари манбаи билан таъминланишини ифодалайди.

Демак, молиявий барқарорлик молиявий ресурслар ҳолати биринчидан, бозор талабига мос келиши, иккинчидан, ишлаб чиқаришни ривожланишини таъминлаши лозим.

Молиявий барқарорлик тузилишини қуйидагича ифодалаш мумкин.



-чизма. Корхона молиявий барқарорлигини турлари

- жорий – конкрет (аниқ) давр мобайнидаги молиявий барқарорлик;
- имкон – ташқи шароит ўзгаришини ҳисобга олган ҳолдаги молиявий барқарорлик;
- юзаки – давлат томонидан қўллаб қувватланадиган, четдан бериладиган ёрдам туфайли молиявий барқарорлик;
- реал – рақобат шароитида кенгайган такрор ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олган ҳолдаги молиявий барқарорлик.

Профессионал сўз бойлигида “молиявий барқарорлик” терминини ишлатилиши бир хил маънони англатмайди.

Чет эл иқтисодий адабиётлари ва жаҳон амалиётида “молиявий барқарорлик” сўзини ифодаланишидаги фарқланиш корхона баланси таҳлилига икки хилдаги ёндошиш, яъни, баланс ликвидлигини анъанавий ва замонавий функционал усуллари қўллаш орқали юзага келади.

Молиявий барқарорликни баланс ликвидлиги таҳлилининг анъанавий усули орқали аниқлаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- минимал молиявий тенглик қоидаси – ижобий ликвидликка асосланган бўлиб, бунда жорий активлар ликвидлигининг ўсиши мажбуриятларга нисбатан юқори бўлиши шарт;
- максимал қарздорлик қоидаси – анъанавий меъёрларга мувофиқ корхона қарзини ўз маблағлари билан қопланиш чегараси: узоқ ва ўрта муддатли қарзлар доимий капиталнинг ярмидан юқори бўлмаслиги лозим.
- максимал молиялаштириш қоидаси – олдинги қоидага риоя қилинган ҳолда қарз капитали барча қўйилмалар учун тўланадиган фоиз суммаларидан ортиб кетмаслиги лозим.
- Функционал баланс ликвидлигини таҳлили орқали молиявий барқарорлик қуйидаги шартларга риоя қилган ҳолда аниқланади:
- молиявий мувозанатни сақланиши учун стабил ресурслар – доимий капитал ва унга тенглаштирилган маблағлар стабил жойлаштирилган активларни 100 % қоплаши лозим. Нисбатни 100 % дан паст бўлиши стабил жойлашган маблағлар стабилга эга бўлмаган ресурслар билан, яъни қисқа муддатли мажбуриятлар шаклида молиялаштирилганлигини ифодалайди. Оборот активларига бўлган талаб қисқа муддатли молиялаштириш туфайли ҳисобот даври мобайнида ўзгариб туради ва бу ўзгаришлар қуйидагиларга олиб келади:
- оборот активларини ортиқча таъминланишига, бунинг натижасида вақтинчалик эркин ҳаракатдаги оборот маблағлари вужудга келади;

- оборот активлари билан етарли даражада таъмин этилмаслигига, бунинг натижасида четдан қарз маблағларини жалб этилишига;
- умумий қарздорликни баҳолаш – четдан жалб этилган қарз маблағлари ўз маблағларига нисбат кўринишидаги ифодасидир.

Корхона фаолияти мураккаб тизим ва тизилмалардан иборат бўлиб, шу туфайли унинг барқарорлигини баҳолаш комплекс тарзда ёндошган ҳолда молиявий барқарорлик кўрсаткичлари тизимидан фойдаланиш керак. Кўрсаткичлар икки гуруҳга бўлинади: мутлоқ, нисбий.

Молиявий барқарорликни мутлоқ кўрсаткичлар иштирокида аниқлаш учун ишлаб чиқариш захираларини уни ташкил этувчи манбалари, яъни ўз айланма маблағлари, банкдан олинган узоқ муддатли ва қисқа муддатли кредит ва қарзлар суммалари билан таққосланади. Нисбий кўрсаткичлар фоиз, коэффициент, индекслар кўринишида ифодаланади.



-чизма. Корхона молиявий барқарорлигини таҳлил этиш усуллари

Молиявий барқарорликни мутлоқ кўрсаткичлар иштирокида тахлил этиш учун захира ва ҳаражатларни уни қоплаш манбалари билан таққослаш лозим. Захира ва ҳаражатларни қоплаш манбаларини ҳолати учун манбалар бухгалтерия балансининг актив ва пассив қисмларидан олинади. Қоплаш манбалари таркибига ўз айланма маблағлари (ЎАМ), узоқ муддатли кредит ва қарзлар (УК), қисқа муддатли кредит ва қарзлар (ҚК) киради.

1. Ўз айланма маблағлари (ЎАМ) – Ўз капитали билан Узоқ муддатли активлар (УМА)ни таққослаш орқали ҳосил бўлади.

$$\text{ЎАМ} = \text{ЎММ} - \text{УМА}$$

бунда ЎММ- ўз маблағларини манбаи (ўз капитали)

2. Захира ва ҳаражатларни қоплашга Ўз айланма маблағлари ва Узоқ муддатли кредит ва қарзлар (ЎУ)

$$\text{ЎУ} = \text{ЎАМ} + \text{УК}$$

бунда УК – узоқ муддатли кредит ва қарзлар

3. Захира ва ҳаражатларни қоплашга жами асосий манбалар (ЖМ)

$$\text{ЖМ} = \text{ЎУ} + \text{ҚК}$$

бунда ҚК – қисқа муддатли кредит ва қарзлар

-жадвал

Молиявий барқарорликнинг типлари

Мумкин бўлган вариантлари (N)	$\Delta \text{ЎАМ}$	$\Delta \text{ЎУ}$	$\Delta \text{ЖМ}$	Молиявий барқарорлик тоифалари
1	+	+	+	Мутлоқ барқарор
2	-	+	+	Нормал барқарор
3	-	-	+	Нобарқарор
4	-	-	-	Кризис ҳолат

Молиявий барқарорликнинг тўрт тоифалари қуйидагича аниқланади:

1. Мутлоқ молиявий барқарорлик

$$\Delta \text{ЎАМ} \geq 0$$

$$\Delta \text{ЎУ} \geq 0$$

$$\Delta \text{ЖМ} \geq 0$$

$$S = (1,1,1)$$

2. Молиявий ҳолат нормал даражада

$$\Delta \check{Y}_{AM} \leq 0$$

$$\Delta \check{Y}_U \geq 0$$

$$\Delta \check{J}_M \geq 0$$

$$S = (0,1,1)$$

3. Молиявий ҳолат нобарқарор

$$\Delta \check{Y}_{AM} \leq 0$$

$$\Delta \check{Y}_U \leq 0$$

$$\Delta \check{J}_M \geq 0$$

$$S = (0,0,1)$$

4. Кризис ҳолати

$$\Delta \check{Y}_{AM} \leq 0$$

$$\Delta \check{Y}_U \leq 0$$

$$\Delta \check{J}_M \leq 0$$

$$S = (0,0,0)$$

Молиявий ҳолат танглигини пасайтириш ундан чиқиш учун қуйидаги манбаларни жалб этиш мумкин.

- ортиқча пул маблағлари;
- четдан жалб этилган манбалар;
- банкдан олинган кредит;
- бошқа манбалар

-жадвал

**“FAROVON» акционерлик жамиятининг молиявий
барқарорлигини таҳлили**

Т №	Кўрсаткичлар А	Шартли белги 1	Йил боши 2	Йил охири 3
1.	Ўз маблағларининг манбаи	ЎММ	3700,6	4705,3
2.	Узоқ муддатли активлар	УМА	3342,8	3889,1
3.	Ўз айланма маблағларининг мавжуд суммаси (1 сатр-2 сатр)	ЎМА	357,8	816,2
4.	Узоқ муддатли кредит ва қарзлар	УК	1092,7	1428,1

5.	Захира ва харажатларни қоплашга тегишли ўз айланма маблағлари ва узоқ муддатли қарз маблағлари (3 сатр + 4 сатр)	ЎУ	1450,5	2244,3
6.	Қисқа муддатли кредит ва қарзлар	ҚК	751,6	957,6
7.	Захира ва харажатларни қоплашнинг жами манбалари (5 сатр+6 сатр)	ЖМ	2202,1	3201,9
8.	Захира ва харажатлар	З	3150,0	4100,6
9.	Захира ва харажатларни қоплашга ўз айланма маблағларини ортиқча (+) ёки етишмаслиги (-), (3 сатр – 8 сатр)	Δ ЎАМ	- 2792,2	- 3284,4
10.	Захира ва харажатларни қоплашга ўз айланма ва узоқ муддатли кредит ва қарз маблағларини ортиқча (+) ёки етишмаслиги (-) (5 сатр – 8 сатр)	Δ ЎУ	- 1699,5	- 1856,3
11.	Захира ва харажатларни қоплашга жами манбаларнинг ортиқча (+) ёки етишмаслиги (-) (7 сатр -8 сатр)	Δ ЖМ	- 947,9	- 898,7

Ҳисобот даврида корхонанинг молиявий ҳолати барқарорликка эга эмас. Захира ва харажатларни қоплаш учун жами манбаларнинг етишмаслиги йил бошида 947,9 млн.сўмни, йил охирига келиб 898,7 млн. сўмни ташкил этган. Демак, корхона кризис ҳолатида.

Ҳозирги шароитда молиявий барқарорликни таҳлилида нисбий кўрсаткичлар энг муҳим рол ўйнайди. Бозор муносабатлари шароитида инфляция даражасининг корхона ҳисобот маълумотларига бўлган таъсири нисбий кўрсаткичлар (коэффициент, индекс, фоиз) ларда биров қисқаради. Молиявий барқарорликни баҳолашда кўрсаткичлар йиғиндисидан эмас, балки тизимидан фойдаланиш тавсия этилади.

Кўрсаткичлар тизимининг шартлари:

- бир-бирига қарши бўлмаслик;
- бир-бирини такрорламаслик;
- корхона фаолиятида доғ қолдирмаслик;

- корхона фаолиятининг энг муҳим томонларини акс эттирилиши.

-жадвал

**Корхона молиявий барқарорлигини баҳолаш
кўрсаткичларининг тизими**

Т №	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш формуласи	Изоҳлаш
	А	1	2
	1. Гуруҳ. Тўловга қодирлик кўрсаткичлари		
1.	Мутлоқ ликвидлик коэффициенти	Пул маблағлари + қиммат баҳо қоғозлар. Қисқа муддатли мажбуриятлар	Жорий мажбуриятларни ликвидлиги юқори активлар билан қопланиши
2.	Тез ликвидлик коэффициенти	Пул маб- қисқа муд. Деб. лағлари + инвес-я + қарз Қисқа муддатли мажбуриятлар	Дебиторлик қарзларни ундирган ҳолда прогноздаги тўловга қодирлик
3.	Жорий ликвидлик коэффициенти	Жорий активлар Қисқа муддатли мажбуриятлар	Жорий мажбуриятларни оборот маблағлари билан қопланиши
4.	Соф оборот активлар	Оборот активлари – қисқа муддатли мажбуриятлар	Ўз капитали билан шаклланган оборот маблағлар миқдорини ифодалайди
	2. Гуруҳ. Капитал структураси кўрсаткичлари		
5.	Автономия коэффициенти	Ўз капитали Баланс активи	Жами активдаги ўз маблағларининг улушини ифодалайди
6.	Доимий активлар коэффициенти	Ўз капитали + узоқ муддатли мажбуриятлар Баланс активи	Барқарор пасивлар ҳисобидан молиялаштириладиган активлар улушини ифодалайди
7.	Қарз ва ўз капитали нисбат коэффициенти	Қарз капитали Ўз капитали	Четдан жалб этилган маблағлар билан ўз ресурсларининг нисбатини ифодалайди
8.	Молиялаштириш коэффициенти	Ўз капитали Қарз капитали	Қарз капиталини қанча қисми ўз капитали билан қопланади?
9.	Соф активлар	Ҳисоблашда иштирок этадиган активлар – ҳисоблашда иштирок этадиган пасивлар	Ўз капиталининг мавжуд миқдори ва улар билан таъминланиши
10.	Захираларни қоплашдаги маблағлар манбаини ортиқча (етишмаслиги)	Маблағлар манбаини миқдори – захира миқдори	Захираларни айрим турдаги манбалар билан қопланиши
	3. Гуруҳ. Асосий воситалар ва айланма маблағлар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар		
11.	Оборот активларини ўз маблағлари билан	Ўз айланма маблағлари	Оборот активларини ўз айланма маблағлари

	қопланиш коэффициенти	Оборот активлари	билан қопланишдаги улуши
12.	Захираларни ўз маблағлари билан қопланиш коэффициенти	Ўз айланма маблағлари Захиралар	Захирани қопланишидаги ўз капиталининг улушини ифодалайди
13.	Ўз капиталининг ҳаракатчанлик коэффициенти	Ўз айланма маблағлари Ўз капитал	Ўз капиталидаги ўз айланма маблағларининг улушини ифодалайди
14.	Оборот активларини узоқ муддатли активларга нисбат коэффициенти	Оборот активлар Узоқ муддатли активлар	Узоқ муддатли активларнинг ҳар сўмига тўғри келадиган оборот активларини ифодалайди

Корхоналарни ислоҳ қилиш ва бозор муносабатлари шароитида иқтисодий ўсишнинг зарурати туфайли хўжалик субъектларини ликвидлиги, тўловга қодирлик ва бозор фаоллигини таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Корхона баланси активидаги моддаларни пулга айланиши актив ликвидлиги, тўловга қодирлик (тўлов қобилияти) эса муддатида ва тўлиқ хажмда қарзлардан узулишни ифодалайди.

Тўловга қодирликнинг зарур ва муҳим шарти ликвидликдир.

“Тўловга қодирлик” сўзи кенг маънони англатади, чунки у активдаги моддаларни тез пулга айланишидан ташқари, савдо, кредит ва бошқа пул муомалалари билан боғлиқ мажбуриятларни муддатида ва тўлиқ хажмда бажара олиш қобилиятини ҳам ифодалайди.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналарнинг эркин фаолият юритишида банкротлик ҳолатига тушиш ва синиш хавфидан сақланиш мақсадида баланс ликвидлиги таҳлили натижаларидан фойдаланилади. Таҳлил этиш учун баланс активидаги моддаларни пулга айланиш муддати пассивидаги моддаларнинг қарзни узиш муддатлари билан таққосланади. Бундай таққослик натижасига кўра баланс активидаги моддаларни сотишидан келган тушуми корхона қарзлари (мажбуриятлари)ни узиши учун етарли бўлса баланс ликвидликка эга деб ҳисобланади.

Баланс ликвидлигини таҳлил этиш учун унинг активидаги моддаларни пулга айланиш муддатлари, пассивидаги моддаларни қарзларни узиш муддатлари бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратилади.

Шартли белги	Баланснинг актив ва пассив қисмлари	Мутлоқ миқдор, млн. сўм		Ўзгариши (+,-)
		Йил боши	Йил охири	
A ₁	Актив			
	Доимий ҳаракатдаги активлар - пул маблағлари - қисқа муддатли инвестициялар	546,7	709,3	+162,6
A ₂	Тез сотилувчан активлар - дебиторлик қарзлар (муддати ўтгандан ташқари) - бошқа жорий активлар	705,0	1844,7	+1139,7
A ₃	Секин сотилувчан активлар - захира ва ҳаражатлар - узоқ муддатли инвестициялар - шўъба хўжалик жамиятларидаги акциялар ва уларга берилган қарзлар - қарам хўжалик жамиятларидаги акциялар ва берилган қарзлар, бошқа қарзлар	3150,0	4100,6	+950,6
A ₄	Қийин сотиладиган активлар - асосий воситалар - муддати ўтган дебиторлик қарзлар	3342,8	3889,1	+546,3
П ₁	Пассив			
	Ўта тез муддатли мажбуриятлар - кредиторлик қарзлар	2199,6	3452,7	+1253,1
П ₂	Қисқа муддатли мажбуриятлар - қисқа муддатли кредит ва қарзлар	751,6	957,6	+206,0
П ₃	Узоқ муддатли мажбуриятлар - узоқ муддатли кредит ва қарзлар	1092,7	1428,1	+335,4
П ₄	Ўз капитали -ўз маблағларини манбаи	3700,6	4705,3	+1004,7

Баланс мутлоқ ликвидликка эга бўлиши учун кўрсаткичлар қуйидаги кўринишга эга бўлиши керак. $A_1 \geq P_1, A_2 \geq P_2, A_3 \geq P_3, A_4 \leq P_4$. Юқорида келтирилган шартлардан учтаси бажарилса $A_1 \geq P_1, A_2 \geq P_2, A_3 \geq P_3$ корхонанинг жорий активлари унинг ташқи мажбуриятларидан юқорилигини ифодалайди. Бунда албатта $A_4 \leq P_4$, яъни ўз маблағларининг манбаи узоқ муддатли активлардан катта бўлади.

Айланма маблағларни молиялаштиришда ҳамон кредиторлик қарзлари салмоқли ўринни эгаллайди. Шу билан бирга қисқа муддатли кредит ва қарзлар ҳам йил охирига келиб бироз ортган. Мутлоқ кўрсаткичларга нисбатан корхона ликвидлигини баҳолашда қуйидаги нисбий кўрсаткичлар аниқ ифодалайди:

- мутлоқ ликвидлик коэффиценти;
- ораликни қоплаш ликвидлик коэффиценти;
- жорий ликвидлик коэффиценти.

-жадвал

**Корхона ликвидлиги ва тўлов қобилиятини
баҳолашдаги молиявий коэффицентлар**

Кўрсаткичлар	Иқтисодий мазмуни	Ҳисоблаш формуласи	Тавсия этиладиган меъёр ва унинг аҳамияти
Жорий ликвидлик коэффиценти	Жами қисқа муддатли мажбуриятларни қанча қисми оборот активлари билан қопланишини ифодалайди	<u>Оборот активлари</u> Қисқа муддатли мажбуриятлар	1дан 2 гача, қуйи чегараси қисқа муддатли мажбуриятларни қоплашга оборот маблағлари етарли бўлиши керак. Чегарани 2 дан юқори бўлиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки маблағлар нораціонал жойлашган, улардан самарасиз фойдаланилганликни ифодалайди
Ораликни қоплаш ликвидлик коэффиценти	Дебиторлик қарзларини ундириш ҳисобига корхонани қодирлик истикболини ифодалайди	Пул маблағлар муддатли+ Деб.қарзлар + инвеститция	0,5 дан 1гача, қуйи чегараси доимий равишда дебиторларни назорат қилиб туришни, айланма маблағларни бир қисмини мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашишга етарли бўлишини таъминлаши зарур
		Қисқа муддатли мажбуриятлар	
Мутлоқ ликвидлик коэффиценти	Қисқа муддатли мажбуриятларни қанча қисми мавжуд пул маблағлари ва қисқа муддатли инвестициялар билан қопланишини ифодалайди	Пул маблағлари + Қисқа муддатли инвеститциялар	0,2 дан 0,5 гача, қуйи чегараси корхона тўлов қобилияти пасайганлигини ифодалайди
		Қисқа муддатли мажбуриятлар	

Мутлоқ ликвидлик коэффиценти тўлов қобилиятининг қатъий меъёри қисқа муддатли мажбуриятларни дарҳол мавжуд пул маблағлари билан қопланишидир. Бу кўрсаткич қанча юқори бўлса, қарзни узиш қафолати шунча юқори бўлади. Оз миқдордаги маблағга эга бўлиб, пул маблағларини кирими ва чиқимини муддати ва миқдорини назорат қилиш орқали баланс ликвидлигини таъминлаган ҳолда корхона доимий равишда тўловга қодир бўлиши мумкин. Мутлоқ ликвидлик коэффицентининг, яъни пул маблағлари ва қисқа муддатли инвестицияларни қисқа муддатли мажбуриятларни қоплашнинг йил боши ва йил охиридаги натижалари бироз тавсия этилган меъёрларга яқин.

Ораликни қоплаш ликвидлик коэффиценти жорий қарзларни қанча қисми (заҳираларсиз) дебиторлик қарзларни тўлиқ ундирилган ҳолда қоплай олишини ифодалайди. Ушбу кўрсаткич даражаси 0,5 дан 1,0 гача ва ундан юқори бўлиши корхонанинг фаолият тури, жорий активларининг структураси ва дебиторлик қарзларни сифати ва бошқа молиявий кўрсаткичларнинг нисбатига: сотиш ҳажми билан айланма маблағлар, сотиш ҳажми ва дебиторлик қарзлар, оборот активлари ва қисқа муддатли мажбуриятларга боғлиқ. Дебиторлик қарзларини юқори ҳажмда ва жами маблағларда салмоқли улушга эга бўлиши корхонанинг тўловга қодирлигини амалда пасайишига олиб келади. Ликвидликни таҳлил этишда дебиторлик қарзларни миқдори ва сифатига катта эътибор қаратилади, чунки уларни тўлов манбаларига айланиши учун кетадиган вақт узоқ муддатни ташкил этади, инфляция туфайли яна қўшимча йўқотишларга дуч келади. Бизнинг мисолимизда ораликни қоплаш ликвидлик коэффиценти йил боши ва йил охирида тавсия этилган меъёрдан кичик.

Аммо, корхона раҳбарияти дебиторлик қарзлар билан ишлашни фаоллаштириб бу шаклдаги оборот маблағларни пул шаклида муомалага киритилишини тезлаштириш орқали мол етказиб берувчилар билан бўладиган ҳисоблашишни амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Жорий ликвидлик (қоплаш) коэффициенти ёки умумий қоплаш коэффициенти:

- жорий қарзларнинг қанча қисми жорий активлар билан қопланишини;
- жорий мажбуриятларнинг ҳар сўмига неча сўмлик жорий активлар (айланма маблағлар) қиймати тўғри келишини;
- жорий мажбуриятларни жами айланима маблағлари билан қопланиш даражасини ифодалайди.

Жорий ликвидлик коэффициенти корхонани чиқарган акциялари ва облигацияларини харид этган субъект ва жисмоний шахслар учун муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Акциядан олинган дивидендлар микдори, облигациялардан фоизлар жорий ликвидлик коэффициенти даражасига боғлиқдир. Жорий активларни қисқа муддатли мажбуриятларга нисбатан юқори бўлиши резерв захирасини ҳосил қилади. Резерв захираси корхона зарар кўрганда қоплашга сарфланади. Бу кўрсаткични қанчалик юқори бўлиши кредиторларда қарзни узишга бўлган ишончини таъминлайди.

Жорий ликвидлик коэффициентининг меъёр кўрсаткичи 1 дан 2 гача ҳисобланади. Аммо, барча тармоқлар учун ягона меъёр белгиланиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, бу кўрсаткич даражаси корхонанинг фаолият тури, унинг тузилиши ва баланс активининг сифати, операцион жараён давомийлиги, кредиторлик қарзларни қопланиш муддатлари ва ҳ.к. ларга боғлиқ. Жорий ликвидлик коэффициенти даражасининг ҳисоб – китобига кўра ликвидлик йил боши ва йил охирида меъёр даражасида, унинг ўсиш суърати 1,08 коэффициентни ташкил этган.

Аммо, жорий ликвидлик коэффициентининг даражаси кўп жиҳатдан захираларни ташкил этиш манбалари узоқ муддатли мажбурият ва корхонанинг ўз капиталига боғлиқ. Унинг даражасини ошириш учун ўз капиталини манбалар билан тўлдириш, активлар ва дебиторлик қарзлар ўсишини турғун ҳолда сақлашдан иборат. Мазкур кўрсаткичдан корхона активи ликвидлигини баҳолаш ва узоқ муддатли истикболда тўловга қодирлигини аниқлашда фойдаланилади. Оборот активларини қисқа

муддатли мажбуриятлардан икки маротаба ортиқ бўлиши корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий ҳолатини барқарор ўсиши учун замин яратади. Бунинг натижасида ишчи капитали ёки “соф оборот активи” шаклланади.

Ишчи капитали ликвид резервлари ҳисобланиб, кутилмаган ҳолларда вужудга келадиган пул тушумлари ва қарз мажбуриятлари ўртасидаги узилишлар туфайли вужудга келадиган харажатларни қоплашга сарфланади. Соф ишчи капитали соф активнинг бир қисми, банк-кредиторлар учун банк кредитини корхона қайтара олмаган ҳолларда ундан гаров сифатида фойдаланадилар.

-жадвал

Соф оборот активларини аниқлаш тартиби

Т №	Кўрсаткичлар	Йил боши	Йил охири	Ўзгариши (+,-)
1	Оборот активлари	3411,3	5550,0	+2138,7
2	Қисқа муддатли мажбуриятлар	2951,2	4410,3	+1459,1
3	Соф оборот активлари (1сатр-2сатр)	460,1	1139,7	+679,6

Жадвалда оборот активларни қисқа муддатли мажбуриятлар билан қопланишининг ҳисоб – китоби келтирилган, унинг натижасига кўра оборот активларини қисқа муддатли мажбуриятлардан ортиқчалиги йил бошида 460,1 млн. сўмни, йил охирига келиб 1139,7 млн. сўмни ташкил этган. Соф оборот активининг мутлоқ суммада динамик тарзида ўзгариши ликвидлик даражани ҳам ўзгаришига олиб келади. Бу кўрсаткич қисқа муддатли мажбуриятларни қопланишидан сўнг ҳосил бўлган ортиқча миқдорни ифодалайди. Демак, бу кўрсаткични ўсиши корхона ликвидлигини барқарорланишини ифодалайди.

Корхона молиявий барқарорлигини ифодалашдаги энг муҳим кўрсаткичлардан бири жорий активларни ўз оборот маблағлари билан қопланиш коэффицентидир. Мазкур коэффицент кўп ҳолатларга боғлиқ. Унинг миқдори ва динамикаси хусусида халқаро ҳисоб – таҳлил амалиётида

умумий тавсиялар белгиланмаган. Бизнинг мамлакатимизда бу кўрсаткичнинг нормативи 0,1.

Демак, корхона баланси тузилиши қониқарли, молиявий барқарорликка эришиш учун жорий активларни 10 фоизини ўз оборот маблағлари ташкил этиши зарур.

Хулоса

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида мулкчиликнинг хилма-хил шакллари ва вужудга келиши ҳамда хўжалик юритишнинг замонавий усуллари ва жорий этилиши барча иқтисодиёт субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил борасида талайгина муаммоларни вужудга келтирди. Бугунги куннинг талаби нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, асосий эътибор хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил борасидаги муаммоларни бартараф этиш ҳамда бу борадаги ишларни такомиллаштиришга қаратилмоқда.

Бухгалтерия ҳисобининг ва иқтисодий таҳлилнинг барча объектларида бўлгани каби молиявий натижаларнинг шаклланиши ва тақсимланиши ҳисоби борасида ҳам ҳисоб ишларини замонавий талаблар асосида қуришга бўлаётган интилиш, шак-шубҳасиз, бу борадаги муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

Диссертациянинг юқоридаги молиявий натижалар таҳлилининг ҳозирги ҳолати, бу борадаги камчиликлар, уларни бартараф этишнинг имкониятлари кўрсатиб ўтилди. Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, молиявий натижалар таҳлили борасидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Изланишлар натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Аҳолида иқтисодий таҳлил объекти сифатида молиявий натижаларни таҳлил қилишнинг меъёрий таъминоти ва ташкилий-услубий масалаларини тадқиқ қилиш натижасида:

- таҳлилнинг мақсади ва текширув жараёнида ҳал этиладиган вазифалар аниқланди;

- мазкур объект бўйича ҳисоб ва ҳисоботни тартибга соладиган ҳуқуқий-меъёрий база бир тизимга келтирилди;

- таҳлил объекти сифатида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ўрганилди ва баҳо берилди;

2. Диссертацияда молиявий натижалар таҳлилининг услубий жихатлари бўйича тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш жараёнида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолар туркумланди: бухгалтерия ҳисобида сохта операцияларни акс эттириш; рухсат этилмаган операцияларни амалга ошириш ва акс эттириш; активлар ва мажбуриятларни нотўғри баҳолаш; ҳақиқатда содир бўлган операцияларнинг ҳисобда акс этирилмаслиги; активлар ва пассивларнинг нотўғри гуруҳланиши; бир хил хўжалик операциялари бўйича ёзувларни ҳисоб регистрларида ҳар хил акс эттириш.

3. Молиявий натижаларни шакллантиришда давр харажатлари таркибида жой олган 9440-«Келгусида солиққа тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари» ҳисобварағи асосида солиққа тортишда корхоналарга имтиёзлар бериш лозим.

Маълумки, харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга биноан бу ҳисобварадца асосий воситаларни модернизациялаш, ходимлар ва ишчиларни қайта тайёрлаш ва шунга ўхшаш корхонада келажакда фойдасини кўпайтиришга йўналтирилган харажатлар акс этади. Корхонанинг фойдасининг кўпайиши эса ўз навбатида давлат бюджети тушумларини ортишига, корхонанинг молиявий ҳолатининг яхшиланишига олиб келади. Шундай экан, бизнинг фикримизча, корхоналарга бу борада сезиларли имтиёзлар бериш лозим.

4. Маълумки, мамлакатимизда материалларни баҳолашда АВЕКО - ўртача тортилган усул қўлланилади. Бизнинг фикримизча солиқлар борасида корхоналарга имтиёзлар берган ҳолда уларга мақбул бўлган усулни қўллаш имконияти берилса, бу уларга ҳам имтиёз ҳам фойдани кўпайтиришнинг яна бир имконияти бўлар эди.

5. Соф фойданинг тақсимот қаторида жамғариш ва истеъмолга йўналтирилган маблағларни уларни шакли ва ишлатиш ўрни бўйича алоҳида юритиш, улар тўғрисидаги маълумотларни молиявий ҳисоботга илова сифатида киритиш лозим.

6. Молиявий ҳисоботни тузишда молиявий натижаларнинг юзага чиқиши ва шаклланиши бўйича ҳисоб қаторига тўғридан-тўғри боғланувчанлигини белгилаш лозим. Молиявий натижаларнинг шаклланиши бўйича молиявий ҳисоботда фақат жамланган маълумотларгина акс этмоғи лозим. Уларнинг юзага чиқиш ўрни ва шакли бўйича алоҳидалашган шартли молиявий ҳисоботга тушунтиришларда берилиши лозим.

Шунингдек, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларида ўтган йил даражасини таққослаш базаси сифатида ололмаймиз. Сабабки, улар ўзаро таққослаш асосига келтирилмаган. Шу маънода ўтган йилнинг шу даври бўйича маълумотларни йил бўйича жамланган кўрсаткич сифатида, ҳисобот йилининг шу давридаги маълумотларини эса чорак бўйича кўрсаткичлар тартибида юритиш мақсадли ҳисобланади. Бу эса ҳисоб китобларни анча осонлаштиради ва уларнинг ўзаро боғланувчанлигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари:

1.1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 46 б.

1.1.2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: NORMA, 2010. – 511 б.

1.1.3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. / Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари. – Т.: Адолат, 2000. - 687 б.

1.1.4. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1996 йил 30 август.

1.1.5. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири). 2000 йил 26 май.

1.1.6. «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2003 й. 11 декабрь.

1.1.7. “Банкротлик тўғрисида” (янги таҳрирда) (ЎЗР 24.04.2003 й. 474-П-сон Қонуни билан тасдиқланган) (Мазкур Қонунга ЎЗР 20.12.2005 й. ЎРҚ-15-сон Қонунига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган).

1.1.8. Ўзбекистон Республикасининг “Кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш тўғрисида”ги (1995 йил 21 декабр) қонуни.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари:

1.2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4-апрел ПҚ-615-сон қарори «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»

1.2.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2003 йил 30 августда "Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада

рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони (1998 йил 9 апрелдаги Фармонга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида)

1.2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 11 декабрдаги "Корхоналар банкротлиги ҳақидаги қонунларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-1658-сон Фармони

1.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар:

1.3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори (кейинги ўзгаришлар билан бирга) «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом.

1.3.2. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари» 1998-2010 йиллар

1.3.3. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари» 1998-2010 йиллар.

1.3.4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғи: «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида».

1.3.5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 6 майдаги 45-сонли буйруғи: «Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғининг 7-иловасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

1.3.6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 26 мартда 1781-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги 1, 1/2-сон қарори билан тасдиқланган "Кичик корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг

соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида” ги Низом, 1998 йил 9 апрел

1.3.7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги тўғрисидаги ишлар бўйича қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 465-сон қарори

1.3.8. Санацияга тортилган қишлоқ хўжалик корхоналарини мониторинг қилиш Тартиби (ЎзР АВ 14.08.1998 й. 473-сон билан рўйхатга олинган, ЎзР ИНКИК 08.07.1998 й. 19-сон билан тасдиқланган Тартиби)

1.3.9. “Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида” Низом (ЎзР АВ 14.04.2005 й. 1469-сон билан рўйхатга олинган ЎзР ИНКИК 16.03.2005 й. ГС-05/0271/1-сон Қарори)

1.3.10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 10 июндаги 296-сон ва 1999 йил 26 июлдаги 362-сон қарорларига мувофиқ “Кичик ва ўрта корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги белгиларини аниқлаш тартиби”

1.3.11. Ўзбекистон Республикаси Банкротлик ва санация масалари бўйича ҳукумат раисининг ўринбосарининг 1997 йил 17 апрелда 4-сон билан тасдиқлаган ва 1997 йил 30 майда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган "Корхоналарнинг молиявий таҳлили бўйича услубий тавсиялар"

1.3.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги “2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози тўғрисида”ги №ПП-1245 қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасининг №16/2-15207 (31.12.2009) хабарномаси

1.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари:

1.4.1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. - Т.:

«Ўзбекистон», 1992. - 78 б.

1.4.2. Каримов И.А. Дехқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи. - Т.: «Ўзбекистон», 1994. - 72 б.

1.4.3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. - 269 б.

1.4.4. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. - 202 б.

1.4.5. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998. - 686 б.

1.4.6. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. - 50 б.

1.4.7. Каримов И.А. «Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз». // Халқ сўзи 2002 йил 15 февраль.

1.4.8. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида / Тузувчи Ф.М. Муллажонов. – Т.: «O‘zbekiston» НМИУ, 2005. - 528 б.

1.4.9. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. – Т.: “ Ўзбекистон” НМИУ, 2007. – 64 б.

1.4.10. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 б.

1.4.11. Каримов И.А. Асосий вазифамиз ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010. 73 б.

5. Китоб ва туркум нашрлари

5.1. Бир томлик китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар тўплами:

- 5.1.1. Абдуллаев Ё. ва бошқ. Иқтисодий таҳлил.-Т.: Меҳнат. 2001.-452 б.
- 5.1.2. Абдуллаев А. ва бошқ. Кичик бизнесни бошқариш.-Т.: Молия. 2003.-192 б.
- 5.1.4. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили.-Т.: Молия. 2003.-224 б.
- 5.1.5. Ахмаджонов Х.И., Рахимов М.Ю. Молиявий таҳлил. Т.; ТМИ босмахонаси. 2004 й.
- 5.1.6. Абдуллаев А.М., Ирматов М.М., Хайдаров М.Т.,Ашурова Д.С. Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришни прогнозлаштириш. Уқув қўлланма Т.: «Фан ва технология» 2006. -248 б.
- 5.1.7.Баканов М. И., Шеремет А. Д. Теория экономического анализа. М.: Финансы и статистика. 1993. - 326 с.
- 5.1.8. Бужинский А., Шеремет А. Д. Методика анализа хозяйственной деятельности производственного предприятия (обединения).- М.: Финансы и статистика. 1995. - 324 с.
- 5.1.9. Бирман Г., Шмидт С. Экономический анализ инвестиционных проектов. - М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1997. - с.208
- 5.1.10. Вакуленко Л.Ф. Анализ бухгалтерской (финансовой) отчетности для принятия управленческих решений-СПб:изд.торг.дом. «Герда», 1999.-160 с.
- 5.1.11. Ваҳобов. А.В., Иброҳимов А.Т.,Ишонкулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик.-Т.: Шарқ. 2005.- 480 б.
- 5.1.12. Друри К. Введение в управленческий и производственный учет.-М.: Аудит, ЮНИТИ. 2003.-556 с.
- 5.1.13. Жигалов Н. В. Использование финансовых коэффициентов для оценки деятельности компании. - М.: МГИМО. 1993.
- 5.1.14. Жўраев А.С. ва бошқ. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Ўқув қўлланма.- Т.: Шарқ. 2003.-256 б.
- 5.1.15. Ибрагимов А. Молиявий таҳлил. - Т.: Меҳнат. 1995.-59 б.

- 5.1.16. Ибрагимов А.Т., Рахимов М.Ю. Бошқарув таҳлили. Т.; ТМИ босмахонаси. 2004 й.
- 5.1.17. Ирматов М.М, Хайдаров М.Т. «Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг прогнозлаштириш» Ўқув қўлланма Т.: ТДИУ 2004 йил.
- 5.1.18. Козлова Е. П., Парашутин Н. В. Анализ финансового состояния и прогнозирования банкротства. М.: СП. Аудит - Ажур. 1994. - 162 с.
- 5.1.19. Каримов А.А. ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби.-Т.: Шарқ. 2004.-592 б.
- 5.1.20. Ковалёв О.В., Константинов Ю. П. Аудит. Учебное пособие. - М. Изд -Приор, 2000. - 272 с
- 5.1.21. Маркин В. П. Анализ внутрихозяйственных резервов. - М.: Финансы и статистика, 1991 г.
- 5.1.22. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби.-Т.: «Академия». 2002.-176 б.
- 5.1.23. Пардаев М.Қ. Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. 1-2 қисм.-Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2001.-256 б.
- 5.1.24.Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик.-Сам.: Зарафшон 2001.-272 б.
- 5.1.25. Пардаев М. Қ., Исроилов Б. И. Молиявий таҳлил (Услубий кўргазмалар ва тавсиялар альбоми) - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1999 й.
- 5.1.26. Пардаев М.Қ., Шоалимов А.Х., Пардаев И.Р., Исроилов Ж.И. Бошқарув таҳлили. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2005. - 69 б.
- 5.1.27. Панков Д. А. Бухгалтерский учет и анализ в зарубежных странах. Минск. ИП Экоперспектива. 1998 г.
- 5.1.28. Сотиволдиев А.С., Иткин Ю.М. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.- Т.: Ўзбекистон БАМА нашр. 1-П-том. 2002.-122 б.
- 5.1.29. Селезнева И.Н., Ионова А.Ф.Финансовый анализ:Учебное пособие.- М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2001.-479 с.
- 5.1.30. Савицкая Г.В. “Анализ хозяйственной деятельности предприятий”. И.П. “Финанс”, 2003.
- 5.1.31. Савицкая Г.В. “Анализ производственно- финансовой деятельности сельскохозяйственных предприятий”. М.: “Инфра-М”, 2003.

- 5.1.32. Савицкая Г.В. “Теория анализа хозяйственной деятельности”. М.: “Инфра-М”, 2006.
- 5.1.33. Флейшер К. “Стратегический и конкурентный анализ. Методы и средства конкурентного анализа в бизнесе”. М.: “Бином”, 2005.
- 5.1.34. Маркарьян Э.А., Герасименко Г.П., Маркарьян С.Э. “Финансовый анализ”. Издания четвертое М.: “ИД ФБК-Пресс”, 2003.
- 5.1.35. Ионова А.Ф., Селезнева Н.Н. “Финансовый анализ”. М.: “Проспект”, 2006,
- 5.1.36. Солика оид конун хужжатларидаги янгиликлар. . – Т.: “Норма”, 2010. – 512 б.
- 5.1.37. Ғуломов С.С Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили.-Т.: 1998.
- 5.1.38. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш.-Т.:«Молия». 2003 й.
- 5.1.39. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт.(Монография)-Т.: Молия. 2003.-247 б.
- 5.1.40. Хасанов Б.А., Хошимов А.А. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш.-Т.: Ўқитувчи. 2004.-100 б.
- 5.1.41. Шагиясов Т.Ш. и другие. Финансовый и управленческий анализ. /Учебник. –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008. -352 с.
- 5.1.42. Шоғиёсов Т.Ш. Комплекс иқтисодий таҳлил. –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2009. -220 б.
- 5.1.43. Чуев Й.Н., Чуева Л.Н. “Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности”. М.: “Дашков и Ко”, 2006.

5.2. Кўп томлик китоблар:

5.2.1. Иткин Ю.М., Сотиволдиев А.С. Бухгалтерский учет в условиях рыночной экономики Узбекистана. В 2-х т. – Т.: Ассоциация бухгалтеров и аудиторов, 1997. – 417 с.

5.2.2. Маконелл К.Р., Брю Л.С. Экономикс: принципы, проблемы и

политика. В 2-х т. /Пер. с англ. 2-го изд. - М.: “Республика”, 1992.

5.2.3. Ризакулов А.А., Ибрагимов А.К., Хасанов Б.А., Усанов А.У., Маматов З.Т. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари. 3 том. – Тошкент, 1994. - 320 б.

6. Диссертациялар ва диссертация авторефератлари

6.1. Абдувахидов Ф.Т. Кичик тадбиркорлик субъектларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш: Иқтисод фанлари номзоди ... диссертация автореферати. – Т.: ЎзР БМА, 2005. – 22 б.

6.2. Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва аудит: Иқтисод фанлари доктори ... диссертация автореферати. – Т.: ЎзР БМА, 2002. – 32 б.

6.3. Курбанбаев Ж.Э. Корхоналарда ҳисоб сиёсатини шакллантириш, юритиш ва ривожлантириш истикболлари: Иқтисод фанлари номзоди ... диссертация автореферати. – Т.: ЎзР БМА, 2005. – 22 б.

6.4. Пардаев М. Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари.: Иқт. фан. докт. дис....автореф.-Т.: ЎзР БМА. 2002.

6.5. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари.- иқт.фан.докт. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферата - Т.: ЎзР БМА, 2004.

6.6. Ишонкулов Н.Ф. Пул оқимларининг ҳисоби ва таҳлилин такомиллаштириш. - Иқтисод фанлари номзоди ...диссертация автореферати. – Т.: ЎзР БМА, 2007. – 21 б.

6.7. Мисиров К.М. Билвосита солиқларнинг молиявий ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди ... диссертация автореферати. – Т.: ЎзР БМА, 2010. – 21 б.

7. Журнал ва газеталардаги мақолалар

- 7.1. Хакимов Б. Фирма пул оқимлари ҳисобини юритиш. Молия. Илмий журнал. -Тошкент, 2008. 1-сон 70 б.
- 7.2. Хакимов Б. Халқаро тажриба: Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот. Молия. Илмий журнал. -Тошкент, 2008. 2-сон 80 б.
- 7.3. Остонақулов О. Функционал қиймат таҳлилининг мақсади ва босқичлари. Молия. Илмий журнал. -Тошкент, 2008. 1-сон 88-94 б.
- 7.4. Остонақулов О. Функционал қиймат таҳлили шакллари. Молия. Илмий журнал. -Тошкент, 2009. 4-сон, 87 б.
- 7.5. Маматов Б. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаш амалиётидаги ўзига хос муаммолар. Молия. Илмий журнал. -Тошкент, 2009. 4-сон, 19 б.

8. Хорижий илмий нашрлар

- 8.1. Charles T. Horngren, George Foster. Cost Accounting (A Managerial Emphasis). A Division of Simon & Schuster, New Jersey. 1990. 964 p.
- 8.2. Donald E. Kieso, Jrry J. Weygandt, Terry D. Warfield. INTERMEDIATE ACCONTING. John Wiley & Sons, USA. 2004. 1332 p.
- 8.3. Jack C. Robertson. Auditing. R.R. Donnelley & Sons Company, USA. 1996. 982 p.
- 8.4. Lowrence Revsine, Danial W. Collins, W. Bruce Johnson. Financial Reporting & Analysis. Pearson Education, New Jersey. 1999. 1006 p.
- 8.5. Mc. Lead, Raymond Jr. Management information systems. A Division of Simon & Schuster, New Jersey. 1995. 754 p.
- 8.6. Paul E. Dascher, Jeffrey W. Strawser, Robert H. Strawser. Working Papers to accompany Managerial Accounting. Thomson, Mason. 2003. Inc. 14-22.

8.7. Ronald M. Copeland, Paul E. Dascher, Jerrey W. Strawser, Robert H. Strawser. Managerial Accounting. Thomson Learning, Ohio. 2001. Inc.13-34.

8.9. Stive Jackson, Roly Sowyers. Managerial Accounting (A Focus on Decision Making). Harcourt College Publishers, Orlandu. 2001. Inc. 16-17.

8.10. Shim K., Joel G. Siegel «Modern Cost Management & Analysis». Barron's Educational Series, USA. 2000. 346 p.

9. Симпозиум ва конференция ишларига ҳаволалар

9.1. «Аудитор фаолиятини такомиллаштириш истикболлари: муаммо ва ечимлари» //Иккинчи Республика анъанавий илмий-амалий конференция тўплами. -Т.: ТМИ, 2006. -244 б.

9.2. «Аудитор фаолиятини такомиллаштириш истикболлари: муаммо ва ечимлари» //Учинчи Республика анъанавий илмий-амалий конференция тўплами. -Т.: ТМИ, 2007. -258 б.

9.3. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бухгалтерия ҳисоби, аудит ва таҳлилни такомиллаштириш масалалари» мавзусидаги Респ.илм.-амал.конф.матер. 2009 йил 12 декабрь. -Т.: ТМИ. 2009. -500 б.

9.4. «Баркамол авлодни иш билан таъминлаш – давр талаби» мавзусидаги Институт.илм.-амал. семинар.матер. 2009 йил 15 декабрь. -Т.: ТМИ. 2009. -400 б.

10. Статистика ва ҳисобот материаллари

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 1996-2009 йиллар бўйича статистик маълумотлари.

11. Интернет сайтлари

11.1. <http://www.Gov.uz/>

11.2. <http://www.Pravo.uz/>

11.3. <http://www.Zionet.uz/>

11.4. <http://www.Stat.uz/>

11.5. <http://www.analitic.ru/>